



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

*1 октябрь – Ўқитувчи ва
мураббийлар куни*



БЎЛАЖАК СУДЬЯЛАР УЧУН

2023 йил 4 сентябрь куни Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабда Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсининг 2023-2024 ўқув йили тингловчилари учун тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу ўқув йилида жами 154 нафар тингловчи ўқишга қабул қилинди. Шундан 48 нафари фуқаролик, 48 нафари жиноят, 30 нафари иқтисодий ва 28 нафар тингловчи маъмурий суд йўналишлари бўйича таҳсил олишади.

Қуйида эътиборингизга ушбу тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Робахон Маҳмудова, суд фахрийлари Юсуф Ибрагимов ҳамда Узоқ Бозоровларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳавола қиламиз.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси:

— Бу йилги ўқув жараёнлари давомида профессор-ўқитувчиларимиз, судьяларимиз томонидан дарслар пухталик билан ўтилади. Амалиётни ҳам юқори савияда ташкил қилишга ҳаракат қиламиз. Лекин натижа барибир тингловчиларнинг ўзига, яъни уларнинг ўқув йили бошидан ўз олдларига қандай талаб қўйишига боғлиқ. Агар улар дарсларга шунчаки келиб-кечиб юраверса, ўзининг устида ишламаса вақт бир зумда ўтиб кетади ва ўқув йили сўнгида бўладиган якуний имтиҳонларда панд еб қолишлари мумкин. 11 ой аслида уларнинг елкасига юклатилган вазифаларни бажариш учун камлик қилади. Шунинг учун тингловчиларимиз дарсларга жиддий қараб мунтазам ўқиб-изланиб, судьялик касбига ўзларини тайёрлаб боришсагина кутилган натижаларга эришишлари мумкин.

Мана шу 11 ойни маълум маънода тингловчилар билан биргаликда ўтказамиз. Бир томондан уларга таълим ва сабоқ берсак, бошқа томондан уларнинг юриш-туришини кузатамиз, хатти-ҳаракатига баҳо берамиз. Чунки, ўтган ўқув йилида таҳсил олган 20 нафардан зиёд собиқ тингловчилар бу даргоҳдан судьялик касбига нолойиқ бўлиб чиқди. Бу ҳолат уларнинг одоб ахлоқи, юриш-туриши туфайли бўлди. Энди уларни судья қилиб тайинлай олмаймиз. Тингловчиларга давлат катта пул сарфлайди. Аввало, судья катта ёрдамчисининг ойлиги ҳар ойда стипен-



дия тарзида тўлаб берилса, Олий мактабда қанчадан-қанча профессор ўқитувчилар ва судьялар уларга таълим бериши учун жалб этилади. Халқаро тадбир ва конференциялар ўтказилади. Бундан ташқари, уларнинг аввалги иш жойи ва лавозими сақланиб ҳам туради. Шунинг учун тингловчилар ўзларига яратилган ша-роитларни ҳурмат қилмаса эртага ҳеч қандай натижага эришмай унинг жабрини фақатгина ўзлари тортади.

Биз тингловчиларнинг оиласи тинчлигига ҳам эътибор қаратамиз. Чунки, ўз оиласида адолатни таъминлаб, тинчлигини сақлай олмаган инсон жамиятда адолатни таъминлаб, одамлар ўртасидаги салбий муносабатлар тикланишига хизмат қила олмайди.

Робахон МАҲМУДОВА,

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари:

— Аввало тингловчиларни ўқишга қабул қилингани билан табриқлайман. Ўйлайманки, улар ушбу ўқув йилини мазмунли ўтказиб яхши мутахассис бўлиб чиқишади. Бу бир йиллик ўқиш ушбу қора кўзлар учун катта бир синов ва катта бир имконият деб биламан. Улар ўқиш давомида нафақат билим жиҳатидан балки маънавий жиҳатдан ҳам тарбияланишлари учун Олий мактабда олимлар, маърифатли инсонлар билан бадиий учрашувлар ўтказилиб туриш яхши йўлга қўйилган.

Жудаям хурсанд бўлдик, мана бу йил 41 нафар аёл тингловчилар ўқишга қабул қилинибди. Чунки, улар уй юмушларидан, оила ташвишларидан ортиб шу касбни танлаганлар. Бундай ҳолатда яхши натижаларга эришиш икки ҳисса меҳнат ва иродани талаб қилади. Умид қиламанки, уларнинг бари тез орада бизнинг сафимизга қўшилишади. Бу борада тингловчиларга омад тилаб қоламан.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

Юсуф ИБРАГИМОВ,

фахрий судья:

— Бугун бўлажак судьяларни ушбу таълим даргоҳида таълим олиш имкониятига эга бўлгани билан муборакбод этиш баробарида уларга қийин ва муҳим вазифани уддалашлари йўлида омад ва ирода тилаб қоламан. Сабаби, судья оддий инсон бўлмаслиги керак. Бу борада Марғилоний шундай деган: **“Қози қилиб сайлаш учун қозидан ўрнак оладиган инсонларни қўйиш керак. Яъни, ундан нафақат адолатни, балки одоб-ахлоқ, кийиниш, юриш-туриш ва бошқа шу каби фазилатларни ўрганадиган инсон бўлиши лозим”**. Шунинг учун судьялик энгил иш эмас. Ҳар хил ҳолатда ва шароитда ишлайдиган, ўзининг мустақил фикрига эга бўладиган одамгина ўз адолати ила ватанини ҳимоя қилади. Адолат деганда нима тушунилади? Адолат деганда тўғри йўлдан адашган шахсни жамиятга инсонлар қаторига қўшила оладиган қилиб тарбиялаш масаласи тушунилади.

Мисол учун мен судьялик лавозимига сайланган куним қадрдон қўшним битта ҳадис олиб кириб берганди. Унда ёзилишича: **“агар қози билмасдан туриб адолатсиз ҳукм чиқарса бу азми гуноҳ бўлади, агар қози билиб туриб адолатсиз ҳукм чиқарса у дўзахийдир”**. Мен шу жумлаларни судьялар учун шиор тарзида ёзиб қўйилишини таклиф қиламан. Сабаби, тингловчилар шуни унутмасликлари керакки, адолат давлатнинг юзини оча-



диган, обрўсини оширадиган ҳолатларнинг биттаси ҳисобланади. Шунинг учун тингловчиларнинг мана шу ўқув йили давомида ўқиб-ўрганишларига, тушунмаган, билмаган жойларини устозларидан сўраб олишларига умид қилиб қоламан.

Яна бир жиҳат борки, бу тингловчилар аввало одам бўлишлари керак. Бундан нимани тушуниш мумкин? Яъни, одамлар билан маслаҳатлашганда, уларни қабул қилганда уни инсон эканини ҳис қилиш зарур. Ана шунда кўзланган режага эришилади. Тингловчилар эртага судья бўлиб адолатли ҳукмлар чиқариб жамиятда катта обрў топса уларнинг устозлари шогирдларининг бу ишларидан, ютуқларидан хурсанд бўлишиб ҳақларига дуо қилишади. Бундан кейин эса уларнинг ишлари янада муваффақиятли ва баракали бўлади.



Узоқ БОЗОРОВ,

фахрий судья:

— Мен узоқ йиллар Тошкент давлат юридик университетида талабаларга дарс берганман. Меҳнат фаолиятининг охириги 17-18 йилларида Конституциявий судда ишладим. Шу давр давомида бир нарсага иқрор бўлдимки, ҳақиқатдан ҳам илм олинса, шу илмни ўзига сингдира олса ана ўша ерда адолат ва покизалик бўлади. Бекорга ҳазрат Навоий айтмаганлар: “билмагани сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.” Мамлакатда адолат ва покизалик бўлса бунинг ўзи энг катта бахт ҳисобланади ва яна халқ рози бўлади. Тингловчилар ўқиб-ўрганиб ота-онасининг, элининг хизматини аъло даражада бажаришса ишонаманки, уларнинг ҳаёти ва иш фаолияти одамлар ҳавас қиладиган даражада намунали бўлади, инсонлар орасида қадр топади. Уларнинг мана шу йўлда толмай меҳнат қилишлари учун омад тилаб қоламан.



Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 30.09.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 12. Адади 1900.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА**КУН МАВЗУСИ****6****ҲАЯЖОН ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН...****8****ЖАРАЁН****МАЪРИФИЙ ТАДБИР ТААССУРОТЛАРИ****9****“МАТОНАТЛИ АЁЛ ҚИССАСИ” ИБРАТЛИ
КИТОБ****10****ЭЪТИРОФ****ҲАЛОЛЛИК, САДОҚАТ ВА ҚАТЪИЯТНИ
ФАЗИЛАТ ҚИЛГАН ИНСОН****11****УСТОЗ – БЕБАҲО НЕЪМАТ!****12****ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО****БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ
ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИ****ЯНГИ ДАВР НАФАСИ****14****ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСINI АМАЛГА
ОШИРИШДА СЕНАТНИНГ ПАРЛАМЕНТ
НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИ****17****ТАРИХ ВА БУГУН****ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИККА
ҚАДАР МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ****ТАДҚИҚОТ****20****МАЪМУРИЙ ҚАМОҚ ЖАЗОСИ БИЛАН
БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЕЧИМЛАРИ****22****СМАРТ КОНТРАКТ – АҚЛЛИ
ШАРТНОМА(МИ?)**

24

КОНТРАБАНДА СУБЪЕКТИВ
БЕЛГИЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

27

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЛАРИ
БЎЙИЧА СУД МУҲОКАМАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

30

ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК
ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТ
ХУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

ИБРАТ

33

ҚАЛБИ ҚАТТИҚ САВДОГАР

34

ЯНГИ БОСҚИЧ

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

ДАВР КЎЗГУСИ

38

ХУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ЖАРАЁНИДА
СУД ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ
АҲАМИЯТИ

40

НУҚТАИ НАЗАР

ТАДБИРКОРЛИК ТАМОЙИЛИ:
ТАҲЛИЛ, ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА
ХУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

43

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ВА
УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

44

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ИПОТЕКА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

46

КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ
МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШНИ
ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

48

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД
ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ

МУЛОҲАЗА

51

БУТУНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ХУҚУҚИНИНГ
САВДО АСПЕКТЛАРИ БЎЙИЧА
БИТИМИНИНГ ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

54

МУШОҲАДА

БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ИМКОНЯТ
ЯРАТАЁТГАН ОМИЛЛАРНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

57

МАЪМУРИЙ АКТИНИ ҲАҚИҚИЙ
ЭМАС ДЕБ ТОПИШ: ГЕРМАНИЯ
ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА

60

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

НОРМЫ КОНСТИТУЦИИ В СУДЕБНЫХ
АКТАХ

ANALYSIS

61

SPECIFICITY OF THE IMMUNITY OF
SPECIAL MISSIONS IN MODERN
INTERNATIONAL LAW

ҲАЯЖОН ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН...

Судьялар олий мактабига 2023-2024 ўқув йилида Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш магистрлик курсига қабул қилинган 154 нафар тингловчилар учун жорий йилнинг 4 сентябрь кунидан ўқув машғулотлари бошланган. Қуйида уларнинг қабул имтиҳонлари арафасидаги ва ундан кейинги кечинмаларини улашамиз.

Бахтиёр РЎЗМЕТОВ,

жиноят ҳуқуқи ихтисослиги йўналиши тингловчиси:

— Қозилик барча замонлар ва даврларнинг энг шарафли, шу билан бирга энг масъулиятли вазифалардан бири бўлиб келган десак муболага бўлмайди.



Қозидан адолатни қарор топтириш йўлида нафақат билим ва кўникмаларга эга бўлиши, балки юксак маънавий, ахлоқий ва дунёвий илмлар соҳиби бўлиш талаб қилинган.

Мен Судьялар олий мактабига Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсининг 2023-2024 ўқув йили тингловчилари учун бўлиб ўтган имтиҳонларда иштирок этиб, мактабнинг тингловчиси бўлишга сазовор бўлдим.

Келгусидаги мақсадим ўқув йилини муваффақиятли тамомлаб, олган билим ва кўникмаларим билан мамлакатимизда одил судловни амалга оширишда ўз ҳиссамни қўшадиган салоҳиятли мутахассис бўлиб етишишим лозим бўлади. Бунда биз тингловчиларга билдирилган ишонч ва яратилган имкониятлардан оқилона ва тўғри фойдаланишимиз талаб қилинади.

Келгусида ўқув йили якунига қадар инглиз тилини ўрганишни режалаштириб олдим ва буни амалга ошира бошладим. Шунингдек, соҳага оид назарий билимларимни ошириш билан бир қаторда бадиий асарлар мутолаасига киришиб, миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналарини мунтазам ўқиб бормоқчиман.

Бундан ташқари, гуруҳимиз тингловчилари билан соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида футбол ва шохмот мусобақалари ўтказишга келишиб олдик.

Дилбар ЧОРИЕВА,

иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги йўналиши тингловчиси:

— Судья бўлиш мақсади менда бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ. Юридик университетга киришдан олдин мен келгусида Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрувчи адолатли судья бўлман, дея ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. Ушбу мақсадимни амалга ошириш учун узоқ муддат руҳан ва қалбдан ўзимни тайёрладим.



Кириш синовларига тайёргарлик жараёнлари айтишим мумкинки, жиддий ва ҳаяжонли бўлди. Жид-

дийлиги мен танлаган йўлнинг масъулияти билан боғлиқ бўлса, ҳаяжоним эса олий таълим муассасасига ҳужжат топширган абитуриентдан фарқ қилмаган ҳолда кечаю кундуз ўқиш, изланиш, ўз устида ишлаш, кези келганда таомланиш ва ухлашга-да вақт топа олмаслик ва яқунда эса имтиҳон натижаларини кучли ҳаяжон билан кутишдан иборатлигида эди. 4 босқичдан иборат кириш синовларининг ҳар бири адолатли ва шаффоф тарзда бўлиб ўтгани менга катта умид бағишлади. Кириш синовларида талабгорларнинг нафақат соҳавий билим даражаси, балки ҳуқуқшунос сифатида ижтимоий, сиёсий ҳаётда ҳамда давлат бошқарувида юз бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини англаб етиши, таҳлил қила олиши ва ўз муносабатини билдира олиши орқали уларнинг дунёқараши ҳам ўрганиб чиқилди. Хусусан, кириш синовларида руҳий ҳолатимиз, ёзма нутқимиз, ўз фикримиз, дунёқарашимизни эркин ифода қилиш қобилиятимиз ва шу билан бирга соҳавий билимларимиз ҳамда замонавий судья учун зарур бўлган хорижий тилни билиш даражаси ҳам тест саволлари орқали аниқланди.

Бу эса жамиятимизда судьялик касбига нисбатан муносабат, масъулият ва ҳурмат ошаётганлигидан далолатдир.

Зебо БАЗАРБАЕВА,

фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги йўналиши тингловчиси:

— Мен мактабнинг тингловчилари сафига қўшилганга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг Ҳуқуқий ахборот бўйича бош маслаҳатчиси бўлиб ишлаганман. Вазифам асосан қонунчиликдаги янгиликларни аҳолига етказиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш эди. Фаолиятим давомида кейинги ойларда асосан Референдум орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияни давлат органлари ва ташкилотларга семинарлар орқали содда ва халқчил тилда тушунтириш бўлган эди.

Имтиҳонга чақирилганимиздан кейин Нукусдан Тошкентга келар эканман махсус фанлар юзасидан норматив ҳужжатларни ва энг асосийси янги таҳрирдаги Конституцияни қайта-қайта ўқиб келдим. Энг қувонганим иншо ёзишда ва тестда айнан янги таҳрирдаги Конституциядан мавзу ва саволларнинг тушгани бўлди.

Тестда тушган Конституция юзасидан берилган саволларнинг барчаси деярли эсимда қолган. Масалан: Олий Мажлис Сенатининг неча нафар аъзоси



Президент томонидан тайинланади деган саволга 9 та деб жавоб берганим ёки Конституциявий суднинг судьялари сайланиш муддати қанча деган саволга қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланади, деб жавоб берганим ҳалиям ёдимда турибди.



Сара КАРАМАТДИНОВА

маъмурий ҳуқуқ ихтисослиги йўналиши тингловчиси:

— Мактабнинг расмий телеграм каналларида судьялик лавозимига номзодлар тайёрлаш курсига синовларда иштирок этувчи талабгорларга имтиҳонни ўтказиш тартиби ҳақида доимий эълон қилиб борилди.

Шунингдек, кириш синовларининг бири сифатида ҳуқуқий йўналишдаги иншо мавзулари ушбу расмий каналларда жойлаштирилди. Бу эса мен учун берилган имкониятларнинг бири эди. Иншо бўйича мавзулар жуда яхши танлангани ёзишда қийинчилик туғдирмади. Оғзаки суҳбат ҳам мен учун осон бўлди, сабаби комиссия аъзолари кўпроқ ўзимизнинг ишлаётган соҳамиз бўйича саволлар беришди. Тест синовлари ҳам ихтисослигимиз учун зарур бўлган саволлардан тузилган экан. Менга фақат инглиз тилидан тушган тест саволлари сал қийинчилик туғдирди. Таклифим инглиз тили бўйича саволлар даражаси сал энгиллаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хабибулло МАДАТОВ,

иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги йўналиши тингловчиси:

— Судьялар олий мактабига 2023-2024 ўқув йили учун мингга яқин талабгорлар томонидан ҳужжат топширилган бўлсада, биринчи босқичда мазкур ҳужжатлар ўрганилиб, муносиб топилган номзодлар иккинчи босқичга ўтказилди. Иккинчи босқичда ҳар бир талабгорнинг психологик ҳолати ўрганиб чиқилди, ундан ўтган номзодлар эса, учинчи босқичга ўтказилди.

Мисол тариқасида психологик тест саволлари 176 тадан иборат бўлиб, мазкур синовда берилган саволларга аниқлик ва зукколик билан чуқур ўйлаган ҳолда жавоб бериш лозим эди.

Учинчи босқичда талабгорларнинг махсус фанлардан билими ва дунёқарашини аниқлаш мақсадида ёзма иншо ва комиссия томонидан якка тартибда суҳбат ўтказилди.

Иншо ёзиш учун ҳар бир номзодга ихтисослик бўйича ва янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун моҳиятини ёритиш мақсадида учтадан савол берилиб, шу саволларни 12 варақли дафтарга режалар тузган ҳолда ёзиб бериш кўрсатилди. Барча қўйилган талабларга амал қилган ҳолда саволларга батафсил жавоб беришга ҳаракат қилдим.



Мисол учун, менга “Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари”, “Суд ишларини ҳал қилишга аралашушга йўл қўйилмаслик кафолатлари” ҳамда “Гендер тенглиги деганда нимани тушунасиз?” деган, саволлар тушган эди.

Сўнги босқичда ихтисослик ҳамда хорижий тилни билиш даражаси юзасидан Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўтказилди. Мазкур тест синовлари ҳам бошқа синов жараёнларидагидек адолатли ўтказилди.

Барча босқичдан юқори натижага эришган ва комиссия томонидан муносиб деб, топилган талабгорлар бугунги кунда Судьялар олий мактабининг 2023-2024 ўқув йили учун тингловчи сифатида қабул қилинди.

Шуни мамнуният билан айтаманки, бу йил мен ҳам тингловчилар қаторида турибман. Бу юксак даражага эришиш албатта осон бўлмади. Биринчи навбатда ота-онамининг дуолари, устозларимнинг берган билимлари ва ўғитлари ҳамда шу юксак, шарафли судьялик лавозимига эришиш учун астойдил интилишим натижаси, деб ўйлайман.

Албатта, Судьялар олий мактабига қабул қилинган барча тингловчиларга келгусида устозларимизнинг бераётган таълимлари ва ўғитларига амал қилган ҳолда шарафли касбга эришишда зафарлар тилаб қоламан.

Иззат ПОЛВОНОВ,

Судьялар олий мактаби ўқув бўлими бошлиғи:

— 2023-2024 ўқув йилидаги машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгашининг малакали судьялари ҳамда Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари томонидан судьяни судья ўқитади тамойили асосида дарс машғулотлари олиб борилади.

Дарс машғулотлари 30 фоиз назария ва 70 фоиз амалий машғулотлар асосида бўлади. Бунда тингловчиларнинг олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш мақсад қилиб олинган.

Таъкидлаш жоизки, дарс машғулотларига юқори малакали мутахассисларнинг жалб қилиниши тингловчиларнинг билимларини оширишга, амалиётда вужудга келаётган муаммоларнинг ўқиш жараёнида ечимини топиш чораларини кўриш имконини беради.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш магистрлик курси тингловчиларининг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида суд имитацияларини ўтказиш ҳамда маънавий, маърифий ва спорт тадбирларини ташкиллаштириш анъанага кирган.

Судьялар олий мактабида тингловчиларнинг етарли билим олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, таълимга замонавий ахборот технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.



Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.

МАЪРИФИЙ ТАДБИР ТААССУРОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан жорий йилнинг 30 сентябрь куни “1 октябрь – Ўқитувчи ва мурабийлар куни” байрами арафасида суд тизимидаги устоз ва мураббийларни эъзозлаш мақсадида маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Унда суд тизимида узоқ йиллар ҳалол-пок ишлаб, самарали фаолият кўрсатган устоз ва мураббийлар, шунингдек, видеоконференцалоқа тизими орқали барча вилоятлардан биз каби судьялар ҳам иштирок этдик. Ушбу тадбир менда жуда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Судьялар олий кенгаши қарори билан бир гуруҳ фахрийларга “Суд фахрийси” кўкрак нишон топширилди. Сўнгра, мана шу устозларнинг йўлидан оғишмай бориб, намунали фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ судьяларнинг мураббийлари ва ота-оналари рағбатлантирилиб Судьялар олий кенгашининг “Ташаккурнома” ва эсдалик совғалари топширилди. Мени ҳаяжонлантирган ва кейинги фаолиятимда янада катта куч билан ишлашимга сабаб бўлган жиҳатлардан бири шу бўлди, деб ўйлайман. Сабаби рағбатнинг бундай шакли ота-оналарга ажойиб мамнунлик бахш этса, судьяларнинг ўзларига қўшимча иштиёқ беради. Чунки, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги биринчи устозимиз ҳаётдан муносиб жой эгаллашимизга сабабчи бўлади.

Кейинги пайтларда Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан суд тизимида узоқ йиллар намунали фаолият юритган устозларнинг ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи “Ибрат мактаби” туркумида китоблар нашр қилиб келинмоқда.

Устоз ва мураббийлар куни арафасида бу йил тўқсон икки баҳорни қарши олган суд фахрийси, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист”, “Шухрат” медали соҳибаси Умсун Астанованинг машаққатли ва шарафли ҳаёти ва фаолиятдан ҳикоя қилувчи “Матонатли аёл қиссаси” китоби нашрдан чиқди. Мазкур тадбирда ушбу китобнинг тақдироти ҳам ўтказилди. Тақдиротда китоб қаҳрамонининг шахсан иштироқи эса тадбирни янада жонли тарзда ўтишига хизмат қилди.

Мен ҳам гарчи тадбирда видеоконференцалоқа орқали иштирок этган бўлсамда ўзим учун кўплаб ибратли фазилатларни ўзлаштирдим. Айниқса сабр ва одамийлик борасидаги тушунчаларим анча бойиди. Устозимиз Умсун опанинг дадиллигини, уларнинг ҳеч нарсадан қўрқмай иш кўрганларини, бировдан бир нарса кутмай, умидвор бўлмай ишларни кўришда доимо тўғри бўлганликлари бизга яхшигина ўрнак бўлди. Демак, биз ҳам уларнинг йўлидан юрадиган бўлсак, эртага ёшимиз бир жойга борганда одамлар орасида, шогирдларимиз ва фарзандларимизнинг олдида ҳурматимиз юксак бўлади. Сўзимиздан фақат маърифат зиёси тарқалади. Уларнинг шунча вақт судья бўлиб ишласаларда бойликка ружу қўймагани, ҳамма вақт нафсини жиловлай олгани устозга бўлган ҳурматимизни оширди.

Ҳақиқатдан ҳам орамизда ўзида катта тарихни жамлаган, ўтмиши не-не китобларга жо бўлгучи юртдошларимиз ҳам оз эмас. Кексалик гаштини суриб ёнимизда яшаётган, ҳаётий тажрибалари ва донишмандликлари билан атрофдагиларга куч-қувват бераётган кишилар ҳам талайгина. Уларнинг олаётган ҳар бир нафаси, айтаётган ҳар бир гапи бугунги ёшлар учун катта ибрат мактабидир. Судьялар олий кенгашининг нуронийлик гаштини суриб шогирдларига тиргак бўлаётган суд-ҳуқуқ тизимининг фидойилари ҳаётдан ҳикоя қилувчи юқоридаги каби китобларни нашр эттириши бежиз эмаслигини англаб турибмиз. Бундай хайрли ишнинг давомини ҳам интиқлик билан кутиб қоламиз.



Руслан ЗАИРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Чироқчи туманлараро суди раиси.

“МАТОНАТЛИ АЁЛ ҚИССАСИ” ИБРАТЛИ КИТОБ

Етакчилик қобилиятига эга, эл-юртимиз учун фидойи хотин-қизларимиз – халқимиз, миллатимизнинг олтин фонди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ

2023 йил 30 сентябрь куни Судьялар олий мактабида бўлиб ўтган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Умсун Астанованинг ибратли ҳаёти ва фаолияти акс этган “Матонали аёл қиссаси” китобининг тақдиротида кўпчилик судьялар қаторида мен ҳам онлайн иштирок этдим.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Айнан шу сабабли ҳам илми, халқ орасида ҳурмати юксак устозларнинг шогирдларига айтган тавсияларига кўпчилик дарҳол кулоқ солади.

Тадбирдан сўнг Умсун Астанова ҳақидаги китобнинг электрон вариантини топдим. Дастлабки саҳифаларидаги устознинг эски суратларини томоша қила бошладим. “Дастлабки суд ишидан чиқарилган ҳаёт сабоғи” бўлимига келганда у ишимизга тааллуқли бўлгани учун уни жиддий ўқишга киришдим. Унда ёзилишича устоз ўша пайтда ЗАГСда ишлаётган вақтларида судья 6 ойлик малака оширишга кетиши керак бўлиб қолади. Бошқа муносиб ходим бўлмаганлиги ва Умсун опа иш давомида суд жараёнларида кўп қатнашганлиги ҳамда суд иш тартибини яхши тушунганлиги ва оз бўлсада билими борлиги учун судья уларни ўзларининг ўрнига қолдириб кетади.

Шундан сўнг Умсун опага майда безорилик (хулиганлик) жиноятини содир этган бир одамнинг суд иши топширилади. Суд жараёнида Умсун опа судланувчига айбига яраша жазо тайинламоқчи бўлиб турган пайтида ижрочи Умсун опага жиноятчини қамоқдан чиқариб юбориш кераклиги тўғрисида маслаҳат беради. Устоз дастлаб унга қарши бўлсада ижрочи кўймай айтган гапида туриб олади. Шундан сўнг Умсун опа ўзим яхши билмаганимдан кейин, ижрочи



билан ҳам ҳисоблашиб ишлашим керак, деб ўйлайди. Бошқа томондан ижрочи қайта-қайта бунинг учун сиз гап эшитмайсиз, ҳеч нарса қилмайди, деб устозни алдайди. Хуллас, Умсун Астанова ижрочининг қистови билан иккилана-иккилана судланувчини қамоқдан озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради.


Вақт ўтиб кейин маълум бўлдики, ижрочи безорилик содир этган одамнинг қариндошларига уни қамоқдан чиқариб юбориш бўйича ваъда берган экан. Ҳамма замонда ҳам нафсининг қулига айланган одамлар борда. Кейинчалик бу иш бўйича прокурор устознинг қарорини бекор қилади ва уларга бошқа бундай қилмаслик ҳақида маслаҳат беради. Шу иш Умсун опага бутун умр сабоқ бўлиб қолиб кейинчалик уларнинг 26 йиллик фаолияти давомида биринчи ва сўнгги бекор қилинган ишлари бўлган экан.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаётимиз давомида устозларимизнинг ўгити ва насиҳатларига амал қилиб борсак асло кам бўлмаймиз. Тез орада китобни тўлиқ ўқиб чиқаман ва ундаги ибратли фазилатларни ўзимга сингдиришга ҳамда фаолиятимда қўллашга ҳаракат қиламан.



Алишер АЯПОВ,

Кўнғирот туманлараро иқтисодий суди раиси.



ҲАЛОЛЛИК, САДОҚАТ ВА ҚАТЪИЯТНИ ФАЗИЛАТ ҚИЛГАН ИНСОН

Жамиятнинг ривожланиши ва инсониятнинг тараққий этишида устознинг ўрни тенгсиз. Халқимиз “Устоз кўрган”, “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўралар”, “Таълим берган устозингга раҳмат”, “Уста борида кўлингни тий, устоз борида тилингни”, “Уста бўлсанг устозингни унутма”, “Устозингга тик қарасанг тўзасан, ҳурмат қилсанг аста-аста ўзасан”, деб бекорга айтишмаган.

Бундан англашиладики, “устоз” номига муяссар бўлган кишига ҳар томонлама юксак масъулият юклатилади. Шунинг учун ҳам халқ орасида устозлар ҳурмати тўғрисида кўплаб ибратли нақллар бор. Яъни, ҳар қандай касб соҳиби устозсиз шаклланмайди, ҳаётдан ўз ўрнини топа олмайди. Қадим шарқ халқларида устоз, мураббий, мударрис, муаллим, тарбиячи номлари билан юритилувчи зотларнинг иззати ва ҳурмати ҳамиша юқори бўлган. Инсон ўзини англаган даврдан устозларга суянган, улардан маънавий кудрат олган.

Ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам устозлик мартабасига лойиқ зотлар кўп. Улардан бири устозимиз Умсун Астановадир. Улар бутун умри давомида адолат учун курашиб келди, курашганда ҳам шиддат билан курашди ва адолат тантана қилмагунча тиниб-тинчимасди. Шунинг учун ҳам Умсун опа Астанова эл-юртга тиниб-тинчимас забардаст устоз сифатида танилди.

Уларнинг ҳаёт йўлини ўрганишнинг ўзи кишида матонат ва ҳаракатчанлик хислатларини шакллантиради. Устозимиз Жиззах вилояти Фориш туманида туғилган. Болалик ва ўсмирлик йиллари машаққатларга ниҳоятда бой бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги ва уруш йилларидаги қаҳатчиликларни бошидан кечирган. Бунинг устига 1945 йилда отаси вафот этгач, норасида қиз рўзғор ишларига ёрдам бериш учун ишга чиқишга мажбур бўлган. Жамоа хўжалигида иш оғир, бунинг устига очлик силласини қуритарди. Шунга қарамай турмуш қийинчиликлари уни эсанкиратиб қўймаган, руҳини туширмаган, тишини-тишига қўйиб бўлса-да чидаган, меҳнат қилишни давом эттираверган, натижада иродаси тобланди, чиниқди. Устоз одамларни тушунишни, камтарликни, меҳрибонликни ва адолатлиликни ўзларига йўқолмас фазилат қилиб сингдириб олдилар.

Меҳнат фаолиятини 1945 йилда 13 ёшида фаррошлиқдан бошлаб, кейинчалик давлат банкининг бухгалтери, Фориш ту-

ман ФХДЁ бўлимнинг мудирини, 1963-1964 йилларда Фориш туман ижтимоий таъминот бўлимнинг инспектори, Фориш туман ижтимоий таъминот бўлимнинг мудирини, Фориш туман ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

Устоз 1969 йилда Фориш туман судининг раиси бўлиб сайланган. Бу масъулиятли лавозимда узлуксиз 26 йил самарали меҳнат қилган. Шу давр ичида адолатлилиги, билимлилиги, камтаринлиги билан халққа танилган. Жабрланувчи инсонларнинг ҳимоячиси сифатида эл-юртнинг хурматида сазовор бўлган.

У киши узоқ йиллар давомида нуфузли ишда ишласаларда ўзларининг камтаринлиги, оддийлиги, самимийлигини йўқотмаган. Уларнинг фарзандлари, набиралари ва эваралари орасидан бугун устозга ўхшаган кадрлар етишиб чиқмоқда. Устозимизнинг шогирдлари орасида умрида уларни кўрмаган, лекин фаолияти ва ҳаёти ҳақида эшитиб ёки ўқиб ўртак олган шогирдлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Устознинг фақатгина ўғитлари, иш ўргатишлари эмас, балки ишга бўлган садоқати, покиза ҳаёт йўли, қатъиятлиги ҳам шогирдлари учун катта ҳаёт мактабига айланган.

Умсун Астанованинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб бир қанча мукофот ҳамда унвонлар билан тақдирландилар. Устоз 2005 йилда “Шухрат” медали, “Мустақилликнинг 5 йиллиги”, “Мустақилликнинг 15 йиллиги” кўкрак нишонлари билан тақдирланган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони соҳибидир. Мана шундай ибратли ҳаёт йўли ва мактабига эга бўлган устозимизнинг умрлари узоқ бўлсин ва шогирдлари орасида яна кўплаб улар каби малакали ҳамда ҳалол кадрлар етишиб чиқаверсин.

**Баҳодир СУЛТОНОВ,
Юлдуз ФОЗИЛОВА,**

*Тошкент туманлараро иқтисодий суди
судьялари.*

УСТОЗ – БЕБАҲО НЕЪМАТ!

*Устоз – муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қаро бўларди замон.*

Абдурахмон ЖОМИЙ

Биламизки, илмда ва касбда катта муваффақиятларга эришган инсонларнинг ортида устозларнинг заҳматли меҳнатлари ётади. Илм ўрганиш, уни бошқаларга ўргатиш, олимларга эҳтиром ва уларга муҳаббатли бўлишга бизнинг халқимиз азалдан рағбат кўрсатган. Илм инсоният учун руҳий озукадир.

Илм аҳллари эса инсонларни яхшиликка бошловчи ва уларга яхшиликни ўргатувчи бўладилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Олий малакали судья, устозимиз Убайдулла Мингбоев мана шундай устозлар жумласидандир. Халқимиз орасида ҳалоллик ва покликни ўзига шиор қилиб, адолат ва ҳақиқат тарафдори сифатида танилган устознинг ҳаёт йўли кўпчилик учун катта бир ибрат мактаби бўлган.

Сурхондарё вилояти Денов туманининг Отқамар ва Минора қишлоқлари тутшиб кетган маҳаллада ўғай ота уйида дунёга келган Убайдулла Мингбоев беш-олти ёшларида онасидан ҳам айрилган. Шундан сўнг ёш Убайдулла қариндошларининг кўлида вояга етади. Ота-онасидан эрта етим қолгани етмаганидек устознинг болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига ҳам тўғри келган. Ёш бўлишига қарамай улар очарчилик, қора меҳнат ва сағирликни бошидан ўтказган. Қорни тўйиб овқат емаган, бирон-бир янги кийим киймаган, ўйин нималигини билмаган ёш Убайдулла эрта саҳардан кеч тунга қадар меҳнат қилган.

Хусусан, 1949-1950 йилларда одамларнинг қорамолларини яйловда боқиб келадиган подачига ёрдамчи бўлиб ёлланган.

Шу тариқа ўрта мактабни битиргунига қадар ўн битта мактабда ўқиган. Бироқ, бу қийинчиликлар уларнинг иродасини чархлаган, сабр-тоқат ва шуқуруналик туйғуларини улғайтирган, раҳбарлик, етакчилик, оғир вазиятларда тўғри ва тезкор қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантирган.

Албатта, бу қадар қийинчиликлар, очлик-ночорликлар гирдобида адолатсизликлар ҳам бўлган ва бу ҳолат билан юзма-юз келган устоз имкон қадар адолатсизликка қарши курашган.

Убайдулла Қурбонovich 1967-1970 йилларда Шайхонтохур туман ички ишлар бўлими терговчиси лавозимидан Ички ишлар вазирлигининг Тергов бошқармаси бош терговчиси лавозимигача кўтарилган. 1971 йил Сурхондарё вилоят судининг судьялигига ва кўп ўтмай вилоят суди раисининг жинойят ишлари бўйича ўринбосари лавозимига сайланган.

Орадан тўрт йил ўтиб эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси бўлиб иш



бошлаган. Сўнгра Бухоро вилоят судининг раиси, Олий суд судьяси — жинойят ишлари бўйича ҳайъат раиси, Тошкент шаҳар судининг раиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

1991 йилдан кетма-кет уч муддатга мамлакат Олий судининг раиси лавозимига сайланган. Устознинг бу давр давомида қилган меҳнатлари юксак қадрланиб Президентимизнинг 2018 йил 28 августдаги фармонида мувофиқ “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланган. Ҳақиқатдан ҳам устознинг қаерда, қандай лавозимда бўлмасин, халқ ичида бўлишга, оддий одамлар билан суҳбат қуришга, ҳар бир инсон билан самимий муносабатда бўлишга интилгани биз шоғирдлари ва ёш ҳуқуқшунослар, судьялар учун катта ўрнак бўлади.

Бундан ташқари устоз мутолаа ва ўзларидаги бор билимни кейинги авлодга етказиш учун китоб ва рисолалар ҳамда илмий мақолалар ёзишга ҳам ғайрат билан ёндашганлар.

Ҳалолликни ўзида мужассам қилган, адолат ва ҳақиқат йўлида меҳнат қилган, ўз ҳаёт мактабини яратган, устозлик даражасига кўтарилган, минглаб инсонларни эзгулик йўлига чорлаган, инсофу диёнатни, сабр-қаноатни одат қилган устоз Убайдулла Мингбоевга яна узоқ йиллар омон бўлинг, дилингиздаги адолат чироғи шоғирдлар кўнглини ёритаверсин, деймиз.

Шунингдек, жамиятдаги бўшлиқларни тўлдирувчи ва илм ривожини учун меҳнатда камарбаста бўлган юртимиздаги бутун устоз мураббийларимизнинг барча-барчаларини “Устоз ва мураббийлар” куни билан табриқлаймиз.

**Ойбек АЗЛЯРОВ,
Шахиддин АХРОРОВ,**

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьялари.

БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш жиноятининг объектига одил назарий қарашлар таҳлил қилинган. Муаллиф жисмоний ёки юридик шахслар, банк ва мижозси ўртасидаги гаров муносабатларидан келиб чиқадиган оқибатларни одил судловга қарши жиноят сифатида баҳолаш нотўғри, деб ҳисоблайди. Мақолада бундай жиноятларнинг одил судловга қарши эмас, балки иқтисодиёт асосларига қарши жиноят сифатида белгиланиши ҳақидаги таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жиноят, банд солинган мулк, объект, одил судлов, иқтисодиёт асослари.

АННОТАЦИЯ:

в статье анализируются теоретические взгляды на объект преступления незаконного распоряжения имуществом, подвергнутым аресту. Автор считает, что неверно оценивать последствия, возникающие из залоговых отношений между физическими лицами или между юридическими лицами, между банком и его клиентом, как преступление против правосудия. В статье предлагается квалифицировать подобные преступления не как преступления против правосудия, а как преступления против основ экономики.

Ключевые слова: преступление, имущества, подвергнутого аресту, объект, правосудие, основы экономики.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 233-моддасида жавобгарлик белгиланган банд солинган мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жиноятининг объекти масаласида илмий адабиётларда баҳс-мунозаралар мавжуд.

Ушбу масалани тадқиқ қилган бир қанча олимлар хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилиш жиноятини одил судловга қарши жиноятлар эмас, балки бошқарув тартибига қарши жиноятлар бобига ўтказишни таклиф қилишган. Жумладан, Д.Ю.Виноградов ушбу жиноят бошқарув тартибига қарши жиноятлар бобига ўтказилиши кераклигини таклиф қилган. Унинг фикрича, қонунчиликда судсиз ҳам мол-мулкни хатлаш ва ижро қилиш учун юбориш тартиби мавжуд. Хатланган мол-мулкка нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар қилганлик учун жавобгарлик белгиланган норма эса ушбу ҳаракатларнинг ҳаммасини ҳам ўз ичига қамраб ололмайди. Шу сабабдан ҳам, кўриб чиқилаётган қилмиш бир вақтнинг ўзида бир қанча бевосита объектларга зарар келтиради. Кўриб чиқилаётган қилмишнинг асосий, бевосита объекти суд ҳужжатлари билан хатланган мол-мулкка нисбатан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар қилишда ифодаланадиган муносабатлар ҳисобланади. Ушбу қилмишда кўшимча объектларнинг мавжудлиги, хатланган мол-мулк сақланаётган шахснинг ҳуқуқий мақомига боғлиқ бўлади.

Хатланган мол-мулк сақланаётган шахсларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) хатланган мол-мулк мулкдорлари ёки ушбу мулкни қонуний ёки шартнома асосида сақлаётган шахслар;
- 2) хатланган мол-мулкка нисбатан бирор-бир ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар (хатланган мол-мулк сақлаш учун топширилган шахслар);
- 3) ундирувчилар ёки фуқаровий даъвогарлар.

Агар мол-мулкни сақловчи шахс биринчи ёки иккинчи гуруҳга мансуб бўлса, бунда мажбурий кўшимча объект сифатида суд ҳужжати билан кўриқланадиган ижтимоий муносабат ҳисобланади. Агар мол-мулкни сақловчи иккинчи ёки учинчи гуруҳга кирса, мулк объект сифатида эътироф этилади. Бунда жиноятнинг предмети бўлиб, суд ҳужжати асосида хатланган мол-мулк ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам, Д.Ю.Виноградов хатланган мол-мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишни одил судловга қарши жиноят эмас, балки бошқарув тартибига қарши жиноят, деб ҳисоблаш кераклигини таклиф қилади.

Д.Ю.Виноградовнинг фикрини қисман қўллаб-қувватлаган ҳолда, ушбу таклиф Россия қонунчилигидан келиб чиққанлиги, мамлакатимиз жиноят қонунчилигида нафақат суд ҳужжати билан банд солинган, балки гаровга қўйилган мулкка нисбатан ҳам содир этилган қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилганлигидан келиб чиқиб, ушбу таклифни миллий қонунчилигимизга нисбатан қўллаш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

А.А.Гулый ушбу жиноят объектини тўғри белгилаш, унинг ўхшаш жиноятлардан фарқини аниқлаштиришда муҳим эканлигини таъкидлайди. Шу билан биргаликда хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилишнинг ўн олти алоҳида предметлари борлигини кўрсатган.

А.В.Качмазова хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш жиноятининг бевосита объекти сифатида мол-мулкка нисбатан суд ҳужжати билан ўрнатилган алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатилиши муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланишини кўрсатган. Бунда кўшимча объектлар мавжуд бўлмайди. Агарда, бундай мулкка

нисбатан талон-тарож содир этилса унда қилмиш жиноятлар жами сифатида таснифланиши керак.

Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки мамлакатимиз ЖКнинг 233-моддасида мол-мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар дейилганида, айнан талон-тарож қилиш аломатлари жиноят сифатида белгиланган. Юқоридаги таклиф эса, ушбу қилмишларнинг барчасини ЖКнинг 233-моддаси ва талон-тарож жиноятлари билан жиноятлар жами сифатида таснифлаш зарурлигини келтириб чиқарар эди.

Д.Ю.Скрипниковнинг фикрича, Россия қонунчилигида ўзлаштириш-растратанинг предмети сифатида 1) ашёлар, 2) пуллар, 3) қимматли қоғозлар белгиланган. Ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (РФ ЖК 160-м) ва хатланган ёки рўйхатга олинган ёхуд мусодара қилиниши лозим бўлган мулкка нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар (РФ ЖК 312-м) бир-бири билан умумий ва махсус нормалар рақобатида тўқнашади. Биз мулкдор томонидан ўзининг хатланган мулкни ўзлаштириши ёки растрата қилишини мулкка қарши жиноят сифатида баҳолай олмаимиз, чунки мол-мулк хатлангани билан, хатлаш мулк эгасини мулк ҳуқуқидан маҳрум қилмайди, балки унинг мулк ҳуқуқини суд томонидан иш қонуний ҳал этилгунга қадар чеклайди. Шу сабабдан ҳам, қонун чиқарувчи ушбу ҳолатни алоҳида жиноят таркиби сифатида одил судловга қарши жиноят сифатида белгиланган.

Д.Ю.Скрипниковнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда, тергов ва суд амалиётида айнан хатланган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш ҳолатлари ЖК 233-ва ЖК 167-моддалари билан биргалликда квалификация қилиниши нотўғри, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, ЖК 233-моддасида назарда тутилган жиноят объект нуқтаи назаридан тўғри жойлаштирилмаган. Чунки, ушбу жиноят одил судловга қарши жиноятлар бобида жойлаштирилган ва ўз навбатида ушбу жиноятнинг бевосита, асосий объекти одил судлов манфаатлари ҳисобланади. Шахс билан шахс ўртасидаги ёки юридик шахслар ўртасидаги, банк ва мижози ўртасидаги гаров муносабатларидан келиб чиқадиган оқибатларни одил судловга қарши жиноят сифатида баҳолаш нотўғри, деб ҳисоблаймиз.

ЖК 233-моддасида гаровга қўйилган мулкни қонунга хилоф тасарруф қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланганлиги, ушбу қилмишнинг объектини белгилашда тушунмовчиликларга олиб келмоқда. 300 га яқин суд ҳукмлари ўрганилганида 84% ҳолатда банк кредити таъминоти бўлган мулк тасарруф этилганлиги учун ушбу модда билан жиноят иши қўзғатилганлиги, бунда 43,2% ҳолатда суд томонидан ЖК 233-моддаси айбловдан чиқарилганлиги ёки ушбу модда бўйича оқланганлиги аниқланди. Бунда судлар кўрсатилган жиноятнинг объекти йўқлиги, яъни одил судлов манфаатларига даҳл қилинмаганлигини асос қилиб кўрсатишган.

Шу сабабдан ҳам ЖК 233-моддаси диспозициясидан гаровга қўйилган мулкни талон-тарож қилганлик ёки унга шикаст етказганликни чиқариш ва алоҳида

жиноят таркиби сифатида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар таркибига киритиш таклиф этилади. Бунда ЖК 233-моддаси диспозициясини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

“233-модда. Хатланган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш.

Хатланган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни хатланган мол-мулкнинг ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан хатланган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш, —...”.

Ўз навбатида гаровга қўйилган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф қилишни иқтисодиёт асосларига қарши жиноят сифатида баҳолаб, ЖКни қуйидаги тахрирдаги 179¹-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“179¹-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни қонунга хилоф тасарруф этиш.

Гаровга қўйилган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни гаровга қўйилган мол-мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш;

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди”.

Камолхон ЭШОНХОНОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ Қўқон шаҳар бўлими бошлиғи, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

2. Виноградов Д.Ю. Незаконные действия в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту (уголовно-правовая характеристика и вопросы квалификации). Автореферат диссертации на соискании ученой степени кандидата юридических наук. Тюмень-2008. С. 8
1. А.А.Гульий. Уголовная ответственность за незаконные действия в отношении имущества, подвергнутого описи или аресту либо подлежащего конфискации. Автореферат диссертации на соискании ученой степени кандидата юридических наук. Москва-2007. С. 10
4. А.В.Качмазова. Уголовно-правовое противодействие преступлениям, связанным с неисполнением судебных постановлений. Автореферат диссертации на соискании ученой степени кандидата юридических наук. Краснодар – 2023. С. 14
3. Скрипников Д.Ю. Присвоение и растрата как способы обращения и изъятия чужого имущества, вверенного виновному. Автореферат диссертации на соискании ученой степени кандидата юридических наук. Рязань – 2008. С. 9-10

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СЕНАТНИНГ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИ

Маълумки, парламент – вакиллик органи бўлиб, ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги асосий функцияси қонун чиқарувчилик фаолияти ҳисобланади. Айни вақтда парламент давлат бюджетини тасдиқловчи, ижро ҳокимияти фаолиятини халқ номидан назорат қилувчи олий идора ҳам саналади.

Ўтган йиллар мобайнида ўтказилган парламент ислохотлари натижасида муайян даражада парламент аънналари ва тамойиллари шаклланди.

Жумладан, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг еттинчи мақсадида асосий вазифалардан бири сифатида “Қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга оширишнинг амалдаги механизмларини самарадорлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш орқали жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини ошириш”нинг белгиланганлиги Сенатнинг ижро ҳокимияти устидан парламент назорати соҳасида таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш заруратини кўяди.

Ўзбекистонда парламент назоратининг муҳим шаклларида бири бу Президент фармонларининг тасдиқланишидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликларни ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонлари Сенат томонидан тасдиқланади (Конституциянинг 95-моддаси, 6-банди).

Сенат томонидан амалга ошириладиган парламент назоратининг яна бир шакли – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан лавозимга сайлаш ёки тайинлаш (тасдиқлаш) ва ушбу органлар мансабдор шахсларининг ҳисоботини эшитишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатлари доирасига мамлакатимиздаги бир қанча олий бошқарув ва ижро органлари раҳбарларини тайинлаш ва уларни лавозимдан озод этиш каби ваколатлар назарда тутилган.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенатининг ўзи лавозимга тайинланишини тасдиқлаган идоралар ва мансабдор шахснинг фаолиятини назорат қилиш тартибида Бош прокурор, Марказий банк бошқаруви раиси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик ҳамда бошқа ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолияти масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш каби назорат ваколатлари ҳам мавжуд.

Ушбу назорат ваколатларининг таснифи, уларни амалга ошириш механизмлари бир қанча қонун ва қарорларда кўрсатиб берилган.

Ушбу қонун ҳужжатларида Олий Мажлис Сенати томонидан ижро ҳокимияти фаолияти устидан олиб борувчи назорат шакллари сифатида куйидагилар кўрсатиб ўтилган.

а) Олий Мажлис Сенати мажлисларида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани эшитиш.

Миллий маъруза Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори томонидан Сенатга тақдим этилади. Сенат кўмиталари Миллий маърузани дастлабки тарзда кўриб, фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади ва Сенатнинг мажлисида мажбурий ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилади ва Миллий маърузани кўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган Сенатнинг қарори Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юборилади.

Ушбу парламент назорати шакли Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ-729-сонли қонунига асосан киритилган бўлиб, унда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан мамлакатимизда ижро ҳокимияти органлари томонидан йўл қўйилган коррупциявий ҳолатлар, мавжуд вазият таҳлил қилинганлиги боис ушбу парламент назорати шакли бевосита ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

б) маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қарорларини улар қонунчилик меъёrlарига мувофиқ бўлмаган тақдирда бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ушбу парламент назорати Қонунчилик палатаси ваколати доирасига кирмаслиги ва Сенатнинг мутлақ парламент назорат шакли эканлиги алоҳида кўрсатилгани бежизга эмас. Сенатнинг ҳудудий манфаатларни ҳимоя қилишидан келиб чиқиб, ушбу парламент назорати шакли қонунчиликка Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 январдаги ЎРҚ-666-сонли қонунига асосан киритилган.

Ушбу парламент назорати шаклига асосан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги масала жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг маълумотлари асосида Сенат томонидан кўмиталарнинг ташаббусига кўра ўн беш кун ичида кўриб чиқилиб унинг якуни бўйича Сенат қарор қабул қилади.

Сенатнинг халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қарорини бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига ижро этиш учун юборилади. Бу ўринда бир ма-

сала қонунчилик даражасида очиқ қолгандек туюлади. Бизнингча, “Олий Мажлис Сенати регламенти тўғрисида”ги ва “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунларда ушбу назорат шаклини амалга оширишнинг тартиб-таомиллари ва механизмлари етарлича очиқ берилмаган. Жумладан, қарорнинг кучга кириши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашида ижро этиш мажбурияти қайси давлат органи ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилиши масаласи очиқ қолган. Бизнингча, Олий Мажлис Сенати нафақат халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорини бекор қилиш, балки вилоят, туман, шаҳар ҳокимларини лавозимдан озод қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши зарур. Шунда, Олий Мажлис Сенатининг ижро ҳокимияти устидан парламент назоратининг таъсирчанлиги янада юқори бўлган бўларди.

в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг парламент сўрови институтидан фойдаланиш тажрибаси.

Ўзбекистонда парламент сўрови тез-тез амалга ошириладиган назорат турларидан бири саналади. Бу дунёдаги парламентлар амалиётида кенг тарқалган назорат шаклларида биридир.

Умумий белгиланган тартибга асосан, Сенат давлат органи ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига қарадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

2015–2019 йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларга доир долзарб масалалар ечими юзасидан ҳукумат аъзоларига Олий Мажлис Сенати томонидан 26 та парламент сўрови юборилган. Хусусан, 2015–2018 йилларда ҳукумат аъзоларига жами 11 та парламент сўрови юборилган бўлса, 2019 йилнинг ўзида юборилган сўровлар сони 15 тани ташкил этади.

Ҳукумат томонидан парламент сўровларида кўтарилган муаммоларнинг барчаси тасдиқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тизимли чоралар кўрилган. Жумладан, 10 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда парламент сўровларида кўтарилган долзарб масалалар ечимига қаратилган вазифалар белгиланган.

2022 йилда Олий Мажлис Сенати томонидан интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари, мамлакатимизда газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан **Вазирлар Маҳкамасига 5 та парламент сўрови юборилиб**, ўтган йил даво-

мида юборилган **11 та парламент сўровининг** натижалари муҳокама этилган.

э) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан сенатор сўрови институтини ва уни амалга ошириш тартиби. Жаҳон тажрибасида кенг тарқалган ва назоратнинг анъанавий кўринишларидан бири бу сенатор сўровидир. Одатда сўров деганда бир масала юзасидан маълумотлар олиш ёки шу масалани қонуний ҳал қилиш учун тегишли чора-тадбирлар кўриш мақсадида тегишли органларга мурожаат қилиш тушунилади.

Ҳуқуқшунос В.А.Ёлчевнинг фикрича: “Парламент ва сенатор сўровлари – бу нафақат қонун чиқарувчининг хизмат бурчи, балки унинг маънавий нуқтаи назари, ҳаёт билан алоқаси ҳамдир. Зеро, ҳаётдан узилиб қолган маънавийлик маънавий асосини йўқотган турмуш сингари маънавиятсизликдир”.

Сенатор сўрови парламент назоратининг энг самарали воситасидир. Шу сабабли уни амалиётда кенг қўллаш лозим. У сенаторларга берилган энг кучли, таъсирчан имкониятдир. Парламент сўрови орқали сенатор сайловчиларнинг талаб ва хоҳишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 31¹-моддаси талабларига кўра сенатор давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

д) Ҳукумат аъзоларининг, давлат органи, хўжалик бошқаруви органи раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш.

Ҳукумат ва давлат органи, хўжалик бошқаруви органи раҳбарларининг ҳисобдорлиги институти давлат бошқарув шаклидан қатъий назар барча демократик йўлдан бораётган мамлакатларга хос бўлиб, у асосан ҳукуматнинг бир йил давомида олиб борган фаолият йўналишлари, эришилган ютуқлари ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ечишга қаратилган ҳисоботи шаклида муҳокама қилинади.

Бу ҳукумат ва аъзоларининг парламентга бўйсунгани назарда тутмайди, балки парламент олдидаги жавобгарлигини англатади. Лекин, кўпчилик ҳолатларда жавобгарлик тушунчаси ўз ичига бўйсунуш ва ҳисобдорлик каби тушунчаларни ҳам қамраб олганлиги боис бу ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳам англатади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жавобгар ва бўйсунуш тушунчалари доим бир бирини тўлдириб келади.

Ўзбекистон парламенти, айниқса Сенат Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. У Конституцияга мувофиқ давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, давлатнинг стратегик дастурларини қабул қилади. Бундан ташқари, парламент Вазирлар Маҳкамасининг

тақдимига биноан Давлат бюджетини қабул қилади. Рақамларга эътибор қаратсак, **2015-2019 йилларда Сенат қўмиталарида қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан ташқи савдо, маданият, тадбиркорлик, рақобат, инвестициялар, ветеринария, туризм ҳамда энергетика каби соҳаларга масъул 20 га яқин давлат ва хўжалик бошқарув органлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилган. 2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари олдига қўйилган мақсадли вазифаларнинг ижро этилиши бўйича 34 вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилган. Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси ҳолати бўйича 4 маротаба Ҳукумат ҳисоботи эшитилган. 2020 йилда эса Олий Мажлис Сенати томонидан ялпи мажлисларда ички ишлар, ташқи ишлар, адлия, молия, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирларининг, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг ахборотлари эшитилган. Шунингдек, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раиси, Марказий банк раиси, Омбудсманнинг ҳисоботлари ҳам эшитилган. Ҳар чоракда Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида Ҳукумат ҳисоботи ҳам муҳокама этилган. 2022 йилда Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларда 27 маротаба Ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилган.**

Мазкур парламент назорати шакли якуни юзасидан Сенат қарор қабул қилади. Ушбу қарорнинг муҳим хусусияти шундаки унда ахбороти эшитилган раҳбарларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган **таклифлар бўлиши**, шунингдек уларнинг **ишига баҳо берилиши** мумкин. Ушбу жиҳат жуда муҳим бўлиб, бу ўз навбатида Олий Мажлис Сенатининг ижро ҳокимияти устидан парламент назорати самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

е) Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш Олий Мажлис Сенатининг парламент назорати шаклидан энг муҳимларидан бири саналади.

Олий Мажлис Сенатининг ҳудудий манфаатларни ҳимоя қилиш функциясидан келиб чиқсак, ушбу парламент назорат шакли муҳимдир. Ушбу парламент назорати шакли 2018 йилда жорий қилинган бўлиб, шу йилдан бошлаб Сенат ялпи мажлисларида вилоят ҳокимларининг ҳудудларни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш амалиёти жорий қилиниб, 2018 йилнинг ўзида 9 та вилоят ҳокимининг (Андижон, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё,

Тошкент, Сирдарё, Хоразм, Наманган ва Навоий вилоятлари) ҳисоботи эшитилган.

2020 йилда эса **Сирдарё** вилоятида Сардоба сув омбори тўғонида юз берган техноген ҳолат оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганилган. Ушбу ўрганишлар натижалари юзасидан **Сенат Кенгашининг сайёр мажлислари** ўтказилган.

ё) Сенат қўмиталари томонидан назорат ваколатларининг амалга оширилиши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 32^б-моддасига мувофиқ Сенат қўмиталарининг назорат ваколатлари уч шаклда назарда тутилган.

Биринчи шакли – Сенат қўмиталарининг ахборот эшитиш ҳуқуқи. Унга кўра Сенат қўмиталари ўз иш режаларига, Сенат ва унинг Кенгаши қарорларига мувофиқ ўз мажлисларида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Сенат ва унинг Кенгаши қарорларининг, палата қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитиши мумкин.

Иккинчи шакли – Сенат қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ қонунларнинг, Сенат қарорларининг давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганиш ҳуқуқига эга.

Учинчи шакли – Сенат қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади. Мониторингни амалга ошириш якунлари Сенат қўмиталарининг мажлисларида кўриб чиқилиши мумкин.

Рақамларга эътибор қаратилса, мазкур амалиёт 2020 йилдан бошлаб йўлга қўйилган бўлса, 2020–2022 йиллар давомида 50 дан ортиқ қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан Ҳукуматга аниқ вазифалар қўйилган. Бунинг натижасида амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган 7 та қонун қабул қилинган, улардан 4 таси янги қонунлар. Шунингдек, бугунги кунда 13 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, турли босқичдаги келишув жараёнида. Бундан ташқари 6 та Президент қарори қабул қилинган.

Хулоса ўрнида замонавий парламентнинг барча ваколатлари орасида парламент назорати механизмини (парламентнинг ҳукуматга таъсири механизми) демократия ғояларини амалга оширишнинг далили ва ўз вакиллари орқали халқнинг ҳукумат фаолиятига ҳақиқий таъсир қилиш воситаси деб айтиш мумкин.

Ҳомид ҲОТАМОВ,

Олий Мажлис Сенати Юридик бошқармаса масъул ходими, Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИККА ҚАДАР МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистон ҳудудида мустақилликка қадар тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида маъмурий юстициянинг ривожланиш тарихи таҳлил қилинган. Бунда ўрта асрлар ва хонликлар даврида маъмурий юстицияга ўхшаш бўлган институтларнинг юзага келиши ҳамда совет даврида маъмурий юстиция элементларининг шаклланиши жараёнлари алоҳида тадқиқ этилган. Бундан ташқари, маъмурий юстиция институтининг пайдо бўлиши бўйича илмий-назарий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: қози, мазалим, халқ суди, буржуа тузумининг элементи, маъмурий юстиция, маъмурий низо.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье анализируется история развития административной юстиции в сфере защиты прав предпринимателей на территории Узбекистана до обретения независимости. При этом, отдельно исследованы возникновение институтов, подобных административной юстиции в средних веках и в период существования ханств, а также процессы формирования элементов административной юстиции в советский период. Кроме того, были высказаны научно-теоретические взгляды на возникновение института административной юстиции.

Ключевые слова: кази (судья), мазалим (судья, рассматривавший в прошлом административные споры), народный суд, элемент буржуазного строя, административная юстиция, административный спор.

Давлатчилик пайдо бўлганидан буён ўтган узоқ тарихий даврда ҳокимият ваколатларини чеклаш, мансабдор шахснинг суиистеъмолчиликларига қарши курашиш механизмларини ишлаб чиқиш масалалари долзарб бўлиб келган. Ибтидоий жамоа тузумида одамлар кўрқувини енгиш ва умумий ҳимояланиш учун давлат деган ижтимоий тузилмага бирлашади ва бу тузилма фуқароларга хизмат қилиши учун унга ўз ҳуқуқларининг бир қисмини беради. Кейинчалик ушбу давлат органларининг ўзи томонидан одамларга нисбатан турли хил суиистеъмолчиликлар қилина бошлайди ва уларда давлатнинг мансабдорларидан ҳимояланиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Шунинг учун, тарихдаги турли инқилоблар натижасида фуқаролар қирол ёки хон тимсолидаги давлатнинг ҳуқуқларини чеклаш ва инсон ҳуқуқларини эътироф этишига эришади.

Маъмурий юстиция институти эса одамларнинг ҳуқуқини ўзлари ташкил этган давлатнинг мансабдорларидан ҳимоя қилувчи механизм сифатида вужудга келган.

Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий юстиция тарихини қуйидаги уч давр доирасида ўрганиш лозим:

– совет даврига қадар маъмурий юстиция институтларига ўхшаш бўлган институтларнинг юзага келиши;

– совет даврида маъмурий юстиция элементларининг шаклланиши;

– мустақиллик даврида маъмурий юстициянинг ривожланиши.

Таъкидлаш жоизки, VIII асрдан XX аср бошига қадар Ўрта Осиё аҳолисининг кундалик ҳаётида ва

давлат бошқарувида шариат аҳкомлари ҳуқуқнинг асосий манбаси бўлиб, маъмурий юстициянинг элементлари ҳам бевосита ислом ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

Ушбу ҳудудда маъмурий юстиция элементларининг ўзига хос хусусияти шундай бўлганки, бошқарув ва судлов ҳокимияти бир-биридан аниқ ажратилмаган ҳамда улар томонидан давлат қонунлари, диний ва урф-одат қоидалари биргаликда қўлланилган. Шу сабабли, суд фаолияти ҳам бир вақтнинг ўзида ижро ҳокимияти раҳбари бўлган хон ёки амир (давлат раҳбари) номидан амалга оширилган.

Совет даврига қадар Ўзбекистонда хусусий шахсларнинг ҳокимият билан низоларини ҳал қиладиган ҳуқуқий институтларнинг ўзига хос дастлабки кўринишлари сифатида тадқиқотчилар томонидан энг аввало қози, мазалим ва бийлар фаолияти кўрсатиб ўтилади.

Жумладан, суд ҳокимияти асосан қози институти томонидан амалга оширилган ва у аҳолининг кундалик турмушидаги кўпчилик низоли масалаларни кўриб чиққан.

Қозилар фаолияти, уларга қўйиладиган талаблар Бурҳониддин Марғилонийнинг “Ҳидоя”, Низомулмулкнинг “Сийёсатнома” асарларида ва “Темур тузуклари” да батафсил очиб берилган.

Ҳуқуқшунос олим З.Муқимов Амир Темур даврига тўхталиб, “суд амалиётига келсак, шариатга оид ишларни Ислом қозиси, дунёвий ва одат ҳуқуқларидан келиб чиқадиган ишларни адлос қозиси, сипоҳий аскарлар орасидан юз берадиган ҳуқуқий низоларни қози аскар кўриб ҳал қилган” лигини ёзган.

Шу ўринда, З.Муқимов испаниялик элчи Руи Гонсалесга ҳавола қилиб, Амир Темур даврида айрим қози-

лар муҳим иш ва низоларни ҳал этишгани, бошқалари молия ишларини юритгани, баъзилари эса ерлар ва шаҳарлардаги ноиблар фаолияти билан шуғулланганига эътибор қаратади ҳамда ихтисослашган қозилар ҳам бўлганлигини таъкидлайди.

1785-1800 йиллардаги Бухоро амири Шоҳмурод суд ислохотларини ўтказиб, ҳар бир мусулмон, ҳатто кул ҳам қозига шикоят қилиши ва ноқонуний иш қилган хўжайинини жавобгарликка тортишга ҳақли эканлигини белгилаб берган. Мазкур ислохотга кўра, қирқ нафар қонуншунослардан иборат олий суд тузилиб, унга амирнинг ўзи раҳбарлик қилган.

Қозилар ноиблар фаолиятига оид низоларни, қуйи ва юқори тоифалар ўртасидаги ишларни ҳал қилганидан кўринадики, Амир Темур ва Шоҳмурод даврида қозилар ҳозирги тушунчадаги оммавий низоларни ҳам кўриб чиққан.

Мовароуннаҳрдаги яна бир тарихий-ҳуқуқий институт – мазалим мисолида маъмурий юстициянинг элементлари янада яққол кўринади. Жумладан, фуқароларнинг давлат амалдорлари, руҳонийлар ва бошқа катта обрўга эга шахслар билан низоларини кўриб чиқиш қозилар учун қийинчилик туғдирган ҳамда алоҳида судловга эҳтиёж юзага келган. Чунки, ушбу шахслар ишнинг қонуний ҳал этилишида қозига таъсир қилиш имкониятига эга бўлган. Шунинг учун, ҳозирги тушунчамиздаги оммавий низолар мазалим институти томонидан кўриб чиқилган бўлиб, одатда хон, амир ёки подшоҳнинг ўзи, вазирлар ва обрў-эътиборли шарият уламолари ушбу вазифани бажарган.

Мазалим лавозимига тайинлаш давлат бошлигининг ваколати бўлиб, у юқоридаги вазифасидан ташқари ҳарбий низоларни ҳал қилиш, бошқарув идораларини назорат қилиш функцияларига ҳам эга бўлган.

Тарихчи олимлар томонидан мазалим институти Мовароуннаҳрда зардуштийлик замонида юзага келиб, совет даврига қадар судлов вазифасини амалга ошириб келганлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазалим институти маъмурий юстициянинг Мовароуннаҳрдаги ўзига хос кўриниши эканлигини ушбу мавзу тарихини ўрганган олим С.Ибрагимов аниқ мисоллар билан асослаб берган. Хусусан, С.Ибрагимов мазалим ўз ташаббусига кўра гувоҳларни чақириш, улардан тушунтиришлар олиш, иш бўйича текширувлар ўтказиш ва далилларни ишончли деб топиш ваколатларига эга бўлганлигини таъкидлаб, бу – ихтисослашган маъмурий судларнинг инквизицион-тергов функциясига ўхшашлигини кўрсатиб берган. Мазкур ҳолат маъмурий судда низоларни кўришнинг ўзига хос хусусияти бўлган суднинг фаол иштироки тамойилига тўғри келади.

Бундан ташқари, ўрта аср мутафаккирларининг асарларида ҳам хусусий шахс ва давлатнинг мансабдорлари ўртасидаги муносабатлар бўйича фалсафий фикрлар илгари сурилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Л.Б.Хван ҳам Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” ва Хўжа Самандар Термизийнинг “Дастур

ал-мулук” асарларидаги одил судлов ва мансабдорларга қўйилган талаблар ҳақида тўхталиб, маъмурий юстиция бизнинг ҳуқуқий тизимга бегона эмаслигини асослаб берган.

Юқоридаги таҳлиллар Ўзбекистон ҳудудида чор Россиясига қадар ҳозирги тушунчамиздаги маъмурий юстиция институти бўлмасда, унинг дастлабки кўринишлари ва кейинчалик ривожланиши учун етарли тарихий шарт-шароитлар мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш имкониятини беради.

Чор Россияси босқинидан кейин ушбу ҳудудлардаги суд тизимида ҳам қисман ўзгаришлар юз бериб, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида рус фуқаролари учун умумимперия судлари, вилоят судлари, ҳарбий-дала судлари ташкил этилган.

Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида маҳаллий аҳоли учун сайланадиган қози ва бий судлари (Туркистон генерал-губернаторлигида халқ суди) сақланиб, оила ва фуқаролик ҳуқуқига оид масалаларни кўриб чиққан.

Маҳаллий аҳолининг ерга доир даъво ва низолари, умуман низо тарафларидан бири ҳокимият ваколатига эга бўлган ишлар империя судларида ҳал қилинган бўлиб, уларни оммавий низо деб ҳисоблаш мумкин. Лекин, бу даврда чор Россиясида суд ислохотлари давом этаётганлиги ва Англиянинг Ҳиндистондаги маҳаллий анъаналарни рад этиш тажрибаси иш бермаганлиги сабабли, империядаги суд тизими тўлиқ жорий этилмаган. Чор Россиясида XIX асрда маъмурий юстиция институти ҳисобланган Сенат биринчи департаменти ва “губернские присутствия” каби квазисудлов идораларининг ваколати Ўзбекистон ҳудудида деярли татбиқ этилмаган.

Россияда Муваққат ҳукумат томонидан 1917 йил майда маъмурий судлар ташкил этилган бўлсада, кейинги катта тарихий воқеалар оқибатида, бу судлар фаолиятини тартибга солувчи низом нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки умуман империя миқёсида кучга кирмаган. Совет даврининг дастлабки йилларида маъмурий юстицияни тиклашга ҳаракатлар қилинган бўлсада, бу давр учун умумий қилиб айтганда, мазкур институт буржуа тузумининг элементи сифатида тан олинмаган.

Жумладан, 1918 йилда фуқароларнинг давлат органлари фаолиятдан норози бўлиб судга шикоят қилиш ҳуқуқи эътироф этилган, шикоятлар бюроси, ер ва бошқа масалалар бўйича суд комиссиялари каби идоралар ташкил этилиб, соф маъмурий юстиция институти эмас, балки унинг элементларини ривожлантиришга уринишлар бўлган.

Лекин, совет тузуми мустаҳкамланиб, маъмурий-буйруқбозлик методлари тўлиқ ишлай бошлагандан кейин давлат органлари устидан судга шикоят қилиш масалаларини тузум ўзи учун қабул қила олмаган. Энг асосийси, давлат ва хусусий шахс ўртасида низонинг мавжудлиги – совет тузумининг ҳеч қандай конфликтсиз коммунизм куриш ҳақидаги устувор гоёсига зид келган.

Хусусан, О.В.Чумакованинг фикрига кўра, “XX асрнинг 20-йилларида совет ҳуқуқида маъмурий органнинг қарор ва хатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги полиция давлатига хос бўлган тамойил мустаҳкамланган, унга мувофиқ, “ҳокимият-бўйсунув” муносабатидан келиб чиқадиган барча баҳсли масалалар фақат маъмурий тартибда ҳал қилиниши мумкин бўлган”.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам, совет илм-фанида маъмурий юстиция институтини эътироф этиш эмас, балки унга нисбатан ёт унсур сифатида қараш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар устунлик қилиб келган.

Сталин давридан кейин жамият ҳаётида юз берган нисбатан ижобий ўзгаришлар таъсирида хусусий шахслар ҳуқуқларини тан олиш бўйича ҳам айрим силжишлар кузатилган. Бу вақтга келиб, маъмурий юстиция институтига доир масалалар нафақат олимлар ўртасидаги баҳс-мунозараларнинг предмети бўлиб қолган, шу билан бирга уларни қонун ҳужжатларида ҳам эътироф этиш бошланган.

Жумладан, собиқ Иттифоқ Олий Совети Президиумининг 1961 йил 21 июндаги “Маъмурий тартибда солинадиган жарималарни қўллашни янада чеклаш тўғрисида”ги фармонида кўра, хусусий шахслар маъмурий органнинг қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин бўлган.

Афсуски, ушбу ўзгаришларни кейинчалик мустақил маъмурий ҳуқуқ доирасида ривожлантириш эмас, балки фуқаролик процессуал қонунчилигида умумий тарзда акс эттириш йўли танланган.

Яъни, 1961-1963 йилларда қабул қилинган фуқаролик процессуал қонунчиликда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар фуқаролик суд иш юритувининг бир тури сифатида белгиланган.

Постсовет ҳудудида амалиётчилар ўртасида ҳам, илмий доираларда ҳам маъмурий низо, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва фуқаролик (иқтисодий) низо тушунчалари бўйича ҳозирга қадар мавжуд бўлган чалкашликларнинг илдизи мана шу даврларга бориб тақалади.

Хусусан, маъмурий юстиция фуқаролик суд иш юритуви доирасида тартибга солингандан кейин, жамиятда конфликт бўлмаслиги ҳақидаги мафкурага асосан маъмурий низонинг даъво характерида эгаллиги рад этилган. Бундан ташқари, маъмурий иш деганда маъмурий юстициянинг мазмунини ташкил этувчи оммавий низолар қолиб, маъмурий ҳуқуқбузарликларга асосий эътибор қаратилган.

Бунинг сабаблари ҳам сиёсий режимнинг моҳиятига бориб тақалади, чунки совет ҳокимияти хусусий шахс ҳуқуқини ҳимоя қилишни эмас, балки давлат тузумини муҳофаза этишни суднинг асосий вазифаси деб тушунган.

Шу билан бирга, XX асрнинг 70-йилларига келиб В.Ф.Сиренко, А.Т.Боннер, В.Т.Квиткин каби олимлар давлат ва хусусий шахс ўртасида конфликт бўлиши мумкинлиги ва бу ҳар бир жамият каби совет жамия-

ти учун ҳам хос хусусият эканлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган.

Мазкур жараён совет қонунчилигига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, 1977 йилги собиқ Иттифоқ Конституциясининг 58-моддасида фуқароларнинг давлат ва жамоат органлари, мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи белгиланган.

Лекин, кейинги ўн йил давомида мазкур меъёр декларатив характерга эга бўлиб қолган. Фақат қайта қуриш даврига келиб 1987 йил 30 июнда ушбу меъёрни амалга ошириш тартибини белгилловчи алоҳида қонун қабул қилинган, 1989 йил 2 ноябрдаги қонун билан унинг қўлланиш доираси кенгайтирилган ва 1990 йил 27 июлда СССР Олий суди Пленумининг 7-сонли қарори чиққан.

1991 йилда собиқ Иттифоқнинг қулаши оқибатида бутун давлат тузуми каби энди-энди ҳуқуқий асослари яратилаётган маъмурий юстиция институти ҳам ҳар бир мустақил давлатда турли хил кўринишларда ривожланиш йўлини қайтадан бошлашга мажбур бўлган. Шу ўринда, бир жиҳатни таъкидлаш зарур – совет даври бошланган 1917 йилда маъмурий судлар ташкил этилиб ва унинг сўнггида бу масала бўйича қонун қабул қилиниб, ушбу воқеалар маъмурий юстицияни ривожлантирадиган нуқта бўлиши керак эди. Бироқ, кейинги катта тарихий ҳодисалар таъсирида тузум ўзгарганлиги ушбу ривожланиш нуқталарининг аҳамиятини тушириб юборган.

Оқибатда, ҳуқуқшунос олим Ж.Нематов таъкидлаганидек, совет маъмурий ҳуқуқида замонавий маъно-мазмундаги маъмурий суд иш юритуви институти ўзининг тўлақонли ривожини топишга улгурмаган эди.

Лекин, хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарихда ҳеч бир ҳодиса изсиз йўқ бўлиб кетмаганидек, юқоридаги икки воқеа маъмурий юстиция институтининг кейинчалик мустақил бўлган давлатлар ҳудудида ривожланишида ўзига хос тажриба ролини бажарган.

Хушнуд МАДРИМОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муқимов З. Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи тарихи. Т. Адолат, 2003. Б. 171.
2. Чумакова О.В. Административно-правовые споры в сфере регистрации юридических лиц. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. Москва, 2008. С. 15.
3. Ибрагимов С.И. Административная юстиция в центрально-азиатских государствах: проблемы становления и развития: Дис. ... д-ра юрид. наук. Москва, 2013. С.
4. Стариков Ю.Н. Административное судопроизводство в Российской Федерации: развитие теории и формирование административно-процессуального законодательства. Сер.; Юбилей, конференции, форумы. Вып. 7. Воронеж: Издательство Воронежского государственного.
5. Нематов Ж. Маъмурий суд иш юритуви (1). Монография – Т.: Top Image Media, 2022. – Б. 12.

МАЪМУРИЙ ҚАМОҚ ЖАЗОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Маъмурий қамоққа олиш – оғир турдаги маъмурий жазо чораларидан бири бўлиб, у шахсни жамиятдан вақтинча ажратиб қўйиш шароитларида сақлашдан иборат ва уч суткадан ўн беш суткагача бўлган муддатга, фавқулодда ҳолат режими шароитларида жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун эса, ўттиз суткагача бўлган муддатга қўлланилади. Кўриниб турибдики, маъмурий қамоққа олишнинг жазо тизимидаги ўрни ва аҳамияти катта. Шу боис уни қўллаш асослари ва тартиби бўйича юзага келаётган муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизнинг маъмурий-ҳуқуқий сиёсатида мувофиқ маъмурий қамоқ давлат мажбурловининг алоҳида тури бўлиб, жамиятни ҳуқуқбузарлик содир этилишидан муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузар шахснинг ахлоқини тузатиш мақсадида қўлланилади.

Статистик таҳлилларга кўра, маъмурий қамоққа олиш тарзидаги жазо Ўзбекистон Республикаси МЖТК Махсус қисми моддаларининг кўплаб санкцияларида назарда тутилган ҳамда суд амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда. Масалан, МЖТК Махсус қисмининг 376 та моддасидан 40 тасида, яъни **10,6 фоиз**да маъмурий қамоққа олиш билан боғлиқ жазо кўзда тутилган. Мазкур моддаларда келтирилган **45 та ҳуқуқбузарлик таркиби** учун маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинланиши мумкин.

Маълумки, суд органларининг қонун нормаларини қўллаш орқали жиноятчиликнинг олдини олишдаги роли жуда катта. Суд шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш орқали бу қилмишнинг жиноий қилмишга ўсиб чиқишининг олдини олса, биринчи марта ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир қилган шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий чораларни қўллаб, ўша шахс томонидан жиноий фаолиятни давом эттириш ёки янги жиноят содир этишининг олдини олади.

Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш амалиёти таҳлили бугунги кунда амалиётда маъмурий қамоққа олиш жазосини қўллаш эҳтиёжи ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Хусусан, 2019 йилда – 495 106 нафар шахс ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, уларнинг 27 992 нафарига (5,6 фоизига) нисбатан қамоққа олиш жазоси қўлланилган. Шунингдек, 2020 йилда – 426 717 нафар шахснинг 34 529 нафарига (8,0 фоизига), 2021 йилда – 527 740 шахснинг 50 141 нафарига (9,5 фоизига), 2022 йилда эса, 652 958 нафар шахснинг 79 271 нафарига (12,1 фоизига) қамоқ тартибидеги маъмурий жазо чораси қўлланилган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, судлар томонидан маъмурий қамоққа олиш жазосини қўллаш ҳолатлари йилдан йилга ошиб борган. Бу бир томондан, ҳуқуқбузарлик фактларининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар улушида санкцияси маъмурий қамоққа олиш билан боғлиқ қилмишлар кўпаяётганлигини англатади.

Бугунги кунда маъмурий қамоққа олиш тарзидаги жазоларни қўллашда ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири – шахсда жазонинг ижро этилишига тўсқинлик

қилувчи касалликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Мазкур ҳолат тайинланган маъмурий қамоққа олиш тарзидаги жазоларни ижро этиш вақтида турли муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Амалдаги қонунчилигимиз нормалари таҳлили, ҳозирда маъмурий қамоққа олиш жазосини тайинлашга тўсқинлик қилувчи ҳолатларга шахснинг касаллиги киритилмаганлигини кўрсатмоқда.

Бироқ, амалиётда тайинланган маъмурий қамоқ жазосини ижро этаётган шахсларнинг шошилиқ тиббий ёрдамга муҳтож ҳолатга тушиб қолишлари кузатилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг маълумотларига кўра, жами қамоққа олиш жазоси тайинланган шахсларнинг 2019 йилда – 50 нафари (0,17 фоизи), 2020 йилда – 39 нафари (0,11 фоизи), 2021 йилда – 114 нафари (0,23 фоизи), 2022 йилда – 191 нафари (0,24 фоизи) шифохонага ўтказилганлиги муносабати билан жазони ўташдан озод қилинган.

Бу борадаги муаммоларнинг долзарблигини ҳуқуқни қўллаш амалиёти мутахассисларининг фикрларини ўрганиш асосида ҳам аниқлаш мумкин. Хусусан, ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровда, уларга *“Маъмурий қамоққа олиш тарзидаги жазони ўташга тўсқинлик қилувчи касалликка чалинган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш қанчалик асосли?”* деган савол билан мурожаат қилинганда, респондентларнинг 69,2 фоизи – асосли эмас, 23,5 фоизи – зарурат бўлган ҳолларда асосли, 6,4 фоизи – қонунда белгиланган тартибда қўлланилаётган бўлса асосли, деб жавоб беришган бўлса, 0,9 фоизи эса, – саволга жавоб беришга қийналишини маълум қилишган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 13 августда қабул қилинган “Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан жазо қўллашга тўсқинлик қилувчи 16 та турдаги касалликлар рўйхати тасдиқланган бўлса-да, унда маъмурий қамоққа олиш тарзидаги жазо чорасини қўллаш тақиқланади.

Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2014 йил 12 декабрдаги 1358-сон қарорига мувофиқ шахсни маъмурий қамоққа олишга тўсқинлик қилувчи касалликларнинг рўйхати тасдиқланган бўлиб, мазкур рўйхатга кирувчи касалликлар билан оғриган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш тарзидаги жазо чорасини қўллаш тақиқланади.

Рўйхатга кўра, қуйидагилар жазо ўташга тўсқинлик қилувчи касалликлар ҳисобланади:

- 1) *оғир босқичдаги ёки атрофдагиларга юқадиган ҳар қандай ўткир юқумли касалликлар;*
- 2) *малин неоплазмаларининг 4-босқичи;*
- 3) *қон кетиши ва бошқа геморрагик касалликлар;*
- 4) *асоратли қандли диабет;*
- 5) *эндокрин (овқатланиш) тизимнинг бузилиши билан боғлиқ касалликлар;*
- 6) *тез тиббий ёрдамни талаб этадиган руҳий бузилишлар;*

- 7) эпилепция, эпилептик ҳолат;
 8) асаб тизимининг оғир бошқичдаги бошқа касалликлари;
 9) иккала кўзнинг кўрлиги;
 10) терининг умумий шикастланиши ёки куйиши;
 11) бирлаштирувчи тўқималарнинг тизимли шикастланиши;

12) тез тиббий ёрдам талаб этадиган ҳар қандай касаллик, шикастланиш ёки захарланиш.

Фикримизча, мамлакатимизда ҳам маъмурий қамоқда сақлашга тўсқинлик қилувчи касалликнинг мавжудлиги шахсга нисбатан ушбу турдаги жазонинг қўлланилишига мўънелик қилувчи ҳолат эканлигининг қонуний асосларини яратиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 29-моддаси 2-қисмини куйидаги тахрирда баён этиш лозим бўлади:

“Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, жазони ўташга тўсқинлик қилувчи касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Жазони ўташга тўсқинлик қилувчи касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади”.

Маъмурий қамоққа олиш жазосининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг профилактик хусусиятга эга эканлиги ҳисобланади. Яъни, уни бошқа турдаги маъмурий жазо чораларини ижро этишдан бўйин товлаш ёки ижро этишининг реал имкониятлари бўлмаган ҳолларда ўрнига қўллаш мумкин бўлади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида бугунги кунда жарима тарзидаги маъмурий жазоларни ижро этишдан бўйин товлаш ҳолатлари кўпайиб кузатилади.

С.С.Ниёзованинг фикрига кўра, жаримани тўлашга имкони бўла туриб, уни ижро этмаслик ёки ижро этишни қийинлаштиришга қаратилган ҳаракатлар – бўйин товлаш деб баҳоланади. Бундай ҳолатларнинг асосий сабабларидан бири – амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ушбу жазони бошқа турдаги жазоларга алмаштириш механизмларининг назарда тутилмаганлигидир. Бу эса, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга жазони ижро этишдан бўйин товлаш имкониятини яратиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини кафолатлашга тўсқинлик қилмоқда.

Масалан, 2022 йилда судлар томонидан жами 114.755 та жарима туридаги маъмурий жазо қўлланилиб, 81.936.572.541 сўм жарима белгиланган бўлса, йил давомида ихтиёрий ундирилган маблағ миқдори 17.395.209.393 сўмни (жами жарима суммасининг 21,2 фоизини) ташкил этади. Мажбурий тартибда ундириш учун МИБга юборилган жарималар миқдори 52.089.028.494 сўмни (жами жарима суммасининг 78,8 фоизини) ташкил этади. МИБ томонидан йил давомида мажбурий тартибда ижрога қаратилган жарима миқдори эса, 24.967.259.633 сўмни (мажбурий ижрога юборилган жарима миқдорининг 47,9 фоизини) ташкил этади. Кўриниб турибдики, тайинланган жазоларнинг қолган қисми турли сабабларга кўра ижрога қаратилмаган.

МДХ давлатларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлили уларда бу борадаги масалага нисбатан алоҳида ёндашув мавжудлигини кўрсатади. Масалан, Қирғизистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 46-1-моддасига кўра, агар шахс кодекснинг 20-боби (Йўл ҳаракати хавфсизлигига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар)да назарда тутилган қоидабузарликлар бўйича тайинланган жарима жазосини бир йил давомида тўлашдан бўйин товласа суд тайинланган жазони транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки маъмурий қамоққа алмаштиради.

Содир этилиш кўрсаткичи кўплиги ва ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигини инобатга олганда мамлакатимизда ҳам ҳеч бўлмаганда йўл ҳаракати хавфсизлигига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун тайинланган жарима тарзидаги жазоларни ижро этишда юқорида келтирилган тажрибани жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, умумий асосларда ижрога қаратилмаган жарималарни маъмурий қамоқ жазосига алмаштиришнинг қонуний асосларини яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 25-моддасини куйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

“Ҳуқуқбузар жаримани тўлашдан бўйин товлаган ёки уни тўлаш имкониятига эга бўлмаган тақдирда суд базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридидаги жаримани икки суткалик маъмурий қамоққа тенглаштирган ҳолда алмаштиради. Бунда маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан ошмаслиги керак”.

Мазкур таклифларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилининг кафолатланишига хизмат қилиши билан бирга, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Бобур АДИЛОВ,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кодекс Кыргызской Республики об административной ответственности от 4 августа 1998 года № 114 // Электрон манба: http://online.adviser.kg/Document/?doc_id=30232566 (мурожаат вақти: 13.09.2023).
2. Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология: Дарслик. 2001, ТДЮИ. Б. 273.
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 13 августда қабул қилинган “Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 9-сон қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/1390458?ONDATE2=28.07.2021&action=compare> (мурожаат вақти: 12.09.2023).
4. Постановление Правительства РФ от 12 декабря 2014 г. N 1358 “Об утверждении перечня заболеваний, препятствующих отбыванию административного ареста” // Электрон манба: <https://base.garant.ru/70821368/> (мурожаат вақти: 11.09.2023).
5. Эсанова З.Н., Хабибуллаев Д.Ю., Ибратова Ф.Б., Ниёзова С.С., Артиков Д.Р. Суд қарорлари ижроси: (фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий ишлар мисолида) // Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. З.Н. Эсанова. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б. 64.

СМАРТ КОНТРАКТ – АҚЛЛИ ШАРТНОМА(МИ?)

АННОТАЦИЯ:

мақолада смарт контракт атамаси, уни қўллаш билан боғлиқ илмий муаммолар хусусан, адабиётларда ушбу тушунча ўрнига фойдаланилаётган терминлар ўрганилган. Миллий ва хорижий олимлар ёндашувлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда раҳбарий адабиётлардаги ёндашувлар таҳлил қилинган. Муаммоли саволлар юзасидан анкета-сўровнома ўтказилиб, натижалари хулосаларни асослашда қўлланилган.

Калит сўзлар: смарт контракт, ақлли шартнома, смарт шартнома, битимнинг махсус шакли, компьютер томонидан бошқариладиган.

Ахборот технологиялари тараққиёти ҳамда рақамли иқтисодийнинг ривожланиши фуқаролик ҳуқуқидан янгидан-янги институтларни вужудга келтирмоқда. Айниқса, сўнги 5-7 йилда блокчейн технологиялари ҳамда криптовалюталар билан боғлиқ фуқаролик муносабатларининг кенгайиши уни цивилистик-доктринал ва норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қилмоқда. Шундай институтлардан бири смарт контрактлардир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мамлакатимиз олдида турган устувор вазифалар сифатида крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш, майнинг, смарт-контракт, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда блокчейн технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш каби масалаларни санаб ўтган.

Маълумки, фан ўз тизимида вужудга келадиган муносабатларни олдиндан ўрганиши, уни тартибга солиш ва ривожлантириш муаммоларини илмий асосларга кўра башорат қилиши лозим. Бироқ, смарт контрактлар рақамли фуқаролик муомаласида кенг қўлланила бошланган бўлсада, доктринада унинг мазмуни батафсил ўрганилмаган, ҳатто, мазкур атаманинг ўзига нисбатан ҳам турли ёндашувлар мавжуд.

Илмий тадқиқотларда “смарт шартнома”, “смарт битим” ёки “ақлли шартнома” каби турли атамалар қўлланилмоқда. Бундай илмий тушунча ва сўз бирикмалари “смарт-контракт” атамасининг инглиз тилидан ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилиниши натижасида юзага келяпти.

Смарт-контрактларнинг том маънодаги асл моҳияти ва мазмунидан келиб чиқиб қаралса, “ақлли шартнома” ва “смарт шартнома” ўрганилаётган ҳодисанинг тўлиқ, тугал ва тўғри номлари эмас. Хусусан, семантик нуқтаи назардан таҳлил қилинса, инглиз тилидаги “смарт” сўзи мазмунан кўплаб маъноларни қамраб олади.

Оксфорд, Кембридж ва Мерриам-вебстер онлайн луғатларида смарт сўзи маъноларининг нафақат “ақлли”, балки “замонавий”, “тезкор”, “компьютер томонидан бошқариладиган”, “компьютер билан ишлайдиган”, “автоматик бошқариладиган” каби версиялари келтирилган. Уни “ақлли” деб таржима қилиш масаласида Ўзбек тилининг изоҳли луғатига қаралса, “ақл” ва “ақлли” сўзлари “фикрлаш қобилиятига эга”, “ақли расо” (инсонга нисбатан), фаҳмли (хайвонларга нисбатан) маъноларини билдиради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “ақлли” сўзини жонсиз нарсалар,

хусусан, техник воқеликка нисбатан қўллаб бўлмайди. Шу сабабли ҳам, бугунги кунда янги сўз бўлган “смарт соат”, “смартфон” каби сўзлардан таржима қилинмасдан ўз ҳолича фойдаланилмоқда.

Смарт-контракт белгиланган қоидаларга мувофиқ маълум маълумотларни юборадиган, қабул қиладиган ёки маълумотларни ўзгартирадиган компьютер технологиясига асосланади. Бу жараёнда “агар, кейин”, “агар маълум бир шарт бажарилса”, “у ҳолда”, “маълум бир ҳаракат бажарилади” каби оддий қоидалар қўлланилади. Кўриниб турибдики, смарт-контрактда онгли фикрлаш, тафаккур қилиш қобилияти йўқ. У фақат дастур буйруқлари асосида ишлайди. Хусусан, 1972 йилда АҚШ суди ҳам “Компьютер фақат дастурчилар томонидан тақдим этилган маълумотлар ва кўрсатмаларга мувофиқ ишлайди. Агар компьютер инсон каби фикрламаса, бу инсоннинг айбидир” деб тушунтирган ҳамда мазкур фикр судлар томонидан смарт-контрактлар бўйича низоларни ҳал қилишда прецедент сифатида роль ўйнамоқда.

Таҳлиллар умумлаштирилса, смарт сўзининг луғавий жиҳатдан тўғри таржимаси “кўп функцияли, автоматик” деганидир.

Шунингдек, “смарт контракт” атамасининг сўз-ма-сўз таржима қилиниши унинг фуқаролик муносабатларидаги барча техник ва ҳуқуқий хусусиятларини акс эттирмайди. Жумладан, фуқаролик муносабатларида смарт контрактлар фақат шартномавий муносабатларда иштирок этмайди. Балки бошқа кўплаб рақамли муомалаларда у ёки бу шаклда кўриниш беради.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳатто инглиз тилидаги адабиётларда ҳам “смарт контракт” атамасига нисбатан “на ақлли, на шартнома” деган изоҳ тез-тез такрорланади.

Агар смарт контрактлар тушунчаси сўз-ма-сўз таржима қилинса, мазмунан фақат автоматлаштирилган шартномавий муносабат маъноси келиб чиқиши мумкин. Ақлли шартнома деганда, савдо автомати орқали маҳсулот сотишни ҳам тушуниш мумкин. Яъни ўз маъносидан ташқари бошқа электрон шартномавий муносабатлар мазмунини ҳам қамраб олади.

Илмий доираларда смарт контрактларнинг кўплаб фуқаролик муносабатларда қатнашиши ҳақида фикрлар мавжуд. Ушбу фикрларни ўрганган ҳолда мазкур институтни қуйидагича фуқаролик-ҳуқуқий воқелик сифатида кўриш мумкин:

- шартноманинг ёзма шакли;

- мажбуриятни бажариш воситаси;
- мажбурият бажарилишини таъминлаш усули;
- мажбуриятни бажариш усули;
- ўзига хос хусусиятга эга бўлган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома;

- компьютер дастури ва шу каби бошқа институтлар.

Олимларнинг ёндашувларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, смарт контракт фуқаролик шартнома эмас, балки мураккаб фуқаролик институт бўлиб, уни шартнома сифатида талқин қилиш мазмунини очиб бермайди.

Бу борада ҳуқуқшунос олимлар, тадқиқотчилар ва бошқа мутахассислар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари ҳам аҳамиятли бўлиб, унга кўра, иштирокчилар “Смарт контрактлар бу шартноманинг махсус шакли деган ёндашувга сизнинг муносабатингиз қандай?” деган саволга қуйидагича жавоб беришган:

Смарт контрактлар бу шартноманинг махсус шакли деган ёндашувга сизнинг муносабатингиз қандай?



Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва раҳбарий адабиётларда мазкур муносабат таржима қилинмасдан, ўз ҳолича қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, респондентлар “Илмий тадқиқотларда смарт контракт атамаси турли терминлар орқали ифодаланмоқда. Сизнингча қайси терминни қўллаш унинг маъносини тўлиқ акс эттиради?” деган саволга иштирокчиларнинг 66,2 фоизи “смарт контракт” атамасини, 19,5 фоизи “смарт шартнома” ва 14,3 фоизи “ақлли шартнома” деган жавобларни танлаган:

Илмий тадқиқотларда смарт контракт атамаси турли терминлар орқали ифодаланмоқда. Сизнингча қайси терминни қўллаш унинг маъносини тўлиқ акс эттиради?



Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мумтоз талқиндаги “смарт-контракт” атамасини таржима қилишга уриниш ушбу тушунчанинг маъносидан ташқарига чиқади ва ўз мазмунини ифодаламайди, шу сабабли мазкур атамдан ўз ҳолича фойдаланиш керак деган хулосага келиш ўринлидир.

Отабек МУТАЛОВ,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. State Farm Mutual Automobile Insurance Company, Acorporation, Plaintiff-appellant, v. Alfred E. Bockhorst et al., Defendant-appellee, 453 F.2d 533 (10th Cir. 1972). US Court of Appeals for the Tenth Circuit - 453 F.2d 533 (10th Cir. 1972) Jan. 14, 1972. <https://law.justia.com/cases/federal/appellate-courts/F2/453/533/386003/>. (Last seen: 14.05.2023).
2. Бегматов Э. ва бошқалар, Ўзбек тилининг изоҳли луғати : 5 жилдли : 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, А. Мадвалиев таҳрири остида, – Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008 йй. 1-жилд, -- 126-127 бб.
3. Савельев А.И. Договорное право 2.0: “умные” контракты как начало конца классического договорного права // Вестник гражданского права. 2016. No 3, – С. 54;
4. Whitepaper: Smart Contracts and Distributed Ledger — A Legal Perspective. ISDA. Linklaters, 2017. - P. 5
5. Вашкевич А.М. Пять выводов о смарт-контрактах // URL: https://zakon.ru/blog/2017/12/27/pyat_vyvodov_o_smart-kontraktah (дата обращения: 25.03.2022).
6. Юрасов М. Ю. Смарт-контракт и перспективы его правового регулирования в эпоху технологии блокчейн // URL: https://zakon.ru/blog/2017/10/9/smarkkontrakt_i_perspektivy_ego_pravovogo_regulirovaniya_v_epohu_tehnologii_blokchejn, (дата обращения: 25.03.2022).
7. Юрасов М. Ю. Смарт-контракт и перспективы его правового регулирования в эпоху технологии блокчейн // URL: https://zakon.ru/blog/2017/10/9/smarkkontrakt_i_perspektivy_ego_pravovogo_regulirovaniya_v_epohu_tehnologii_blokchejn, (дата обращения: 25.03.2022).
8. Федоров Д.В. Токены, криптовалюта и смарт-контракты в отечественных законопроектах с позиции иностранного опыта // Вестник гражданского права. 2018. № 2. – С. 33.
9. Румянцев И. А. Блокчейн и право // Право в сфере Интернета. Сборник статей / рук. авт. кол. и отв. ред. д-р юрид. наук М. А. Рожкова. М.: Статут, 2018. С. 159–178.
10. Schönfeld C. Smart Contracts under Swiss law // URL: <https://www.qmul.ac.uk/law/media/law/docs/research/the-fintech-edition-2018.pdf>, (last seen: 20.03.2022).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чоратadbirlари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Қарори. 03.07.2018. // URL: <https://lex.uz/ru/docs/3806053> (охирги кўрилган сана: 17.03.2022);
12. Mik, Eliza, Smart Contracts: A Requiem (December 7, 2019). Journal of Contract Law (2019) Volume 36 Part 1 at p 72
13. Зайнобиддинова Ф.Б., Смарт шартномалар асосида инвестициявий фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020) – С. 24-32.
14. Сидиков А., Цифровое право - правовая основа цифровой экономики // Одиллик мезони, № 11, 2020, – С. 50.
15. Якубов А.Х., Ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, – Т.: ТДЮУ, 2020. – Б. 156.
16. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2021, Б. 179.
17. Mirziyoyev Sh.M, Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi, To‘ldirilgan ikkinchi nashri, Toshkent, “O‘zbekiston” nashriyoti, 2022, B. 176.
18. https://www.oxfordlearnersdictionaries.com/definition/english/smart_1?q=smart, (охирги кўрилган сана: 17.03.2022);
19. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/smart>, (охирги кўрилган сана: 17.03.2022);
20. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/smart>, (охирги кўрилган сана: 17.03.2022).

КОНТРАБАНДА СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада контрабанда жиноятининг субъектив томони жиноят қонуни ва суд-тергов амалиётидан мисоллар билан таҳлил қилиб берилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддасини контрабанда жиноятини содир этишининг субъектив белгиларига кўра оғирлаштирувчи ҳолатлар билан тўлдириб бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: контрабанда, божхона қонунчилиги, божхона назорати, божхона чегараси, божхона чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, субъектив томон, тўғри қасд, жиноят субъекти.

АННОТАЦИЯ:

в статье анализируется субъективная сторона преступления контрабанды на примерах из уголовного законодательства и судебно-экспертной практики. Вместе с тем разработаны предложения по дополнению статьи 246 УК Республики Узбекистан отягчающими обстоятельствами по субъективным признакам совершения преступления контрабанды.

Ключевые слова: контрабанда, таможенное законодательство, таможенный контроль, таможенная граница, незаконное пересечение таможенной границы, субъективная сторона, умысел, субъект преступления.

Контрабанда жиноятини содир этувчи шахс контрабанда предмети бўлган, муомаласи чекланган ёки тақиқланган ашёларни божхона чегарасидан ноқонуний ўтказишга қаратилган ҳаракатларининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади ва уларнинг юз беришини истайди.

Ўз навбатида муомаласи чекланган ёки тақиқланган предметларни божхона чегарасидан ноқонуний ўтказишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш айбдорнинг содир этаётган ҳаракатларининг фактик ва ижтимоий хусусиятларини тушунишини англади.

Г.Ш.Пашаев таъкидлаганидек, “контрабанданинг субъектив томони субъектнинг юкни божхона чегарасидан ноқонуний ўтказишга йўналтирилган ўз фаолиятини субъект томонидан руҳий баҳосида намоён бўлади. Ўз тузилишига кўра субъектив томон уч мустақил, бироқ ўзаро боғлиқ бўлган белгилар: айб, мотив ва мақсаддан иборат”.

Контрабанда аксарият ҳолларда ғаразли мотивларда содир этилади, яъни жиноятчи контрабанда предметининг ноқонуний муомаласи орқали шахсий даромад олиш, ноқонуний бойлик орттириш ниятини кўзлайди.

Шу билан бирга контрабанда ғаразли мақсадларсиз содир этилиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш лозим. Хусусан, жиноятчи муомаласи чекланган ёки таркибида психотроп ёки гиёҳванд моддалар бўлгани учун тақиқланган

дори воситаларини ўзининг ёки бошқа шахсларнинг истеъмоли учун божхона чегарасидан ўтказишга уриниши мумкин.

Айрим ҳолларда айбланувчилар ўз ҳаракатларининг жиноят эканлигини билмаслигини айтиб ёлгон кўрсатув берадилар. Бироқ, И.В.Розумань таъкидлаганидек, “контрабанда жиноятида шахс муомаласи чекланган ёки тақиқланган предметларни олиб ўтаётганлигини англамаган бўлиш эҳтимоли жуда кам”. Бу борада суд-тергов амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Сардоба туман судининг 2021 йил 20 апрелдаги мажлисида кўриб чиқилган жиноят ишида таксичилик билан шуғулланувчи Ш. ўзи хабардор бўлмаган ҳолда телефон орқали буюртмани қабул қилган. Етказиб берилиши керак бўлган нарса – қора рангли сумка ичида жами 10 дона полиэтилен ўрамлардаги соф оғирлиги 9.745 граммга тенг “гашиш” гиёҳванд моддаси бўлган.

Қозоғистонлик ҳуқуқшунос олима Б.Н.Джумабекованинг ёзишича “контрабанда тўғри қасд ва ғаразли мақсадларда содир этилади. Шу билан бирга контрабанданинг субъектив томони унинг субъектнинг руҳий фаолиятининг кенг доирасини қамраб олади ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун бевосита муҳим аҳамият касб этади. Субъектив томоннинг асосий белгиси айб бўлиб, мотив ва мақсад контрабанда жиноятини малакалашга таъсир кўрсатмайди. Бироқ, ушбу ҳолатлар

контрабанда жиноятини умумий асосларда оғирлаштирувчи ёки энгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида хизмат қилиши, шу жумладан, энгилроқ жазони тайинлашда инobatга олиниши мумкин”.

Тўғри қасднинг иродавий ва ақлий жиҳатларини кўриб чиқишда, контрабанда формал таркибли жиноятлар сирасига кириши, шу боис, эгри қасд имконияти истисно этилиши, иродавий жиҳати эса ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан боғлиқлиги, оқибатга боғланмаганлигини қайд этиш зарур. Контрабандада тўғри қасднинг ақлий жиҳати айбдор томонидан контрабанда предметининг муомаласи чекланганлиги ёки тақиқланганлигини ҳамда уларни божхона чегарасидан олиб ўтиш ноқонунийлигини англаши билан тавсифланади.

Контрабандани содир этишда ижтимоий хавфлиликни англаш ўз ҳаракатларининг ноқонунийлигини, бошқача айтганда жамоат хавфсизлиги ва божхона қонунчилиги бузилаётганлигини англашда намоён бўлади. Контрабандада жиноятчи айбини аниқлашда вужудга келадиган мураккаб масалалардан бири – айбдор қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаганлигини исботлаш билан боғлиқ.

ЖКнинг 21-моддасида қасднинг ақлий жиҳати шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етганлиги ва уларнинг юз беришини истаганлиги (тўғри қасд) ёки уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйганлигида (эгри қасд) ифодаланади. Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда “ҳуқуққа хилофликни англаш, қоида тариқасида, айбнинг қасд шакли белгилари доирасига кирмаслиги, бироқ, айрим жиноятларда қонун чиқарувчи айбдор содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англашини қилмишини ҳуқуққа хилоф деб топиш билан боғлаган”лиги таъкидланади.

Бу борада Ю.И.Сучков “контрабанда учун тақиқланган предметларни чегарадан олиб ўтишда намоён бўладиган, қатъий белгиланган ва яққол ифодаланган мақсад хос. Бундай мақсад бўлмаган ҳолларда айбдор шахснинг ҳаракатларини контрабанда сифатида малакалаб бўлмайди”,- деб ёзади. В.И.Михайловнинг таъкидлашича, “Контрабанда – бу формал таркибли жиноят, унинг объектив томони фақатгина қилмишни қамраб олади. Шунга кўра, контрабанда предметни божхона чегарасидан ўтказиш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Бирор бир “яқуний жиноий натижа”га эришиш қилмишни тамом бўлган ва жиноий жазоланадиган деб тан олиш учун талаб этилмайди. Бундан ташқари қонун контрабанда учун жавобгарлик келиб чиқишини жиноятнинг

мотиви ва мақсади билан боғламайди. Контрабанда субъектив томонининг ушбу элементлари контрабандани жиноят сифатида малакалаш учун аҳамиятга эга эмас”.

У.А.Ахмедовнинг божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти бўйича қуйидаги фикрлари контрабандага ҳам тааллуқли деб ўйлаймиз: “қасднинг мавжуд бўлиши учун айбдор нафақат жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи амалдаги ҳолатларни, балки уларнинг ижтимоий хоссаси – қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноят объектининг хусусиятини ҳам англаши лозим. Мазкур жиноят кўпинча гараз мотив остида қалбакилиги олдиндан аён бўлган ҳужжатлардан фойдаланиб ёки ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш орқали содир этилади”.

Контрабандачи ўз эҳтиёжларини ноқонуний предметларни ўтказиш йўли билан қаноатлантиради. Жиноят ҳуқуқида мақсад айбдор ҳаракат қиладиган ва истайдиган натижа ҳақидаги тасаввур сифатида тавсифланади. Контрабанданин мақсади божхона чегарасидан тақиқланган товар ёки предметни ўтказиш ҳисобланади.

Мотив ва мақсад инсон руҳияти иродавий ва ақлий жиҳатининг ўзаро алоқаси ҳисобланади. “Мотив ва мақсад аниқ вазифани қўйиш, уни ҳал этиш учун усул ва воситаларни танлаш ҳамда унга асосан реал ҳаракатларни содир этишни назарда тутати. Уларнинг асосида жиноий қилмишнинг идеал кўриниши вужудга келади ва шахснинг ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан реал руҳий муносабати, яъни айбнинг пойдевори шаклланади. Инсондаги нотўғри қадриятлар ва қарашларнинг бевосита ҳосиласи сифатида у ўзида ижтимоий нуқтаи назардан салбий мазмунни қамраб олади”.

Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар контрабанда жиноятининг субъекти ҳисобланади.

Л.Ф.Рогатых ёзганидек, “контрабанда жиноятида шахсни жиноят субъекти сифатида





тан олиш учун унинг контрабанда предметига нисбатан муносабати ёки алоқадорлигининг (мулкдор, эгалик қилувчи, божхона хизмати ходими, ташувчи ва б.қ.) аҳамияти йўқ, бунда шахснинг контрабанда жиноятининг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатни содир этганлиги ва унинг ҳаракатларида жиний қасднинг мавжудлиги муҳим ҳисобланади”.

Г.Ш.Пашаевга кўра “контрабанда уни ба-жариш даражасига кўра мураккаб жиноят ҳисобланади. Ушбу жиноятни содир этиш учун шахс балоғатга етган, муайян ҳаётий тажриба орттирган, зарур ҳажмда моддий воситаларга эга, жисмоний куч сарфлашга тайёр бўлиши, контрабанда предметини божхона назоратидан яшириш усулларини билиши керак бўлади”.

Тадқиқотчининг фикрига қўшилган ҳолда контрабанда жинояти субъектига хос бўлган яна бир белгига ҳам эътибор қаратиш зарур, яъни мазкур жиноят субъекти ёш цензи билан боғлиқ ҳолда чет давлатга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижга чиқадиган ҳолларда уларга хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилади, хорижга чиқиш биометрик паспорти ҳар қандай давлатга чиқиш учун ҳақиқий” ҳисобланади.

Яъни, контрабанда жиноятини содир этган шахс Ўзбекистон Республикасидан чиқиш лаёқатига эга бўлиши керак. Маълумки, қонунчиликда хорижга чиқиш биометрик паспортини беришни рад этиш асослари белгилаб қўйилган. Хусусан, агар шахсга нисбатан хорижга чиқишга тўсқинлик қиладиган шартнома, контракт мажбуриятлари амал қилаётган, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган, ички ишлар органларининг маъмурий назоратида бўлса ёки шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ва шартли ҳукм қўлланилган, шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса ёхуд шахсга нисбатан ваколатли органларнинг мазкур шахс хорижга чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи ахбороти мавжуд бўлса унга хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштириб берилмайди (Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 405-банди). Хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштириб берилмаган фуқаролар эса ўз навбатида божхона назоратидан яшириб ёки алдаб ўтиш билан боғлиқ ҳолда контрабанда жиноятини содир эта олмайди. Контрабанда жинояти фақатгина божхона на-

зоратини четлаб ўтиш орқали содир этилиши мумкин. Бунда ушбу шахсларнинг ҳаракатлари қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш (ЖК 223-моддаси) бўйича малакаланиши лозим бўлади.

Шу билан бирга ЖКнинг 246-моддаси таҳлили контрабанда жиноятининг субъектига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатлар етарлича инobatга олинмаганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ЖКнинг 246-моддасида “мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда”, “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан”, “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса” каби оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Зеро, мазкур ҳолатларда контрабанда жиноятининг содир этилиши сезиларли даражада осонлашади, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси бир неча каррага ошади.

Ахмад ЗУФАРОВ,

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сучков Ю.И. Ответственность за контрабанду по Уголовному кодексу Российской Федерации 1996 г. // Юридическая практика: Информационный бюллетень Центра права специального юридического факультета СПбГУ. – 1996. – №4(7). – С. 72-73.
2. Пашаев Г.Ш. Проблемы уголовно-правовой борьбы с контрабандой в Азербайджанской Республике: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Баку, 1998. – С.6.
3. Уголовное право России: Учебник / Под ред. А.И.Игнатова, Ю.А.Красикова. – М., 1998. – С. 1.
4. Пашаев Г.Ш. Проблемы уголовно-правовой борьбы с контрабандой в Азербайджанской Республике: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Баку, 1998. – С.6.
5. Курс уголовного права. Общая часть. Т.1: Учение о преступлении: Учебник для вузов / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой, И.М.Тяжковой. – М., 1999. – С. 308; Галиакбаров Р.Р. Уголовное право. Общая часть: Учебник. Краснодар, 1999. – С. 152.
6. Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб., 2002. – С. 77.
7. Розумань И.В. Проблемы применения уголовного законодательства об ответственности за контрабанду: (По материалам судебной практики Сибирского федерального округа) Сибирская академия государственной службы при Президенте Российской Федерации, 2005.
8. Рогатых Л.Ф. Уголовно наказуемая контрабанда. – СПб., 2005. – С.94.
9. Джумабекова Б.Н. Современные проблемы контрабанды // Вестник КРСУ. – 2009. – Т.9 (№1). – С.27.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4079-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 07/18/4079/2482-сон.
11. Жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2021 йил 20 апрелдаги 1-1207-2101/8-сонли жиноят иши.
12. Ахмедов У.А. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг субъектив белгилари // Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – № 2. – Б.678-679.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА СУД МУҲОКАМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақола вояга етмаганлар жиноят ишларини юритишнинг ўзига хос жиҳатларига бағишланган. Хусусан, вояга етмаган судланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг қўшимча кафолатларини таъминлашнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: вояга етмаган судланувчи, қонуний вакил, икки вакиллик асосида ҳимоя ҳуқуқи, муомалага лаёқатлилиқ, педагог, психолог.

АННОТАЦИЯ:

Данная статья посвящена особенностям деятельности подсудимого при производстве по уголовным делам несовершеннолетних. В частности, анализируются основные аспекты предоставления дополнительных гарантий защиты прав и свобод несовершеннолетнего обвиняемого.

Ключевые слова: несовершеннолетний истец, законный представитель, право на защиту по двум представительством, дееспособность, педагог, психолог.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда, шу жумладан жиноят-процессуал қонун меъёрларини янада такомиллаштиришда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини янада кучайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ижтимоий ҳолати (физиологик, психологик етук эмаслиги, уларда билим ва ҳаёт тажрибасининг камлиги каби шахсий хусусиятларининг мавжудлиги) уларга нисбатан жиноят-процессуал муносабатларни амалга ошириш, иш якуни бўйича қарор қабул қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқшунос олим С.Саҳаддиновга кўра вояга етмаганлар ҳақидаги жиноят ишларини юритишнинг ўзига хослиги жиноят процессида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча процессуал кафолатлари ўрнатилганлиги билан белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, процессуал нормаларда келтирилган талабларни амалга оширишда суд муҳокама-си муҳим ўрин эгаллайди. Жиноят ишлари бўйича суд муҳокама-си судга қадар бажарилган барча ҳаракатлар натижаси бўйича якуний ҳулоса қилувчи, шунингдек, суриштирув, дастлабки терговда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартаф этиш ёки уларни тўлдириш имконини берувчи асосий босқич ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича процессуал муносабатларни амалга ошириш тартиби катта ёшдагиларнинг жиноят ишларини судда кўришдан фарқ қилади. Чунки, жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш ўзига хос тавсифга эга ва унда шахсининг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳисобга олинган бўлиб, жиноят иши юритувининг умумий қоидалари билан бирга жиноят-процессуал қонунчилигининг махсус нормаларига асосланадиган иш юритишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Шу сабабли, ЖПКда мазкур тоифадаги ишларни юритишга оид нормалар

алоҳида бобда (60-бобда) акс эттирилган ва унда бу тоифадаги ишларни кўриб чиқишнинг муҳим жиҳатлари белгиланган бўлиб унда вояга етмаган судланувчининг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг қўшимча кафолатларини назарда тутадиган меъёрлар акс эттирилади.

Хусусан, амалдаги қонунчилигимизга биноан вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокама-сида ЖПКнинг 82, 83, 84-моддаларида белгиланган ҳолатлар исботланиши керак. ЖПКнинг 82-моддасига биноан ҳукм чиқариш учун: 1) жиноят объекти, жиноят оқибатида етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш; 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги; 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари; 5) айбланувчи ёки судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар аниқланиши шарт. Бундан ташқари, ЖПКнинг 548-моддасига кўра бу тоифадаги ишларни кўришда - вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни); вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати; унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари; катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги каби бир қатор ҳолатлар ҳам аниқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс вояга етмаган ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқий-ҳужжатларда ҳам айнан шу ёш вояга етмаганлик мезони сифатида тан олинган.

Шу билан бирга, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларимизда “вояга етмаган гумон қилувчи, айбланувчи ёки судланувчи” тушунчалари

ўн тўрт ёшга тўлган бироқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни назарда тутати.

Юридик адабиётларда эса “шахснинг вояга етмаганлик” тушунчасига шахс шаклланишининг мураккаб даври сифатида таъриф берилган бўлиб, киши характерида атроф-муҳитнинг фаол таъсир қилиши билан изоҳланади.

Шу сабабли ЖПКда вояга етмаган судланувчининг туғилган санаси билан биргаликда унинг шахсига хос бўлган хусусиятларини, соғлиғини, турмуш ва тарбияланиш шароитларини, унинг жиноят содир қилишида катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш заруратини белгилаб қўйилган.

Бироқ, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида “вояга етмаганнинг шахсига хос бўлган хусусиятлари” қайси ҳолатлар билан белгиланиши кўрсатилмаган бўлсада, кўпчилик олимлар ушбу тушунча шахснинг руҳий (психологик) ривожланиши билан алоқадор эканлиги ҳақида фикрларни билдиради.

Маълумки, инсон улғайиб борар экан у ўзини ўраб турган муҳитда ўрнини топишга, мустақил қарорлар қабул қилишга интилади ва шу сабабли у ташқи таъсирларга тез ва осон берилувчан бўлади. Улар, айниқса “ўтиш” ёшида ўзини кўрсатгиси, қобилиятини намоён этгиси келади.

Аксарият ҳолларда вояга етмаганлар бошқа шахсларнинг, хусусан катта ёшдаги далолатчиларнинг иштирокида жиноят содир қилганлигини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, вояга етмаганларнинг шахс сифатида шаклланишида уларнинг ота-оналаридан бири билан яшамаслиги, оиласидагилардан кимдир спиртли ичимликларга ружу қўйганлиги, оғир турмуш шароитида яшаши каби ҳолатларнинг салбий таъсирларини ҳам кузатиш мумкин.

Вояга етмаган шахслар ўз ҳиссиётларини жинсовлай олмаслиги, вазиятни тўғри баҳолаб билмаслиги сабабли, уларда кўпинча оиласининг юқори бўлмаган ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қаноат қилмаслик, ўзлари хоҳлаган буюм ва нарсаларга эга бўла олмаслиги каби туйғулар пайдо бўлиши оқибатда улар ўз хоҳиш-истакларига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди ва жиноят содир қилиш йўлига ўтади.

Шу ўринда, ҳуқуқшунос У.Холиқуловнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “шахс – муҳитнинг, ижтимоий тарихий шароитларнинг маҳсулидир. Унинг руҳий ривожланиши моддий ва руҳий омиллар таъсири остида содир бўлади”.

Умуман олганда, вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг индивидуал психологик етук эмаслиги, унда айрим хусусиятларнинг шаклланимаганлиги, шунингдек, ташқи таъсирлардан ҳимояланмаганлиги каби ёши билан боғлиқ шахсий хусусиятлари “шахснинг процессуал лаёқатлилиги” тушунчаси доирасида таҳлил қилиниб, бу ҳуқуқ назариясидаги баҳсли ва долзарб масалалардан биридир.

Бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар жиноят содир қилган вояга етмаган шахснинг жиноят-процессуал лаёқати қисман чекланганлигини эътироф этишса, бошқа бир гуруҳ ҳуқуқшунослар вояга етмаган шахсни ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қилиш имкониятига эга эмас деб ҳисоблайди. Шу сабабдан улар вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини жиноят-процессуал лаёқатга эга эмас деб изоҳлайди. Учинчи гуруҳ ҳуқуқшунослар аксинча, жиноят субъекти ҳисобланган шахс, вояга етмаган бўлса ҳам бир вақтнинг ўзида жиноят процессининг субъекти бўлиши лозим, чунки улар белгиланган процессуал ҳуқуқларни тасарруф қилишга, мажбуриятларни бажаришга лаёқатли эканлиги ҳақида фикрларни билдирган.

Жумладан, Н.Рамазонованинг фикрича “вояга етмаганнинг ўзига хос физиологик ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, улар ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини ва натижаларини тўлиқ даражада англаб етмайди”. Бироқ, вояга етмаганнинг ижтимоий ҳолати унинг процессуал ҳуқуқ лаёқатини чеклашга асос бўлмайди, чунки у саломатлиги нуқтаи назаридан ўз хатти-ҳаракатларини тўла тушуниб, англай олиш имкониятига эга ҳисобланади.

ЖПК 549-моддасига асосан ишга жалб қилинган вояга етмаган шахснинг қонуний вакили гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳуқуқий ҳимояси ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишига, унинг процессуал мажбуриятларини бажаришига ёрдам бериш мақсадида жалб қилинади. Бордию қонуний вакил ва гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг қонуний манфаатлари мос келмаса, у гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи талаби билан ишда иштирок этишдан четлаштирилади. Ушбу қонун талабларидан кўринадики, вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг процессуал ҳуқуқлари ўзи томонидан амалга оширилади ва мажбуриятлари бажарилади.

Ҳуқуқшунос олим Л.Б.Обидина вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг процессуал лаёқатсизлигини қуйидагича изоҳлайди: “шахсни жиноят ишига жалб қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганидан сўнг унга нисбатан жиноят-процессуал нормаларни қўллаш ваколати юзага келади. Бунда, вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг процессуал лаёқатсизлиги инobatга олиниб, ишда педагог ва психологнинг жалб қилиниши талаб этилади”.

Ҳуқуқ назарияси ва амалиётига кўра бу тоифадаги ишлар бўйича педагог ёки психолог вояга етмаганни сўроқ қилиш жараёнига жалб қилинади. Ушбу тартиб жиноят-процессуал қонунчилигимиз билан ҳам белгиланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вояга етмаган судланувчи сўроқдан ташқари бошқа процессуал ҳаракатларда ҳам иштирок этади. Шунга кўра “педагог ва психологнинг судланувчини сўроқ қилишда жалб қилиниши унинг муомалага лаёқатли-

лиги чекланганлиги сабабли”,- деган фикрлар билан кўшилиб бўлмайди.

Шунингдек, С.А.Лугацова “жиноий жавобгарлик ёшига етган шахс ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ва жиноят субъекти бўлиш билан бирга бир вақтинг ўзида жиноят-процессуал муносабатларнинг ҳам субъекти ҳисобланади. Жиноят субъекти бевосита жиноят процессининг субъектига таъсир қилади. Процессуал муомалага лаёқатли бўлган субъектлар доираси жиноят субъекти доирасига нисбатан кенгрок бўлмайди” деб мушоҳада қилган.

Юридик манбаларга кўра П.В.Полосков ҳам жиноий жавобгарлик ёшига етган, яъни жиноят-ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахс худди шундай жиноят-процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга деб ҳисоблайди. Лекин, суд-тергов жараёнида вояга етмаган судланувчининг белгиланган ҳуқуқларини ҳамда мажбуриятларини бажаришида унинг қонуний вакили, педагог ёки психологнинг кўмагига муҳтожлиги билан боғлиқ шахсий хусусиятларининг мавжудлигини инobatга олиб П.В.Полосков ва С.А.Лугацоваларнинг юқоридаги фикрларини қўллаб бўлмайди.

Шунингдек, айрим ҳуқуқшунослар жиноят-процессуал “лаёқатлилик” тушунчасини шахс суд-тергов давомида иштирок этаётганлигини англаши, жиноят-процессуал ёки бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни бажариши давомида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга эканлиги билан ҳам изоҳлайди.

Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитаси 2003 йил 24 сентябрдаги Европа иттифоқи аъзо-давлатларига “Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликка янгича ёндашувлар ҳамда мазкур ишларда одил судловнинг аҳамияти”га бағишланган 20-сонли Тавсияномаларида “вояга етмаганлик” бу – жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс деб тушунтириш берган.

Ушбу масалани, ҳуқуқ ўхшашлиги асосида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 36-моддасида суд маъмурий суд ишларини кўришда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ўзини иштирок этишга жалб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Худди шу каби нормалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 42-моддасида ҳам назарда тутилган. Унга кўра ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқаролар суд ишларини кўришда шахсан иштирок этишга ҳақли.

Ушбу нормалар ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга нисбатан суд ишларини юритишда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга лаёқатли эканлигини кўрсатади.

Юқоридагиларга ҳавола қилган ҳолда вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари, хусусан уларнинг ички ва ташқи таъсирлардан ҳимояланмаганлиги атрофидагилар билан низоли ҳолатларга, шунингдек катталар томонидан уларнинг ҳуқуқлари бузилишига

олиб келиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Бу эса вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга лаёқатсизлигидан далолат беради ва шу сабабли унга нисбатан қўшимча процессуал кафолатларни қўллашни талаб этади.

Демак, айнан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ёши билан боғлиқ ижтимоий-психологик хусусиятлари уларга нисбатан бўлган жиноят ишларининг алоҳида тартибда юритилишини шарт қилиб қўяди.

Шахло ХАМРАЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Обидина Л.Б., Обеспечение прав несовершеннолетнего обвиняемого на предварительном следствии. Дис. ...канд.юрид.наук. М., 1983. - С. 18. <http://Lawlibrary.ru>.
2. Минина.С.П. Преступность несовершеннолетних. СПб., 1998. - С. 8-9. diss.rsl.ru.
3. Мартыненко СБ. Представительство несовершеннолетних на досудебных стадиях уголовного процесса: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. СПб., 2000. - С. 15.
4. Луговцова С.А., Особенности судебного разбирательства уголовных дел в отношении несовершеннолетних обвиняемых: Дис. ... канд. юрид. наук. Санкт-Петербург, 2004. - С. 17.
5. Холикулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. Юр. фан.ном – Тошкент, 2006 –Б 26.
6. Когамов М.Ч., Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Республики Казахстан. Общая и Особенная части. – Алматы: Жети жаргы, 2008.- С. 534.
7. Ганибаева. Ш.К. Ўзбекистон Республикасида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга оширилишининг халқар-ҳуқуқий масалалари (назария ва амалиёт муаммолари): Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 2009 – Б 27.
8. Рахмонова.С.М., Рассмотрение уголовного дела в суде первой инстанции. Учебное пособие.Ташкент – 2010. –С.24.
9. С.М.Сахаддинов. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари/ Монография. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2012. – Б.58.
10. С.М.Сахаддинов. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари/ Монография. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2012. – Б 66.
11. Марковичева Е.В., Эволюция производства по уголовным делам в отношении несовершеннолетних: от Устава уголовного Судопроизводства до Уголовно-процессуального кодекса РФ. Журнал// Актуальные проблемы российского права.2014.№7 (44) июль. – С 1434.
12. Сахаддинов С., “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар”. Мухсус қисм. - “Янги аср авлоди”, 2014. –Б.390.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни. 3-моддаси.
14. Сувоқулов С., Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. <https://nor.uz>.
15. Рамазонова.Н.А., Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти: дис...ф.д-Т., 2019. – Б 27.
16. Рамазонова.Н.А., Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти: дис...ф.д-Т., 2019. – Б 29.
17. <https://cyberleninka.ru/article/n/deesposobnost-nesovershennoletnego-poterpevshego-v-ugolovnom-protseesse>.
18. Рамазонова.Н.А., Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти: дис...ф.д-Т., 2019. – Б 25.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30.07.2020 йилда одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳофазасига бағишланган йиғилиш. электрон манба. Қаралган вақти: 24.07.2023 й. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/30/justice>.
20. Council of Europe Recommendation Rec (2003)20 concerning new ways of dealing with juvenile delinquency and the role of juvenile justice. <http://Archive.crin.org.11.02.2023>.

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тушунчаси, мурожаатлар институтига доир тарихий манбалар, мурожаат қилиш ҳуқуқи таърифи, ушбу масала юзасидан хорижий ва мамлакатимиз олимларининг фикрлари таҳлили ҳамда мавзу юзасидан муаллиф хулосаси ўз аксини топган.

Калит сўзлар: мурожаатлар, мурожаатлар институти, мурожаат қилиш ҳуқуқи, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари.

АННОТАЦИЯ:

в этой статье отражены понятие обращений физических и юридических лиц, исторические источники косаемо института обращений, описание права обращения, анализ мнений зарубежных и отечественных ученых по данному вопросу, а также авторское заключение по теме.

Ключевые слова: обращения, институт обращений, право обращения, обращения физических и юридических лиц.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи тарихий-ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният пайдо бўлган вақтдан бошлаб кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиши ва амалга ошириши, давлат билан халқ ўртасида ўзаро муносабатни мустаҳкамлаш, бошқарувни такомиллаштириш, ҳукмдорлар фармонлари ижросини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, мулозимларнинг лавозимиغا масъулият билан ёндашишини аниқлашда муҳим восита сифатида хизмат қилган. Масалан, жамият тамаддунига улкан ҳисса қўшган Александр Македонскийнинг (мил.авв. 359-336 йй.) отаси Филиппнинг айш бобидаги саргузаштлари, хотин устига хотин олишлари шоҳ оиласидаги жанжалларнинг ташқарига ҳатлаб чиқишига ва давлатдаги вазиятга таъсир кўрсатишига, ўзаро низолар ва турли шикоятларнинг кучайиб кетишига олиб келганлиги ҳолати ўша вақтда ҳам мурожаатларнинг аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Салжуқийлар салтанатида Бош вазир лавозимида 30 йил фаолият кўрсатган Низомулмулк (1017-1092 йй.) ўзининг “Сиёсатнома” асарида мурожаатларни қабул қилиш, уларни адолатли ҳал этиш, ўз вақтида жавоб йўллаш, мурожаат билан келувчиларни қабул қилишни имкон қадар кўпайтириш, уларнинг қабулини юқори савияда ташкил этиш мамлакатни мустаҳкамлаш, интизомли ва барқарор давлат барпо қилиш, аҳоли билан давлат ўртасидаги муносабатни яқинлаштириш, суиистеъмоликларга қарши курашиш ва адолатли ҳокимиятни шакллантиришда ниҳоятда катта ўрин эгаллашини уқтирган. Хусусан, у мазкур асарида шундай дейди: “Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим. Агарда худованд подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшита-

ди ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар оқибатини ўйлаб, кўрқиб бедодлик қилмайдилар”, дея таъкидлайди.

Машхур араб сайёҳи Ибн Баттута ўзининг “Саёҳатнома” асарида ёзишича, мўғуллар ҳукмронлиги (1220-1370) даврида Хоразмда амирлик қилган Қутлудумур бошқарувида шикоятларни қабул қилишнинг ўзига хос хусусияти намоён бўлган. Асар муаллифининг таъкидлашича шикоятчиларни қабул қилиш учун алоҳида хона ташкил этилган бўлиб, ҳар куни қабул амалга оширилган. Унга кўра “Хонада қози, бош амирлардан бири, саккиз нафар катта турк амирлари ҳамда “ёзғувчи” деб аталадиган шайхлар жойлашган. Одамлар шу мансабдорларга ўз шикоятларини айтишади. Агар иш шариятга оид бўлса қози, бошқа ишларга оидларини эса мана шу амирлар ҳал қилиб беради. Қози билан амирларнинг қарорлари аниқ ва адолатли бўлади”.

Демак, мурожаат қилиш ҳуқуқи институти кишилик жамиятининг барча даврларида (уруғ—қабилла—давлат—империя) сиёсий тузилмалар фаолияти бошқарувининг ажралмас қисми сифатида муҳим аҳамият касб этган.

Шу ўринда, “мурожаат”, “мурожаат қилмоқ”, “мурожаатнома”, “мурожаат қилиш ҳуқуқи” каби тушунчаларга изоҳ бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, “мурожаат” сўзи араб тилидан олинган бўлиб “бирор нарса сўраш” тушунчасини англатиб, бировга қарата айтилган гап, қилинган даъват, чақириқ маъносини ифодалайди. “Мурожаат қилмоқ” бирор иш, илтимос, чақириқ билан бировга қарата оғзаки ёки ёзма сўз айтмоқ, маълумот олиш учун қарамоқ деган тушунчани англатади. “Мурожаатнома” — ёзма мурожаат, мурожаат хати каби маъноларда қўлланилади ва бу тушунчалар мурожаатлар институти асосини ташкил этади.

Аслида, мурожаатлар институти доираси кенг бўлиб, мурожаат қилиш ҳуқуқи унинг таркибий қисмларидан биридир. Ўз навбатида, мурожаатларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи тоифа — мурожаатнома (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси), ташаккурнома, табрикнома, таклифнома, фикр-мулоҳазалар ва бошқалар киради. Бундай мурожаатлар ҳисобот, миннатдорчилик, рағбатлантириш, таклиф қилиш, ўзаро мулоқотлар шаклида амалга оширилиб кўпинча бир томонлама кўринишда намоён бўлади, муаллифга масъулият юкланмайди, ундан у ёки бу масала юзасидан аниқ қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

Иккинчи тоифа — жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидан иборат бўлади ва бу мурожаатларга конституциявий тус берилиб, мазкур соҳага доир ижтимоий муносабатлар қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бунда бир тарафга, яъни давлат ҳокимият органларига масъулият юкланади, шунингдек мурожаат қилувчи ва уни кўриб чиқадиган органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб кўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатларни кўриб чиқиш шартлиги тўғрисида қоида мустаҳкамлаб кўйилган.

Тадқиқот предмети жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқ мурожаатлар институтининг муҳим унсури ва асосий ўзагини ташкил этади. Бугунги кунда “муурожаат қилиш ҳуқуқи” тушунчаси тўғрисида умум эътироф этилган аниқ таърифлар мавжуд бўлмаса-да, бу соҳага доир масалалар билан шуғулланувчи ҳуқуқшунос олимлар орасида турлича назарий-ҳуқуқий фикрлар илгари сурилган.

Масалан, ҳуқуқшунос олимлар Е.И.Козлова ва О.Е.Кутафинлар таърифича, “Мурожаат қилиш

ҳуқуқи мурожаат билан исталган орган ёки мансабдор шахсга, ҳатто, президентга ҳам илтимос, шикоят ва таклиф билан мурожаат қилиш имкониятини беради ҳамда мансабдор шахснинг бундай мурожаатга жавоб бериш мажбуриятини мустаҳкамлаб қўяди. Мурожаат шахсий ва ижтимоий масалаларни қамраб олади”.

И.Лапина ва С.Соусларнинг фикрича, “муурожаат қилиш ҳуқуқи – универсал ҳуқуқий категория бўлиб, урта асосий функцияни бажаради.

Биринчидан, мурожаатлар фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситасидир;

иккинчидан, давлат бошқарувида иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, халқ ҳокимиятчилиги ва демократияни ифода этиш шакллари билан бирдир;

учинчидан, мурожаатлар, бу – алоқа воситаси бўлиб давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган қарорларга нисбатан халқ ва аҳолининг муносабати ифодасидир”.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан С.Юсуповнинг фикрича, “муурожаат қилиш ҳуқуқи – жисмоний ва юридик шахснинг муайян эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида юридик нормалар билан тартибга солинган, муайян тартиб ва шаклда амалга оширадиган ҳаракат ва операциялар кўринишида объект намоён бўладиган онгли, иродали фаоллигидир”.

Тадқиқотчи Х.Жамолдиновнинг таърифича, “жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари — бу давлат органлари, муассасалари, мансабдор шахслар ҳамда халқ вакилларига жисмоний ва юридик шахсларнинг тўғридан-тўғри ёки вакиллари орқали ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, тиклаш, ҳимоя қилиш, шунингдек давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш мақсадида яқка тартибда ёки жамоа бўлиб, ёзма, оғзаки, электрон ёки видео (аудио) мурожаат шаклида ариза, таклиф, шикоят орқали ифодаланган ҳамда қонун ҳужжатларида белги-ланган талабларга мос келадиган ариза, шикоят ва таклифлардир”.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, муаллифлик ёндашувни қўллаган ҳолда ушбу масала юзасидан ўз нуқтаи назаримизни қуйидагича ифода эта-миз: мурожаат қилиш ҳуқуқи – ўз мазмунига кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни қамраб олган мурожаатларини ифода этишидир.

Ўзбекистоннинг янги таҳриридаги Асосий қонунининг 40-моддасида “Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки

*Баъзан ортин-
га қараб қўй:
тунда қаер-
дан келганини
унутмайсан.*

Шамс Табризий.

халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”, деган қонуннинг акс эттирилиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқи энг олий кадрлардан бири эканлигидан далолат беради.

Бу ҳуқуқ, биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини талаб қилиш ва рўёбга чиқаришга хизмат қилади, иккинчидан, бу ҳуқуқларнинг амалга ошиши учун давлат органларига масъулият ва мажбурият юклайди, учинчидан, мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Шуни қайд этиш лозимки, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Масалан, маъмурий органларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар, агар уларни кўриб чиқиш қонун билан бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 184-моддаси талабига кўра, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга доир мурожаатлар “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг аҳамиятли томони шундаки, у ҳар қандай мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бўлишида муҳим воситадир. Ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ваколатли давлат органларининг судга мурожаат қилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Гарчанд, Конституцияда мурожаат қилиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлар қаторига киритилган бўлса-да, ўз моҳиятига кўра, у нафақат сиёсий, балки шахсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва экологик ҳуқуқларни амалга оширишда муҳим хусусият ҳам касб этади.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи том маънода, сиёсий ҳуқуқнинг муҳим элементи сифатида демократия мезонини баҳолаш билан бир қаторда давлатнинг табиатини аниқлаб берувчи омил сифатида ҳуқуқий

жамиятнинг ажралмас атрибути ҳисобланади. Бу ҳуқуқнинг моҳияти шундаки, амалдаги қонунчилик ваколатли давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, таклиф ва шикоятларининг кўриб чиқилиши рад этилишига йўл қўймайди.

Мухтасар айтганда, кишилик жамияти ривожлана борган сари, яъни уруғ, қабила, давлат, империялар фаолиятида мурожаатлар институти янада ривожланиб ва такомиллашиб борган. Бугунга келиб, бу институтнинг таркибий қисмини ташкил этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг ривожланишини ҳар томонлама кафолатлайдиган давлатни том маънода, эркин ва адолатли жамият дея айта оламиз.

Содиқ ЮЛДАШОВ,

*Жамоат хавфсизлиги университети
профессори.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Низомулмулк. “Сиёсатнома”, ёки “Сияр ул-мулк”.-Тошкент: Адолат. 1997. –Б .20, 122, 229-230.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 56-модда.
3. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп лугат. –Тошкент: “ШАРҚ” нашриёти. 1998. –Б. 297.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Иккинчи жилд.–Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. –Б. 645.
5. Козлова Е.И. Конституционное права России // учебник. –М.: ТК Велби, “Проспект”, 2006. –С.608.
6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т.: “Адолат” нашриёти. 2009. –Б. 352.
7. Ибн Баттута.Саёхатнома. –Тошкент: “SHARQ” Нашриёти, 2012. –Б. 361-362.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда.
10. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. –Т.: “Адолат” нашриёти, 2015. –Б. 3.
11. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 37-сон, 977-модда.
12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон.
13. Юсупов С.Б. Давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилиб-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Дис...юрид. фан. фал.док. (PhD).–Тошкент:ТДҶОИ,2019. –Б. 31.
14. Плутарх. Сайланма. –Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2020. –Б.18.
15. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017, 2018, 2019. –Б. 14.
16. Жамолдинов Х.Б. Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш:Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс...автореф.— Т.:2023. –Б. 18.
17. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
18. QMMB 09/23/302/0508-сон, 21.07.2023-у.
19. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.03.2023 й., 07/23/101/0175-сон.
20. Лапина И., Соусь С. Как сделать работу с обращениями граждан более эффективной? Новые решения для государственного управления// www.biport.sympla.belarus.

ҚАЛБИ ҚАТТИҚ САВДОГАР

Қалбининг қаттиқлиги билан машҳур бўлган савдогар бор эди. У ҳар йили бир қулни сотиб олар, бир йил оғир ишларни қилдириб, сўнг ундан қутилар эди.

Лекин....

Қутилиш, қулларни бошқа бировга бериб, сотиб ё озод қилиш йўли орқали бўлмасди.

Аксинча, итларига ем қиларди. У қулни итларга едирганда ҳам ваҳшийларча иш тунтарди. Кунлаб итларни оч қолдириб, сўнг уларни қўйиб юборарди.

Тожир бу йўл билан йил давомида унинг сир-асрорларига воқиф бўлган қулнинг сирини ўзгаларга ошкор қилишини истамас, шунинг учун шундай йўл тунтарди.

Одатига кўра у яна янги қул сотиб олмоқчи бўлди. Қуллар тожири заковатли бир қулни тақдим этди.

Уни сотиб олди... Бир йил у чиройли хизмат қилди.. Лекин, азобли ўлим унга ҳам яқинлашиб келарди.

Савдогар бу аламли лаҳзаларни кўриб лаззатланарди. Қувончига шерик бўлишлари учун бир неча улфатларини ҳам чақиршни унутмасди.

Унинг одати, бечора қулни едиришдан бир неча кун олдин, итларни роса оч қолдирарди. Шунда қонли олишув ҳам даҳшатли тус оларди.

У қулнинг олдига итлар галасини қўйиб юборди. Лекин... ҳолат уни таажжубга солди.

Улар қулнинг атрофида думини ликиллатиб, эркаланиб айлана бошлашди. Озгинадан кейин ўйнаб-ўйнаб унинг олдида ухлаб қолишди.

Бой бу манзарадан ҳайратга тушди. Чунки унинг итлари очофат, ваҳший эди. Қандай қилиб бундай меҳрибон, вафодор бўлиб қолишганига ақли етмасди. Қулдан сабабини сўради. У:

– мен сизга тўла бир йил чиройли хизмат қилдим. Сиз бунинг эвазига мени оч итларга едирмоқчи бўлдингиз. Атиги, охириги икки ой ичида итларингизга ҳам меҳр билан хизмат қилдим. Оч бўлсалар ҳам, уларнинг вафосини ўзингиз кўрдингиз... – деди.

Яхшиликни инкор қилиш аслида башарият учун қийин иш. Лекин, баъзиларнинг шу даражада қалблари қотиб кетганки, уларга зарари етмаганлар тугул, яхшилик қилиб, доим қалбларини очганларга ҳам заррача раҳмлари келмайди.

Фитрати соғлом инсоннинг маънавияти ҳам соғлом бўлади. Унга қилинган яхшиликни ортиғи билан, гўзал тарзда қайтаришга ҳаракат қилади.



ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада муаллиф одил судловга эришиш ҳуқуқи, унинг моҳияти, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан конституцияда белгилаб берилган суд ҳимояси орқали ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишда замонавий ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва унинг суд тизимида қўлланилишининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтган. Шунингдек, суд тизимида бюрократик тўсиқлар ва уни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: одил судловга эришиш, суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи, суд ҳокимияти, бюрократлаштириш, рақамлаштириш, электрон рақамли имзо.

Ҳар бир инсоннинг суд орқали ҳимояланиши унинг фундаментал ҳуқуқи бўлиб халқаро ҳам-жамият томонидан белгилаб берилган қатор халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсон конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга эканлиги, “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактга биноан барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенглиги, ҳар бир киши ўзига қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллиги каби қоидалар белгиланган.

Мамлакатимизда ҳам юртдошларимизнинг одил судловга эришиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ўз аксини топган.

Шу ўринда одил судловга эришиш тушунчасига аниқлик киритиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Ҳўш, одил судловга эришиш дейилганда нима тушунилади? У нималарда акс этади ёки ўзида нималарни мужассам этиши лозим? Аксарият адабиётларда одил судловга эришилиши жамиятда демократик ва ҳуқуқий тамойиллар ривожланиш даражасининг ўзига хос кўрсаткичи эканлиги таъкидланади. Бу тушунчага нисбатан турли қарашлар мавжуд. Цивилистик олимлар, хусусан Дебора Л.Роднинг фикрича одил судловга эришиш бу - шахсларнинг ижтимоий ва иқтисодий келиб чиқишидан қатъий назар мавжуд ҳуқуқий тизимда ҳаракатланиши ва муаммоларига ечим топиши учун зарурий манбаалар, воситалар ва имкониятларнинг тақдим этилишидир. Одил судловга эришишга даставвал давлатнинг ҳимояси остида инсонларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, муаммоларини ҳал қила олишлари мумкин бўлган тизим сифатида қаралган.

Хейзел Г.Генн эса, одил судловга эришиш шахсларнинг ҳуқуқий муаммолари бирор бир тўсиқ ва чекловларсиз адолатли ва самарали суд қарорларини олиш лаёқатига, имкониятига эга бўлиши эканлигини таъкидлайди. Маурисио Гарсиа-Вильегас юқоридаги фикрларни тасдиқлар экан, ушбу имкониятлар айниқса жамият аҳолисининг кам таъминланган қатламига тақдим қилиниши лозимлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. В.М. Жуйков ўз навбатида суд ҳимоясига нисбатан бўлган ҳуқуқ тушунчасини одил судловга эришиш ҳуқуқи билан тенглаштиради.

И.Б. Михайлов одил судловга эришиш нафақат судга мурожаат қилиш жараёнининг ҳуқуқий тартибга солиш хусусияти, ишни кўриб чиқишнинг бутун бир босқичи ва суд орқали ҳимояланишга нисбатан ҳуқуқлардан фойдаланишнинг реал имкониятларига таъсир этиши мумкин бўлган ташкилий-техник омиллар билан ҳам белгиланишини айтади.

Юқорида келтирилган таърифлар одил судловга эришиш бу - мавжуд тўсиқларни енгишнинг муҳим эканлигига урғу берган ҳолда инсонларга ўз ҳуқуқий муаммоларига ечим топишлари учун тенг имкониятларни яратиш, деган аниқ бир тушунчани шакллантиради.

Ўзбекистон қонунчилигида одил судловга эришиш дейилганда авваломбор қуйидагиларни кафолатловчи меъёр ва тамойиллар назарда тутилади:

- *бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи;*

- *муайян ишнинг ваколати доирасида қонун тегишли ва тааллуқли бўлган суд томонидан ўриштирилган бўлган ҳуқуқ;*

- *малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи;*

- *судда ишни кўриш тартиби ва муддатларнинг процессуал қонунчилик билан белгилаб берилиши.*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ифодаланган ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳара-

катсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳамда ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланиши тўғрисидаги норманинг мавжудлиги одил судловга эришишда барча учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизга кўра, одил судловга эришиш авваламбор суд органларига мурожаат қилиш ва бу мурожаатларнинг суд томонидан кўриб чиқилиши имкониятининг мавжудлигини англатади. Жумладан, даъво кўзғатиш, малакали юридик ёрдам олиш, судда вакил бўлиш ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, суд харажатларини ундириш, судда таржимон хизматидан фойдаланиш ва суд қарорларини олиш одил судловга эришиш тамойилининг кафолатлари бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, мавжуд тушунчага нисбатан олимларнинг қарашлари турли-туман бўлишига қарамасдан, одил судловга эришиш, суд орқали ҳимояланиш ва одил судловга нисбатан ҳуқуқ тушунчалари бир хил мазмунга эга деган фикрни қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистонда суд тизими сифати фақатгина судьялар корпуси ва суд аппаратининг юксак даражада шаклланишига боғлиқ эмас. Бу борада олиб борилиши лозим бўлган йўналишлардан бири замонавий информацион технологияларни суд тизимига кенг жорий қилишдир. Шу сабабли суд органларида узоқ йиллар давомида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия ва Эстония каби кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янги ахборот тизими ва ресурслари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 сентябрдаги 4818-сонли қарорига кўра фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг судларга мурожаат қилиш институтини либераллаштириш, одил судловга эришиш даражасини ошириш, судлар фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашда замонавий илмфан ютуқларидан фойдаланишни рағбатлантириш устувор вазифа этиб белгиланди. Хусусан, судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, видеоконференцалоқа хизматларидан фойдаланган ҳолда суд мажлисларида иштирок этиш, ишларнинг судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланиши, суд қарорларининг интернет тармоғида эълон қилиниши, суд ижро варақаларини мажбурий ижро бюроларига электрон шаклда юбориш каби тизимлар жорий этилди.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар суд ҳокимиятининг

мустақиллигини, судлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш билан бир қаторда фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг ҳам кафолатланишини янада кучайтириш имкониятини берди.

“Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 16 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

Стратегия доирасида қуйидагилар одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари қаторида белгиланди:

- фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш;

- судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

- судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш;

- суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриш.

Шунингдек, унда одил судлов сифатини тубдан ошириш мақсадида юқори суд инстанцияларининг суд қарорларини қайта кўриш фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аҳоли учун тушунарли ва қулай, шунингдек, қуйи суд хатоларини ўз вақтида тўғирлашга кўмак берувчи механизмларни йўлга қўйиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда суд тизимини рақамлаштиришнинг қуйидаги босқичларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Электрон ишларни бошқариш тизимини жорий этиш. Мазкур босқич ҳужжатлар ва иш юритиш ҳужжатларини рақамлаштириш орқали ишларни кўриб чиқишни соддалаштириш, иш

самарадорлигини янада ошириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида суд жараёнлари иштирокчиларига интернет тармоғи орқали судларга мурожаат қилиш имконини берувчи ахборот тизимларини жорий этишни назарда тутди.

Юқоридагиларга асосан суд тизимида E-Sud тизими жорий қилиниб, ушбу тизим бир нечта асосий модулларни ўз ичига олди. <https://my.sud.uz/> модули фуқаролик ишлари бўйича судларга Интернет тармоғи орқали даъво (ариза) бериш имконини берди. Тизимга кириш ва ундан фойдаланиш учун фойдаланувчидан ҳам электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёки ID.UZ тизими орқали рўйхатдан ўтиши ва авторизациядан ўтиши талаб этилади.

2. Онлайн суд хизматлари. Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичи сифатида ҳар бир мурожаатнинг кўриб чиқиши жараёнини онлайн тарзда кузатиш имконини таъминлаш, суд биноларида интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланиш имкониятларини яратиш имконини таъминловчи судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш назарда тутилди. Ушбу босқич суддан фойдаланувчиларга арзон ва қулай хизматлар кўрсатиш учун онлайн суд хизматларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Электрон ариза бериш, суд йиғимларини онлайн тарзда тўлаш (<https://billing.sud.uz>), суд қарорлари ва иш маълумотлари билан танишиш, суд мажлислари вақтини белгилаш учун онлайн платформалар (<https://my.sud.uz/>) жорий этилди.

Қуйида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ хизматларини онлайн кўрсатиш бўйича амалга оширилган баъзи ташаббусларга тўхталиб ўтамыз:

Электрон ариза бериш: Электрон ариза беришнинг жорий этилиши томонларга суд ҳужжатларини электрон шаклда топшириш имконини берди, бу эса шахслар томонидан ортиқча овозгарчиликка йўл қўймасликка, жумладан, вақт ва маблағ тежалишига сабаб бўлди. Бу ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини соддалаштириб, қоғозбозликни қисқартиради ва ҳужжатларни қайта ишлаш имкониятини тезлаштиради.

Суд харажатларини онлайн тўлаш. Томонларнинг суд йиғимларини электрон шаклда тўлаши учун онлайн тўлов тизимлари жорий этилди (<https://billing.sud.uz>). Бу тўловларни шахсан тўлаш заруратини бартараф қилади, қулай ва хавфсиз пул ўтказмаларини таъминлайди.

Иш ҳақидаги маълумотларни олиш ва танишиш. Иш бўйича маълумотларга, жумладан иш ҳолати, суд қарорлари ва суд мажлислари жадвалига киришни таъминлаш учун онлайн платформалар ишлаб чиқилди. Жамоатчилик ушбу маълумотларни масофадан туриб олишлари мумкин, бу эса ҳам вақт ва маблағни тежашга ёрдам беради.

Электрон ҳужжат айланмаси. Ўзбекистонда суд ҳужжатлари ва баённомалари рақамлаштирилмоқда, электрон ҳужжат айланиш тизимларига ўтилмоқда. Бу суд ҳужжатларини самарали сақлаш, олиш ва алмашиш имконини беради, ҳужжатларнинг қоғоз шаклига қарамликни камайтиради.

Онлайн алоқа ва билдиришномалар. Судлар, томонлар ва адвокатлар ўртасидаги мулоқотни осонлаштириш учун онлайн платформалар ва алоқа каналлари яратилган. Бунга электрон шаклда билдиришномалар, янгиланишлар ва расмий хабарларни юбориш имконияти киради.

Виртуал суд мажлислари. Бошқа кўплаб давлатлар сингари, Ўзбекистон ҳам виртуал суд мажлисларига мезбонлик қилмоқда. Видеоконференцалоқа воситалари ва онлайн платформалар масофавий иштирок этишни таъминлаш ва суд залларида шахсан ҳозир бўлиш эҳтиёжини камайтириш учун ишлатилмоқда. Ушбу порталлар иш ҳақида маълумот олиш, ҳужжатларни топшириш, йиғим тўлаш ва суд билан алоқа қилиш ҳамда иштирокчиларга видео ва аудио улашишлар орқали бир нечта жойлардан суд мажлисларида иштирок этиш имконини беради. Бунга Ўзбекистондаги <https://my.sud.uz/> портални мисол қилиб келтириш мумкин.

3. Электрон имзони жорий этиш. Рақамли ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва хавфсизлигини ошириш мақсадида электрон имзоларни жорий этиш рақамлаштириш жараёнининг муҳим жиҳатига айланди. Унинг ҳуқуқий асоси сифатида “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ва “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилиниб, ушбу норматив-ҳуқуқий



ҳужжатлар Ўзбекистонда электрон имзони тан олиш ва ундан фойдаланишни тартибга солиш, электрон имзодан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш, уларнинг юридик кучи ва ижро этилиш тартибини белгилаб берди.

Сертификатлаштириш марказлари.

Электрон рақамли имзодан (ЭРИ) фойдаланиш фақат E-Imzo сертификати орқали амалга оширилади. Ўзбекистонда ЭРИ олишга рақамли сертификатлар бериш учун сертификатлаштириш марказлари ташкил этилган. Ушбу органлар жисмоний шахслар ёки ташкилотларнинг шахсини тасдиқлайди ва электрон имзоларни тегишли ташкилотларга боғлайдиган рақамли сертификатлар беради.

4. Суд порталларини ишлаб чиқиш.

Ҳуқуқий ахборот, суд қарорлари ва бошқа тегишли суд ресурсларидан фойдаланиш учун кенг қамровли онлайн платформалар яратиш мақсадида суд порталлари яратилди. Ушбу порталлар ошкораликни таъминлаш, тадқиқотларни осонлаштириш ва аҳолининг судлар тўғрисидаги маълумотларни олиш сифатини яхшилаш учун ишлаб чиқилди.

5. Суд муҳокамаларининг ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) билан интеграциялашуви. Рақамлаштириш жараёни АКТни суд жараёнларига интеграциялаштиришга қаратилган бўлиб, ушбу жараён суд мажлисларини ўтказиш, далилларни электрон кўринишда тақдим этиш ва тарафларнинг масофадан туриб иштирок этишлари учун суд залларини технологик инфратузилма билан жиҳозлашни назарда тутди.

Ушбу жараён ишларни бошқариш, ишнинг боришини кузатиш, суд мажлисларини режалаштириш ва судьялар, адвокатлар ва суд муҳокамасида иштирок этаётган бошқа томонлар ўртасидаги мулоқотни осонлаштиришга ёрдам беради.

Электрон ариза бериш. Томонларга ҳужжатлар ва аризаларни электрон шаклда топшириш имконини берувчи электрон тизимлар жорий этилди. Бу эса ўз навбатида ҳужжат айланишини қисқартириб, иш самарадорлигини янада оширади ва суд ҳужжатларига масофадан кириш имконини беради.

Виртуал суд заллари. Масофавий суд мажлислари ва суд жараёнлари учун виртуал суд заллари инфратузилмаси яратилди. Бу судьялар, адвокатлар, гувоҳлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг суд жараёнларида масофавий иштирок этишини таъминлаш учун видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Суд ҳужжатларига онлайн кириш. Суд ёзувлари ва иш маълумотларига киришни таъминлайдиган онлайн платформалар ёки порталлар ишлаб чиқилди (<https://publication.sud.uz/>). Бу ишда иштирок этаётган томонларга, шунинг-

дек, кенг жамоатчиликка иш ҳужжатлари билан танишиш, ишнинг ҳолатини кузатиш ва суд қарорлари билан танишиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, одил судловга эришишга Конституцияда белгилаб берилган суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқнинг кафолати сифатида қаралиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидалар орқали унга эришиш имкониятини таъминлаш (шикоят, ариза, суд қарорини ижро этиш ва бошқа ҳужжатларни ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш ва ҳал этиш) воситаси сифатида кўриб чиқилиши керак.

Адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш мумкин. Одил судловга эришиш ҳуқуқи демократик жамият ва қонун устуворлигининг белгиларидан биридир.

Суд тизимига рақамлаштиришни жорий этиш нафақат судьялар ва суд ходимлари фаолияти самарадорлигини, балки ишларни судда кўриш даражасини ошириш орқали қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган суд ишларининг ошкоралиги тамойилини амалда жорий этиш, ахборотнинг шаффофлиги, одил судловнинг очиқлиги ва ошкоралиги, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг унга бўлган ишончини янада ошириш имкониятини таъминлайди. Бу вазифаларни ҳал этиш бутун суд-ҳуқуқ тизимини рақамлаштириш ва бир вақтнинг ўзида тегишли ҳуқуқий базани яратиш билан электрон судловга ўтишни назарда тутди.

Сардор ТОШНИЁЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Paths to Justice: What People Do and Think About Going to Law”, Hart Publishing, UK ed, 384, 1999
2. Судебная власть / Под ред. И.Л. Петрухина. М.: ООО “ТК Велби”. 2003. С.47-48.
3. Deborah Rhode, Access to Justice: Connecting Principles to Practice, 17 GEO. J. LEGAL ETHICS 369, 372 (2004).
4. The Hague Inst. for Innovation of Law, trend report/part 1: Towards basic justice care for everyone 5, 8, 17 (2012) [hereinafter hiil]; The comm’n on legal empowerment of the poor & united nations dev. program [undp], 2 making the law work for everyone 25–27, 42–53 (2008) [hereinafter comm’n on legal empowerment]; undp, programming for justice: access for all 60–100 (2005) [hereinafter undp 2005]
5. Maria Federica Moscati, The role of transitional justice and access to justice in conflict resolution and democratic Advancement 9 (2015), http://www.democraticprogress.org/wpcontent/uploads/2015/06/Moscati_transitionaljustice-Proof.pdf (last visited Oct. 4, 2018).
6. The Geography of Justice: Assessing Local Justice in Colombia’s Post-Conflict Phase, Mauricio García-Villegas, <https://stabilityjournal.org/articles/10.5334/sta.gc>
7. <https://lex.uz/docs/4979896>

ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ЖАРАЁНИДА СУД ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада ҳуқуқшунос олимларнинг суд органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилишига оид қарашлари назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларининг таҳлили асосида судларнинг ҳуқуқий мониторингда иштироки билан боғлиқ вазиятлар бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ижро этувчи органлар, суд органлари, маҳаллий Кенгашлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, судлар мустақиллиги, мониторинг субъекти, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, мониторинг режаси ва б.

АННОТАЦИЯ:

в настоящей статье исследованы теоретические взгляды ученых по проведению правового мониторинга судебными органами. На основе анализа материалов правоприменительной практики разработаны предложения, связанные по совершенствованию законодательства, связанные с проведением правового мониторинга.

Ключевые слова: исполнительные органы, судебные органы, местные Кенгаши, правоприменительная практика, независимости судов, субъект мониторинга, право законодательной инициативы, план мониторинга и др.

Ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда ижро этувчи давлат органлари билан бир қаторда бошқа давлат органларининг иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бунда суд органларини ушбу жараёнга жалб қилиш ва уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларидан фойдаланиш режалаштирилган ҳуқуқий мониторингнинг комплекслигини, қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан уйғунлигини таъминлашга, мониторинг натижасида ишлаб чиқилган таклифларни асослантиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқий адабиётларда суд органлари ҳуқуқий мониторингни амалга оширувчи муҳим субъект эканлиги таъкидланар экан, уларни мазкур жараёнга жалб қилиш ҳуқуқий мониторинг самарадорлигини тубдан оширишга хизмат қилиши алоҳида қайд этилади.

Ҳуқуқшунос Д.В.Якимов қонун ҳужжатлари ҳуқуқий мониторингини ўтказишда судларнинг роли ва ўрнига деярли аҳамият берилмаганлигини алоҳида таъкидлаб суд органларини ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга субъектлар сифатида қонунчиликда белгилаш керак, деган фикрни илгари суради.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий мониторинг самарадорлигини белгилашда суд органларининг роли бекиёс. Ушбу ўринда судларнинг роли ҳақида сўз кетганда ҳуқуқшунос олим О.И.Туинованинг “айнан суд органлари қонуннинг қанчалик даражада мукамал эканлигини белгилаб бера олади”, – деган фикрини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Бунда судлар амалиёти ҳуқуқий мониторинг ўтказишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир гуруҳ олимлар субъект сифатида судлар ҳуқуқий мониторинг ўтказиш мажбуриятига эга эмасликларини таъкидласаларда, аммо улар ўз ташаббуслари билан махсус ваколатли давлат органининг ҳар йиллик ҳуқуқий мониторинг режасини тузиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга деган хулосага келадилар.

Уларнинг фикрича, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъект ўз ташаббуси билан ҳуқуқдаги бўшлиқлар-

ни тўлдиришга қаратилган таклифларни илгари суриш ваколатига эга экан бу ваколат нафақат муайян қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни, балки бундай лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ҳақидаги таклифни ҳам ўз ичига олади.

Яна бир ҳуқуқшунос олим М.Г.Лазкова айнан судларда муайян тоифадаги ишларни кундалик кўриш жараёнида қонунчилик ҳужжатларида мавжуд бўлган бўшлиқлар намоён бўлишини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга судларнинг ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи субъектлар тоифасига киритилмаганлигини изоҳлар экан суд ҳокимиятининг олий органлари ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ҳақидаги ташаббус билан махсус ваколатли органга мурожаат қилишлари мумкин деган ғояни илгари суради.

Гувоҳ бўлганимиздек ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий мониторинг ўтказиш натижаларининг самарадорлигида суд органларининг аҳамияти бекиёслигини қайд этиб ўтадилар.

Ўз навбатида М.Г.Лазкованинг судлар ҳуқуқий мониторингда ўзларининг ташаббуслари билан иштирок этишлари мумкин деган хулосаси тўғри бўлсада, амалиётда бундай ёндашув судларга ҳеч қачон қонунда белгиланган вазифаларидан четга чиққан ҳолда ўз ташаббуслари билан ҳуқуқий мониторинг ўтказмасликларини, қолаверса бирор-бир даражадаги давлат органи судлардан ҳуқуқий мониторинг ўтказишни таклиф қилганда ҳам бундай таклиф тўғрисида судлар ҳуқуқий мониторинг ўтказишларига олиб келмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Чунончи, юқоридаги вазиятда суд органларига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун масъул бўлган давлат органи фақатгина асослантирилган таклифлар тақдим этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда эса, суд органининг мансабдор шахси катта эҳтимол билан бундай хатга жавоб бермасдан уни маълумот учун қабул қилиш билан чекланади.

Фикримизни ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳолат билан асослашга ҳаракат қиламиз. Амалдаги “Судлар тўғрисида”-ги Қонуннинг 37, 41, 52 ва 56-моддалари билан турли даражадаги судлар зиммасига суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва

эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида маҳаллий Кенгашларга бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этиш мажбурияти юклатилган.

Амалиётда эса, маҳаллий Кенгашлар турли даражадаги судлар раисларига уларнинг Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш мажбуриятидан фойдаланган ҳолда турли вазифалар юклаш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ана шундай вазифалардан бирини бевосита ҳуқуқий мониторинг ўтказиш вазифаси ташкил этади. Жумладан, халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгашининг 2022 йил 20 январдаги қарори 2-банди билан Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди ва Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди раислари зиммасига суд ҳужжатларининг ижроси юзасидан мониторинг ўрнатиш, аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида прокуратурага маълумот бериб бориш вазифаларини юклаган.

Ўрганишларга кўра Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди ва Қумқўрғон туманлараро иқтисодий суди раислари томонидан суд ҳужжатларининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказилмаган.

Яна бир юқоридагига ўхшаш ҳолатни халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашининг 2022 йил 16 февралдаги қарорининг 2-бандида ҳам учратиш мумкин. Мазкур қарор билан Бўстонлиқ туманидаги судларга аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар жинойatchилигини доимий равишда таҳлил қилиб бориш вазифаси юклатилган. Ўз навбатида амалдаги қонунчиликка мувофиқ муайян соҳани таҳлил қилиш ҳам ҳуқуқий мониторингнинг бир босқичи ҳисобланишини инobatта олсак, қарордаги вазифа ҳам судларга ҳуқуқий мониторинг ўтказишни назарда тутатганлигини англаш мумкин.

Юқоридаги сингари мисолларни маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида чиқарилаётган яна кўплаб қарорларда келтириш мумкин.

Ушбу қарорлар бир тарафдан Кенгаш ўз ваколат доирасидан четга чиқатганини кўрсатса, иккинчи тарафдан жамиятда судлар томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда.

Шундай бўлсада, биз вакиллик органлари ҳисобланган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан судлар раисларига ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ вазифалар юкланишини қуйидагиларга кўра асосиз деб ҳисоблаймиз:

- маҳаллий Кенгашлар томонидан судлар зиммасига “Судлар тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилмаган қўшимча вазифаларнинг юклатилиши суд ҳокимиятининг фаолиятига ара-лашиш ҳисобланади бу эса Конституцияда белгиланган суд ҳокимияти кафолатларининг таъминланмаслигига олиб келади;

- маҳаллий Кенгашлар томонидан суд органларига нисбатан босим ўтказилишига шароит яратади;

- вилоят ва туман даражасидаги судлар томонидан муайян масала юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш ва тегишли ҳулосаларга келиш мазкур масала бўйича бутун республика ҳудудида ҳаққоний аҳволнинг тўлақонли акс этмаслигига олиб келади;

- вилоят ва туман даражасидаги судларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш учун талаб этиладиган кадрлар ва бошқа ресурсларнинг етарли эмаслиги сабабли қуйи тизимдаги судларга мониторинг ўтказиш вазифасини юклаш мақсадга мувофиқ эмас.

Судларнинг маҳаллий кенгашларга ахборот беришлари-га оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда судларнинг давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан мустақил бўлишларини таъминлашга асосий эътибор қаратилганлиги кўзга ташланади.

Хусусан, АҚШ, Франция, Польша, Англия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркменистон, Молдова, Қозоғистон, Тожикистон, Украина каби давлатларнинг маҳаллий давлат органлари тўғрисидаги қонунчилиги таҳлили ушбу мамлакатларда судларнинг маҳаллий вакиллик органларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот беришлари назарда тутилмаган.

Қолаверса, ИХТТнинг 21.03.2019 йилда тасдиқланган Истамбул ҳаракатлар режасининг 4-босқич мониторинги натижасига оид ҳисоботда судлар раисларининг маҳаллий Кенгашларга ахборот тақдим этиши судлар мустақиллигини чеклаши қайд этилган.

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида суд қарорларини расмий веб-сайтда эълон қилиш тартибининг жорий этилаётганлиги, ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш йўлга қўйилганлигини инobatта олиб, судлар мустақиллиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунларга судлар раисларининг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этиши ҳақидаги қонун бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш таклиф этилади.

Файрат МАШКУРОВ,

юридик фанлар номзоди, Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Павлушкин, М.Глазкова, Е.Черепанова. Судебная практика в механизме правового мониторинга. Журнал российского права № 8 — 2014. — С. 57-60. <https://cyberleninka.ru/article/n/sudebnaya-praktika-v-mehanizme-pravovogo-monitoringa>
2. М.Глазкова Органы судебной власти в механизме мониторинга правоприменения и мониторинга процессуальных норм. Журнал российского права № 9 — 2012. — С. 97-107. <https://cyberleninka.ru/article/n/organy-sudebnoy-vlasti-v-mehanizme-monitoringa-pravoprimereniya-i-monitoringa-protseessualnyh-norm>
3. “Мониторинг законов Республики Казахстан: проблемы теории и практики”: научн-аналит.отчет по теме фундаментального и прикладного научного исследования. — Астана: ГУ “Институт законодательства Республики Казахстан”, 2018. — 22 с. https://www.zqai.kz/sites/default/files/cpm_fpni_2017_final1.pdf
4. Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>
5. Артамонов, А.Н. Пределы совершенствования законодательства и некоторые его современные недостатки // Российская юстиция. — 2020. — № 11. — С. 47-48
6. Qumqo'rg'on tumanlararo iqtisodiy sudi hamda fuqarolik ishlari bo'yicha Qumqo'rg'on tumanlararo sudlari tomonidan 2021-yil davomida amalga oshirilgan ishlar yuzasidan axborotlari to'g'risida. <https://e-qaror.gov.uz/doc/404919>
7. Халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашининг 2022 йил 16 февралдаги қарори. <https://e-qaror.gov.uz>
8. Якимов Д.В. Правовой мониторинг как одна из форм реализации права: проблемы и перспективы развития. Научный электронный журнал “Академическая публицистика”. №4-2\2023. — С. 265. <https://aeterna-ufa.ru/sbornik/AP-2023-04-2.pdf#page=263>

ТАДБИРКОРЛИК ТАМОЙИЛИ: ТАҲЛИЛ, ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Аслида, тадбиркорлик фаолиятининг тараққиёти соҳа тамойилларининг моҳиятини аниқлаш муаммосидан келиб чиқади. Биз шундай фикр қилсак, тадбиркорлик фаолиятининг бир мунча яхши ўрганилганига қарамай, бир қатор “оқ доғлар” ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш тадбиркорликни ривожлантиришининг янада самаралироқ йўлини аниқлашга имкон беради. Мазкур муаммоларни ҳал этишда тадбиркорлик фаолияти тамойиллари тизимини аниқлаш, унинг мазмуни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик ҳуқуқи тамойилларининг ўзаро қалин боғлиқлиги бизга қонуниятдек кўринадди, чунки у ёки бошқа ҳуқуқ соҳаси доирасида яратилган ва амал қиладиган хулқ-атвор қоидалари бир-бири билан ўзаро таъсирлашади, бундай ўзаро таъсир уларни яратишда ҳам, ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳам намоён бўлади. Конституциявий ҳамда соҳавий принципларга амал қилган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятининг бир бутун табиатини акс эттирувчи хусусий ва оммавий манфаатлар мувозанатини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида фуқаролик қонунчилигининг асослари ва тамойиллари, Иқтисодий процессуал кодексининг 2-бобида иқтисодий судда ишларни кўриш асослари, Жиноят-процессуал кодексида (2-боб) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда (3-модда) мазкур қонун ҳужжатлари тамойиллари бевосита ўз аксини топган.

Шунинг билан бирга ҳуқуқий тамойилларнинг мазкур рўйхатлари ёпиқдир. Ҳуқуқий нормаларда ҳали мустаҳкамланмаган тамойилларни ҳуқуқий принциплар сарасига киритиб бўлмайди. Тадбиркорлик фаолияти асослари Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексида белгилаб берилиши ва қонун билан мустаҳкамланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида амалга оширилган бўлиб, унга тадбиркорлик фаолиятининг 16 та принциплари киритилган.

Хусусий ва оммавий манфаатларни уйғунлаштириш тамойили хулқ-атворнинг хусусий-ҳуқуқий моделига асосланган тадбиркорлик фаолияти учун принципиал жиҳатдан муҳим, аммо оммавий манфаатларни ҳисобга олишга мажбурдир. Тадбиркорлик фаолиятида хусусий ва оммавий манфаатларни уйғунлаштириш кўпинча тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий тамойиллари қаторидадир.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлайдиган асосларни қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйган ҳолда, аммо давлат назорати остида давлат-хусусий шерикликни жадал ривожлантириб хусусий тадбиркорлик ҳамда оммавий манфаатларни ҳам таъминлашнинг шакл ва усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Жумладан, ҳалоллик ва ҳалол ишбилармонлик амалиёти тамойили халқаро тижорат шартномалари принципларининг 2010 йилдаги таҳрири 1.7-моддасида акс эттирилган бўлиб, унда ҳар бир тараф халқаро савдо амалиётида қабул қилинган ҳалоллик ва ҳалол ишбилармонлик амалиётига мувофиқ ҳаракат қилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Бунда тарафлар ушбу мажбуриятни истисно қилишга ёки чеклашга ҳақли эмас. Бу ерда инсофсизлик оқибатлари (2.1.15-модда), бир тараф иккинчи тарафнинг боғлиқлигидан инсофсиз фойдаланиши оқибатлари (3.2.7-модда), шунингдек тарафлар томонидан ҳалоллик ва ҳалол ишбилармонлик амалиёти мажбурияти бажарилмаслиги оқибатлари (5.3.3-модда) қайд этиб ўтилган. Назарда тутилган ҳолатлар (5.3.3-модда) ва бошқалар келиб чиқадиган манба сифатида ҳалоллик ва ҳалол ишбилармонлик амалиёти кўрсатилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу тамойил фақат мажбуриятларни бажаришга эмас, балки шартнома ҳуқуқининг умумий қоидаларига тааллуқли. Илмий адабиётларда шартнома ҳуқуқининг ушбу умумий қоида кўпинча мажбуриятни бажариш контекстида кўрилиб тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришга янги ёндашувларни жорий этиш ўткир эҳтиёжга айланди. Кейинги йилларда миллий қонунчилик тизими янги ёндашувлар асосида ислоҳ қилинди. Лекин кўпгина камчиликлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Хусусан, хусусий секторга оид турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамон тадбиркорлик

фаолиятини ривожлантиришга бюрократик тўсиқлар яратувчи номувофиқликлар, чалкашликлар, қарама-қаршилиқлар, тез-тез такрорланувчи норма ва талаблар мавжуд. Бундан ташқари, қоидалар шунчалик тез-тез ўзгариб турадики, нафақат тадбиркорлар, балки ҳуқуқшунослар ҳам уларни ўрганиб, хотирасида сақлай олмайди. Мазкур салбий ҳолатлар қанчалик тез барта-раф этилса, шунча яхши.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, қонунчиликда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятини тартибга солувчи ягона ёндашув мавжуд эмас.

Экспертларнинг фикрича, қонунларда давлат органларининг бу борадаги фаолияти айримларида “мажбурият”, иккинчисида “вазифа”, учинчисида “ваколат”, шунингдек “жавобгарлик” сифатида белгиланган. Амалдаги назорат тизими эса кўпроқ расмий бўлиб, ушбу норматив ҳужжатларнинг бажарилиши ва амалга оширилишини ташкил этишда муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қаратилган эмас.

Шу сабабларга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш бугунги кун талабидир.

Бугунги кунда тадбиркорлик етарли ҳуқуқий базага эга. Кўпчилик уни кодификация қилиш билан мураккаблаштириш зарурати йўқ, деб ҳисоблайди. Бироқ, ушбу муаммога ретроспектив нуқтаи назардан назар ташлаш Ўзбекистонда турли ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида тадбиркорлик ҳуқуқини кодификация қилиш учун зарур шарт-шароитлар шаклланган деган ҳулосага келиш имконини беради.

2022 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик томонидан ишлаб чиқилган Тадбиркорлик кодекси лойиҳасини ИДХЯПга жойлаштирди, бироқ мазкур кодекснинг концепцияси тайёрланмасдан, муҳокама қилинмасдан ва тасдиқланмасдан ишлаб чиқилгани жуда ғалати. Бу эса “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг очикдан-очик бузилиши бўлиб, бунда 12-моддада (Қонун лойиҳаси концепцияси) қонун лойиҳасини тайёрлаш унинг концепциясини ишлаб чиқишдан бошланиши кераклиги ҳақидаги тартиб белгиланган.

Адлия вазирлиги кодексни ишлаб чиқувчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодекси лойиҳасининг концепциясини юқоридаги Қонуннинг 12-17-моддалари, шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (2012 йил 24 де-

кабрь) талабларини инобатга олган ҳолда муҳокамага тақдим этиши шарт деб ҳисоблаймиз. Бизнинг таклифимизга кўра, Адлия вазирлиги томонидан Тадбиркорлик кодекси концепцияси тайёрланган.

Тадбиркорлик фаолиятига аниқроқ ва лўнда таъриф бериш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”-ги Қонунга (ёки Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексига) тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги тушунчасини киритиш таклиф этилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти – жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчиликка мувофиқ ҳамда тадбиркорлик фаолияти тамойиллари асосида амалга ошириладиган, ўз таваккалчилиги ва мулкӣ жавобгарлиги остида тизимли равишда даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда инсофлилик тамойилини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 9-моддасининг тўртинчи қисмидаги “тадбиркорлар эса – иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари” деган сўзларни чиқариб ташлаш ва мазкур қисм қуйидаги мазмундаги тушунча билан тўлдириш таклиф қилинади:

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини инсоф билан, бир-бирининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳалоллик ва бир-бирига ишончга асосланган ҳулқ-атвор қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга ошириши шарт.

Тадбиркорлик субъектларини контрагентларнинг инсофсиз ҳаракатларидан ҳуқуқий химоя қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини қуйидаги мазмундаги 12^а-модда билан тўлдириш таклиф қилинади:

Суд бир томоннинг (томонларнинг) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида бошқа томоннинг қонуний манфаатларига бепарволик, алдаш ёхуд ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ёки адаштириш йўли билан ифодаланган инсофсиз хатти-ҳаракати фактини аниқлаб, ўз мажбуриятларини бузган томон айбдорлигининг исботи сифатида инсофлилик тамойили бузилиши фактини баҳолайди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларининг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва маҳаллий юридик адабиётларда тадбиркорлик фаолияти тамойилларининг ягона, унификацияланган рўйхати мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексига қуйидаги 11 та тамойилдан

иборат тадбиркорлик фаолияти асослари тизими қонуна мустақамлаб қўйишни таклиф қиламиз:

- қонунийлик;
- тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги;
- тадбиркорлик субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳамжиҳатлиги;
- рақобат эркинлиги ва монополистик фаолиятни чеклаш;
- шартнома эркинлиги;
- тадбиркорлик субъектларининг эркин ҳаракатланиши;
- мулкнинг барча шакллариининг дахлсизлиги ва юридик жиҳатдан тенглиги;
- тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш;
- шахсий ва оммавий манфаатларнинг уйғунлиги;
- тадбиркорлик субъектларининг инсофлилиги;
- тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлиги.

Менимча, мазкур рўйхатни тизимга қўшимча тамойилларни киритиш ҳисобига кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида таклиф этилган тамойиллар юқорида кўрсатилган принципларнинг мазмунини такрорлайди ёки фақат декларация бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорлик кодекси лойиҳасининг 2-моддаси тўртинчи қисмида “тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликдаги бошқа нормалар ушбу Кодексга мувофиқ бўлиши керак” дейилган.

Ушбу қондан амалга ошириш учун Тадбиркорлик кодексига деярли бутун Фуқаролик кодекси ва бир қатор йирик қонунларни (инвестициялар тўғрисида, суғурта тўғрисида, банклар тўғрисида, АЖ, МЧЖ тўғрисида ва ҳоказо) киритиш зарур бўлади, бунинг амалга ошириш албатта реал эмас. Қозоғистон Республикаси қонун чиқарувчисининг Фуқаролик кодекси ва тадбиркорлик кодексини тартибга солиш предметини ажратиб кўрсата олган тажрибасидан фойдаланишни тавсия этамиз. Агар керак бўлса, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам худди шундай ажратиш ишларини амалга ошириш керак. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар билан тартибга солинадиган муносабатларнинг мазкур массаси билан ишлашни осонлаштириш учун Тадбиркорлик кодекси билан тартибга солинадиган предмет сифатида тадбиркорлик фаолиятининг кенгайтирилган тушунчасини Тадбиркорлик кодекси лойиҳасига киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқувчилар эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2

июндаги Қарори 5-бандига мувофиқ Адлия вазирлигига миллий қонунчиликни ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти) битимларига уйғунлаштириш функцияси юкланганлигига ва 2023 йил 1 июндан бошлаб ЖСТ қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш тақиқланганлигига қаратмоқчимиз (бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодексининг лойиҳаси ушбу талабларга мос келиши керак).

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси қоидаларини ЖСТ қоидалари ва нормалари билан солиштириш ҳамда унинг натижаларига кўра тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси 2-моддасининг тўртинчи қисмидаги “қонунчиликдаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бошқа нормалар ушбу Кодексга мувофиқ бўлиши керак” деган сўзларни чиқариб ташлашни таклиф қиламан.

Бундан ташқари:

— судлар иқтисодий ишларни кўриш чоғида тадбиркорлик субъектларининг хатти-ҳаракатларини улар томонидан қонунчиликда белгиланган тадбиркорлик фаолияти асосларига риоя қилинишини ҳисобга олган ҳолда баҳолашлари;

— судлар иқтисодий ишларни кўриб чиқиш чоғида инсофлилиқ, оқилоналиқ ва адолатлилиқ тамойилларини рўёбга чиқариш мақсадида бой берилган фойда, неустойка шаклида зарарни ундиришда уларнинг миқдорини юқоридаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда, шартнома (битим) суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда белгилашлари;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юқини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (15.09.2021 й. ПФ-6314-сон) талабларини ўз вақтида ва сўзсиз бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ушбу Фармоннинг 12-бандига мувофиқ уларнинг мазмунини белгилаган ҳолда тадбиркорлик соҳасидаги давлат назорати функцияларини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этишига доир ишларни жадаллаштириши мақсадга мувофиқдир.

Ана шу омиллар инobatга олинганда тадбиркорлик фаолиятининг кўзланган самараларни бериши таъминланган бўлади ва соҳада қонунчилиқ янада мустақамланади.

Нуриддин МУРОДОВ,
Сариосиё туманлараро
иқтисодий суди раиси.

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Жиноятда иштирокчилик институтининг тушунчаси ва белгилари масалалари республикамиз етакчи олимларининг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Жиноятда иштирокчилик тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддасида "Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади", - деб таъриф берилди.

Демак, қонун чиқарувчи томонидан берилган таърифдан келиб чиқиб, иштирокчиликнинг бир қатор белгиларини ажратиб олиш лозим бўлади:

1. Жиноятни содир этишда ёки унга тайёргарлик кўришда камида икки шахснинг иштироки;
2. Жиноятни содир этишга нисбатан қасднинг мавжуд бўлиши;
3. Иштирокчиларнинг жиноят содир этиш мақсадида биргалашиб ҳаракат қилиши.

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятда камида иккинчи шерикнинг бўлиши талаб этилади. Бу қонун чиқарувчи томонидан қўйилган мажбурий шарт эканлигини профессор М.Х.Рустамбоев ҳам кўрсатиб ўтади. Иккинчи иштирокчи бўлмаганида иштирокчилик ҳам мавжуд бўлмайди. Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда қасд масаласи асосий масалалардан биридир. Икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган қилмишда жиноят белгилари мавжуд бўлсада, бу қасддан содир этилмаган бўлса, бундай жиноятни иштирокчиликда содир этилган жиноят деб топиш мумкин эмас.

С.В.Афиногеновнинг фикрича, "Қонуннинг иштирокчилик қасддан биргалашиб содир этилган жиноят деб белгилаб бериши, иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг ҳам қасддан бўлиши тўғрисидаги ҳаволани кераксиз қилиб қўяди".

Юқоридаги фикрдан хулоса қилиш мумкинки, эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи жиноятчиликка қарши курашда иштирокчилик институтини жиноий ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамиятини Жиноят кодексидан ушбу жиноятга нисбатан алоҳида модда белгилаш орқали кўрсатиб ўтади.

Жиноятда иштирокчиликнинг муҳим белгиларидан яна бири иштирокчиликнинг сон кўрсаткичидир. Бунда икки ва ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб, ягона мақсадни кўзлаган ҳолда ҳаракатланиши иштирокчиликнинг зарурий белгисидир. Бир неча шахснинг тасодифан бирлашиб қолиши ва жиноятни олдиндан келишмасдан содир этиши ёхуд бир неча шахснинг бир-биридан мустақил равишда бир мақсад йўлида ҳаракат қилиши каби ҳолатлар иштирокчиликни истисно этади, яъни бундай ҳаракатлар учун Жиноят кодексининг 27-моддаси орқали жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Профессор А.С.Якубовга кўра жиноятда биргаликда иштирок этиш қуйидагиларни билдиради:

ҳар бир иштирокчининг қилмиши бошқа иштирокчилар қилмишини амалга оширишининг зарурий шarti ҳисобланиб, улар бир-бирини тўлдирдилар;

барча иштирокчиларнинг қилмишлари бажарувчи содир этаётган жиноят билан сабабий боғланишга эга бўлиши керак;

юзага келган жиноий оқибат барча иштирокчилар учун умумий ва ягона ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, жиноятни иштирокчиликда содир этилган деб топиш учун ҳар бир иштирокчининг ҳаракатлари, яъни ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ва бажарувчиларнинг қилмишлари бир-бирига яқиндан кўмак беради ва бунинг оқибатида жиноятни содир этиш енгиллашади, айна вақтда ушбу қилмиш натижасида юзага келган жиноий оқибатни барча иштирокчилар истаган ва айнан унинг юзага келиши учун "астойдил" ҳаракат қилган бўлиши лозим.

Одатда, иштирокчилар фаол ҳаракат қилишади. Аммо, баъзи ҳолларда шахс ундан талаб этиладиган ҳаракатларни содир этмаслик йўли билан, яъни ҳаракатсизлик кўриниши билан жиноятнинг иштирокчисига айланиши мумкин. Масалан, шахс олдиндан тил бириктирган ҳолда ўзи кўриқлаши лозим бўлган жойни очиқ қолдиради ва ушбу ҳаракатсизлиги билан жиноят содир этилишига кўмаклашади, яъни бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишига зарур шароитни яратиб беради.

Профессор Р.Қобулов жиноят қонунчилигини таҳлил этган ҳолда жиноят субъекти фақатгина жисмоний шахслар бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади.

Шахс иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг субъекти бўлиши учун конкрет жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши, ақли расо бўлмоғи, яъни ўз ҳаракатлари ва унинг ижтимоий оқибатини англаб етган бўлиши керак.

Иштирокчиларнинг мақсад ва мотивлари одатда бир-бирига мос келади, баъзида бу бир хил бўлмаслиги ҳам мумкин.

Жиноятнинг мотив ва мақсадлари турли иштирокчиларда бошқа-бошқа бўлганида бу шахсларнинг жиноий ҳаракатларини тўғри тасниф қила олиш муҳим аҳамият касб этади. Жиноятнинг мотив ва мақсади жиноят таркибининг мажбурий белгиси эканлиги ёки эмаслиги таснифга таъсир этади.

Агарда жиноят иштирокчилари бажарувчининг мақсади ва мотивини билишмаган бўлса, уларнинг ҳаракатлари ўз мақсад ва мотивлари учун тасниф қилинади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар фақат қасддан содир этилади. Эҳтиётсизлик натижасида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкин эмас. Иштирокчилик ҳамма вақт ҳам фаол ҳаракат билан содир этилмайди, баъзида бу ҳаракатсизлик оқибатида ҳам содир этилиши мумкин.

Сирожддин ҚУВВАТОВ,
Жиззах вилоят суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Афиногенов В.С. Соучастие в преступлении (понятие, виды и формы). Автореф. дис. канд. юрид. наук. -М., 1991. с.16.
2. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. -Т.:Адолат. 2003, 209-б.
3. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. -ЎзР ИИВ Академияси.-Т., 2005. 232-б.
4. Рустамбоев М.Х. Жиноят кодексига шарҳлар. (Умумий қисм). "Илм зиё". 2006.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИПОТЕКА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб борган сари тадбиркорлар, мулкдорлар қатлами ҳам кенгайиб, улар фаолятининг ҳуқуқий асослари доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан, “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши бунинг яққол далилидир.

Ипотека институти фуқаролик ҳуқуқида энг қадимги институтлардан бир ҳисобланади. Мазкур институт халқаро доирада иқтисодиётнинг ривожланишида катта аҳамият касб этади. Ипотека аҳолини уй-жой билан таъминлаш каби ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ипотека муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий қоидалари ипотека муносабатлари субъектларининг ҳулқ-атворига таъсир этиш механизми билан изоҳланади:

- Ипотека шартномалари бўйича кредитор ва қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан, гаров мол-мулкни сақлаш ва мажбуриятларни бажариш бўйича;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ипотека муносабати субъектлари ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари;

- ушбу ҳуқуқий муносабат субъектларининг жавобгарлиги.

Ипотека шартномаси қарздорнинг кредитор билан ҳисоблашиши вақтида мол-мулкнинг мавжудлиги ва сақланишини таъминлайди. Ипотекага кўра, мажбуриятларнинг вужудга келиши билан мол-мулк ажратилади, яъни мол-мулк кредитор томонидан ундирувнинг объекти бўлиши мумкин. Демак, бундай кредит мажбуриятларнинг бажарилмаслиги хавфи остида қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланиши босқичида пухта ва самарали ипотека тизими ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ипотека ҳуқуқий муносабатларининг ҳуқуқий режими – бу кўчмас мулкнинг ипотека предмети сифатидаги ҳуқуқий тавсифини умумлаштирувчи тушунчадир. Амалдаги ипотека қонунчилигининг таҳлили, ипотека ҳуқуқий муносабат объектларининг ҳуқуқий режими амалдаги қонунчилик билан белгиланган бўлиб уларни қўллаш, муҳофаза қилиш, рўйхатга олиш, мониторингини олиб бориш қоидаларининг жами билан аниқланади.

Ипотека муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий ҳолати – бу ипотека муносабатларида кўчмас мол-мулк ипотекаси билан боғлиқ давлат томонидан тан олинган эгалловчи ҳуқуқ ва мажбуриятларидир. У ўзида ипотека муносабатларининг нафақат бошқа иштирокчилари билан, балки давлат билан ҳам юридик алоқаларини акс эттирган интеграцион характер касб этади.

Ипотека муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий ҳолатлари ипотека тарафларининг шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан қонунан мустақамланганлиги ва бунда ипотека олувчининг ипотека маълумотларига бўлган ҳуқуқлари билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси бир қатор чораларни белгилаб беради. Унга кўра ипотекага қўювчининг мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи мол-мулкнинг давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (ҳақини тўлаб олиниши), реквизиция ёки национализация қилиниши оқибатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилса ва ипотекага қўювчига бошқа мол-мулк берилса ёки тегишли ҳақ тўланса, ўрнига-ўрин берилган мол-мулкка

нисбатан ипотека жорий қилинади ёхуд ипотекага олувчи ўз талабларини ипотекага қўювчига тегиши керак бўлган ҳақ суммасидан имтиёзли қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини ҳамда ундирувни ипотекага қўювчига олиб қўйилган мол-мулк ўрнига берилган мол-мулкка қаратишни талаб қилишга ҳақли.

Ипотека нарсаи бўлган мол-мулк амалда бу мол-мулкнинг мулкдори бошқа шахс эканлигига асосан (виндикация) ипотекага қўювчидан қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳолларда ана шу мол-мулкка нисбатан ипотека тугатилади. Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини суднинг тегишли қарори қонуний кучга кирганидан кейин талаб қилишга ҳақли.

Ипотека ҳуқуқий муносабатларнинг тарихий шаклларини кўриб чиқадиган бўлсак, ушбу ипотека ҳуқуқий муносабатлари мусулмон ҳуқуқи, рим ҳуқуқи, 1963 йидаги Фуқаролик кодекси нормалари билан тартибга солинганини кўришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бири жамоат-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан шаклланиб борган. Гаровнинг бир тури сифатида ипотека унинг бошқа шаклларидадан кейинроқ пайдо бўлган. У энг қадимги фуқаролик-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, узоқ ривожланиш тарихига эга. Унинг моҳияти ҳар доим ҳам бир хил бўлган: у мажбуриятларни таъминлашнинг бир воситаси бўлган, лекин унинг асосий элементлари ўзгариб турган. Гаровни биз Ҳаммурапи қонунларида (эраимиздан олдинги VI аср) ҳам учратишимиз мумкин. Бобилда қимматбахо буюмларни гаровга қўювчи банкирлар бўлишган. Қадимги ҳинд манбаси бўлган Ману Қонунларида (эраимиздан олиндинги II аср) гаровга бағишланган алоҳида нормалар бўлган.

Мусулмон ҳуқуқи манбаларида, шунингдек, гаров, ссуда, кафолат, ижара ва бошқа шу каби тушунчалар ҳам эслатиб ўтилади. Мусулмон ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқи алоҳида мустақил институт сифатида ишлаб чиқилмаган.

Мусулмон ҳуқуқининг тарихий манбаларида ипотека муносабатлари ҳақидаги маълумотлар Юнон-Рим манбаларига қараганда камроқ учрайди. Бу Ислом динининг судхўрлик (фоизли) муносабатларини таъқиқлаши билан изоҳланади. Судхўрлик(рибо)нинг таъқиқланиши ҳам соф диний ҳамда онгли нуқтаи назардан тушунтирилади. Бирок, бугунги кунда замонавий мусулмон ҳуқуқи тизимида кредитлашнинг шундай хил ва шакллари мавжудки, улар ипотека ҳуқуқий муносабатларининг аниқ турини ўзида намоён этади.

Ипотека ҳуқуқий муносабатларининг бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ҳуқуқий табиати жиҳатдан фарқловчи хусусиятлари шундаки, ипотека ушловчи субъектив ҳуқуқининг устунлиги қарздорга нисбатан бошқа кредиторларга қараганда биринчилардан бўлиб ўз талабини қондириши (қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно); шунингдек, ҳар қандай шахсга нисбатан ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги орқали гаров мулки қийматини

камайтиришни чеклаш зарурати (шартномада кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) ташкил этади.

Мамлакатимизда иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ипотека ҳуқуқий муносабатларининг ривожланиш тенденцияси ушбу муносабат субъектлари таркибининг хилма-хил эканлигини белгилаб беради.

Ипотека ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш доираси ўзгармас ва доимий бўлиб, андеррайтинг, ижтимоий йўналтирилган ипотека дастури ва бошқа шу каби янги ҳуқуқий муносабатлар ҳисобига кенгайиб бормоқдаки, бу ўз навбатида, тартибга солиш нафақат ҳуқуқ нормаси каби ҳуқуқий воситалар, давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувисиз, диспозитив характерга (шартнома) эга бўлган воситалар ёрдамида тартибга солиниши мумкинлигини тасдиқлайди.

Шу муносабат билан замонавий даражада ривожланган ипотека ҳуқуқий муносабатларида норматив ва шартномавий тартибга солиш самарали муносабатларини белгилаш муаммоси вужудга келадими, бунда субъектив ҳуқуқ ва манфаатлар кўрсатилган ҳуқуқий воситалар тизими асосида мувозанатлашган қониқлиқ ҳосил қилади.

Бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилаётган гаров тури бу-ипотека ҳисобланади. Ипотека – бу қисқа ва лўнда қилиб айтганда кўчмас мулк гарови ҳисобланади. Гаровнинг алоҳида тури бўлган кўчмас мулк гарови яқин ўтмишда мамлакатимизда деярли бўлмаган. Чунки, ерлар фақат давлат мулки бўлган, уй-жойлар ҳам асосан давлатга қарашли бўлган шарт-шароитда ипотека деярли ишламас эди. Аслида кўчмас мулк гарови ишбилармонларни кўчмас мол-мулкни вақтинчалик гаровга қўйиб қарз олиб ишларини юриштириб юбориш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш воситаси бўлиб ҳисобланган.

Ипотеканинг ўзига хос хусусияти шундаки, ривожланган мамлакатларда ипотека орқали аҳолининг ўрта қатлами уй-жойларга эга бўлиб, мулкдорга айланадилар. Бунда ер участкаси ёки унга бўлган ҳуқуқ гаровга қўйилиб кредит олинади ва қурилиш бошланади ёки чала қурилиш гаровга қўйилиб кредит олинади, иморат тўла-тўқис бунёд этилади, кредит ва унинг фоизлари эса 15-20 йил давомида банкка қайтарилади. Ипотекада белгиланган мол-мулк гаровга олувчига бериб қўйилмайди. Бу шартнома гаровнинг бошқа турларидан айнан шу хусусияти билан кўпроқ фарқ қилади.

Банклар учун ипотека гарови жуда ишончли воситадир. Чунки, кўчмас мулк бир жойдан кўзгалмас мол-мулк бўлиб, уни сақлашни осон назорат қилиш мумкин. Шартномада белгиланган муддат тугагач, кўчмас мулкни гаровга қўйиб кредит олган қарздор кредитни қайтаришга лоқайд бўлса ёки бошқача тарзда фирромлик қилишга уринса банк кўчмас мулк ҳисобидан ўз талабларини қондириш имкониятига эга.

Ипотека шартномаси ипотека муносабатларини юридик расмийлаштирувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Унда ипотека нарчаси, унинг номи, турган жойи кўрсатилган ва уни идентификация қилиш учун етарли таснифланган ҳолда унинг баҳоси, моҳияти, миқдори, ипотека билан таъминланган мажбуриятни бажариш (кредитни, қарзни қайтариш) муддати ва гаровга қўйилган мол-мулк тарафлардан қайси бирида турганлиги, шунингдек тарафлар келишган бошқа шартлар кўрсатилади. Шартнома шартларининг батафсил белгилаб қўйилганлиги унинг мазмунан мукамал бўлишини таъминлайди, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам аниқ ва равшан белгиланишига олиб келади.

Ипотека шартномасини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланганлиги шартномани тузишда қонунларга қатъий риоя қилиниши, шартномада иштирок этувчи тарафларнинг ҳам, шунингдек кўчмас мулкка нисбатан бирор даражада мулк ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилмаслигини таъминловчи юридик кафолатдир.

Ипотека ҳақидаги шартномалар Фуқаролик кодексининг 271, 366-моддаларига кўра тарафларнинг хоҳиш иродасидан қатъи назар нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 44-моддасида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш тартиби белгиланган бўлиб, рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга қўйилаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин.

Бунда мол-мулкнинг бошқа шахсга ёки гаровга қўювчига тегишлилиги ҳамда бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади. Тақиқ мавжуд бўлган ҳолларда кўрсатилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим фақат кредитор билан олувчи шахс қарзни олувчининг ҳисобига ўтказишга рози бўлган тақдирда тасдиқланиши мумкин.

Уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади.

Барча фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари каби ипотека шартномаси ҳам фуқаролик қонунчилиги умумий қоидаларига асосан икки шахс (тараф) - гаровга олувчи (ёки ипотекага олувчи деб ҳам аталади) ва гаровга қўювчи (ипотекага қўювчи деб ҳам юритилади) ўртасида тузилади. Ипотека шартномаси бўйича одатда банк муассасаси гаровга олувчи тараф ва қарзга олувчи эса гаровга қўювчи тараф бўлади. Ипотека шартномаси тузиш учун тарафлар ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатига эга бўлишлари, яъни шартнома тарафи бўлган фуқаро 18 ёшдан кичик бўлмаслиги, юридик шахс эса – кўчмас мулкни гаровга қўйиш бўйича чеклашлардан холи бўлиши керак.

Ипотека шартномаси тарафлари бўлган гаровга олувчи ва гаровга қўювчи ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан келишувга эришилган ва шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради.

Ипотека шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва уларга доир битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади. Шартнома асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ипотека тўғрисидаги шартнома асос бўлади.

Агар ипотека тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланмаса ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этилмаса ҳақиқий эмас, деб топилади.

Равшан Рашидов,

Тошкент шаҳар судининг судьяси.

КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ МАЖБУРИЙ СУФУРТА ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ:

мақолада мамлакатимиздаги судлар фаолиятида аудио ва видео материалларининг далил сифатидаги ҳуқуқий табиатини аниқлаш ҳамда унинг моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларда акс этиши ўрганилган.

Калит сўзлар: аудио, видео, материаллар, далиллар, исботлаш, фуқаролик процесси, судлар фаолияти.

АННОТАЦИЯ:

в статье освещаются, определение правовой природы аудио и видео материалов в качестве доказательств в судебной деятельности, обозначение их в нормах материального и процессуального права.

Ключевые слова: аудио, видео, материалы, доказательства, доказывание, гражданский процесс, деятельность судов.

Суд жараёнида иш бўйича ҳақиқий ҳолатларнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслиги исботланади. Судга оид далиллар фактик маълумотлар ҳисобланиб, суднинг ҳақиқий билимга асосланган фактлари асосида шаклланади.

Бу маълумотлар куйидаги йўллар билан, яъни:

тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари;

гувоҳларнинг кўрсатувлари ушбу Кодекснинг 209-моддасида белгиланган тартибда видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш орқали олинади (ФПКнинг 71-моддаси биринчи қисми).

Аноним хатларда ва келиб чиқиши номаълум бўлган ёки қонунни бузган ҳолда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ФПКнинг 71-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган далилларнинг рўйхати тугал ҳисобланади.

Судга оид далиллар борасида ҳам адабиётларда турли фикр-мулоҳазалар илгари суриб келинади.

Ҳуқуқшунос-олим М.К.Треушниковнинг фикрича, “судга оид далиллар ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг мавжуд эканлигини бевосита ёки билвосита тасдиқлайдиган, қонунда назарда тутилган процессуал шаклда намоён бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартибга қатъий амал қилинган ҳолда олинган ва текширилган фактик ҳолатлардир”.

Айрим муаллифлар, жумладан С.В.Курылев судга оид далилларни қонунда кўрсатилган усуллар ва манбалардан олинган ва объектив ҳақиқатни ўрнатишга ёрдам берувчи фактдир деб ёзади. М.Х.Хутызининг фикрича, фактлар ҳақидаги маълумотлар исботлаш усулларида алоҳида далил бўлиши мумкин эмас. Чунки агар қонунчилик далилларни факт сифатида назарда тутганида қонунга далилларнинг дахлдорлиги тўғрисидаги нормани киритиш мумкин бўлмас эди.

ФПКнинг 73-моддасида берилган қоидага кўра, суд фақат иш учун аҳамиятли бўлган далилларнигина кўриш учун қабул қилади.

Ш.Ш.Шорахметов фуқаролик процессида далилларнинг куйидаги белгиларини кўрсатади:

биринчидан, далиллар аввало фактик маълумотлар, яъни ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни ўз мазмунинда акс эттирувчи маълумотлар бўлиши билан характерланади;

иккинчидан, далиллар тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳамда ишга доир бошқа ҳолатларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини белгилайдиган фактик маълумотлар бўлади;

учинчидан, далиллар процессуал қонун билан белгиланган тартибга риоя қилиниб, суд томонидан олинган фактик маълумотлар бўлади;

тўртинчидан, далиллар суд томонидан назарда тутилган исботлаш воситаларидан олинган маълумотлар бўлиб кўрилади. Қонунда назарда тутилмаган манбалардан олинган фактик маълумотлар, чунончи: аноним хатлар, мишмиш гаплар ва шу кабилар далил бўлиб ҳисобланмайди.

Юқоридаги фикрга кўра далилда кўрсатиб ўтилган белгилардан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги далилнинг бир бутунлигини истисно қилади. Процессуал шаклга эга бўлмаган далил эса далил бўла олмайди.

Ҳозирги кунда долзарб бўлаётган аудио ва видео материалларнинг далил сифатида кўриб чиқилишини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқшунос олим А.Павлушинанинг аудио ва видео далиллар ҳақидаги фикрига кўра, аудио ва видео далиллар тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ўзида акс эттирган иккита асосий элемент овоз ҳамда сақловчи қурилма (кассета, диск ва бошқа қурилма)га эга бўлган техник воситаларда намоён бўлувчи далиллардир.

Видео далиллар тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатларнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ўзида акс эттирган ранг тасвирлар кетма-кетлигида (овозли ёки овозсиз бўлган) техник воситалар орқали намоён бўлувчи далиллардир.

Аудио ва видео далиллар овозли ва тасвири кўринишдаги ахборотлардир. Шу боис улар электрон далилларнинг бир кўринишидир.

Хуқуқшунос олим А.Прохоров аудио ёзувни далилнинг мустақил бир тури сифатида баҳолайди. "Фонограммани ёзма далил деб ҳисоблайдиганлар хато қилишади. Аудиоёзувни монтаж қилиш ёки сохталаштириш мумкин, бу хусусияти билан у ёзма далилдан фарқ қилади. Фонограмманинг яна бир хусусияти шундаки, товуш аппарат ёрдамида олинади", дейди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги "Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 35-сонли қарорининг 17-бандида, "Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган, иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни ўзида сақлаган аудио ёки видеоёзувлар, электрон почта ёки бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ёзишмалар суд томонидан бошқа далиллар мажмуида баҳолаши лозим. Аудио ёки видеоёзувни тақдим этган ёки уни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимоснома берган шахс ёзув қачон, ким томонидан ва қандай шароитларда (ҳолатларда) амалга оширилганлигини кўрсатиши шарт. Мазкур ёзувни амалга оширган шахс эса, зарурат вужудга келганда, суд мажлисида сўроқ қилиниши мумкин.

Кузатув камералари видеоёзувлари (бундай ёзувлар амалдаги қонун ҳужжатларини бузмаган ҳолда амалга оширилгандагина) мақбул далиллар ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан ҳужжатнинг ёки тақдим этилган аудио-видеоёзувнинг қалбаки эканлиги тўғрисида арз қилинган тақдирда, суд мазкур аризани текшириш учун тегишли экспертиза тайинлаши ёки бошқа далиллар талаб қилиши мумкин", -деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95¹-моддасида "агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят иши юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси ёки иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга

қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асосланган қарор қабул қилиши шарт.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан ушбу Кодекс нормалари бузилган ҳолда олинган кўрсатувлардан, эксперт хулосасидан, ашёвий далиллардан, аудио-видео ёзувлардан ва бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланади."-деб аниқ равшан кўрсатилган.

Аудио ва видео далилларга оид суд амалиёти ўрганилганда, даъвогар З.А. жавобгар Г.Р.ни уйдан чиқариш ва ўзини уйга кириштириш ҳақида даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Жавобгар Г.Р. квартиранинг олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақида судга қарши даъво тақдим қилган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ўзгарисиз қолдирилган туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, З.А.нинг даъво талаби рад қилиниб, қарши даъво қаноатлантирилган. Ишда мавжуд ҳужжатлардан аниқланишича, низоли квартира З.А.га тегишли бўлиб, 2004 йил 28 августдан бошлаб квартирада Г.Р. яшаб келган. Г.Р. судга низоли квартирани З.А.дан сотиб олганлиги тўғрисидаги гувоҳларнинг тушунтиришларини ҳамда уй тўйи ёзиб олинган DVD дискни тақдим қилган.

ФПКнинг 74-моддасига кўра, қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларини бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 109-моддаси 1-қисмига кўра, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Суд юқоридаги қонун ва Пленум қарори талабларини эътиборсиз қолдириб, қарши даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган деб ҳисобланиб, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанция судига юборилган.

Юқоридаги олимларнинг фикрлари, қонун ҳужжатлари талаблари ва суд амалиётини ўрганиш натижалари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик процессида аудио ва видео материаллардан далил сифатида фойдаланиш учун улар айнан қандай тартибда олиниши зарурлиги, қайси ҳолатларда улардан асосий далиллар сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳақида аниқ тўхтамга келиш ишларни кўришда бу турдаги далиллардан фойдаланган ҳолда қонуний, адолатли ва асосли қарорларни қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ойбек ХАСАНОВ,

*Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари,
фуқаролик судлов ҳайъати раиси.*

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (2000-2010 йилларда амалга оширилган ислохотлар мисолида)

Мамлакатда тадбиркорлик субъектлари сонининг ошиши, икки ва кўптомонлама ҳамкорликнинг ривожланиши, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлиши суд-ҳуқуқ соҳасида янада кўпроқ ислохотлар қилинишини тақозо этди.

Бунда, энг аввало, суд ҳоқимияти мустақиллигини таъминлаш мақсад қилиб олинди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичи 2001-2010 йилларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу даврда амалдаги кодекслар ва қонун ҳужжатларини танқидий баҳолаган ҳолда янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш, жиноий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазоларни жорий қилиш, жиноят процессида ярашув институтини қўллаш, жазо тизимидан ўлим ва мулкни мусодара қилишни чиқариб ташлаш каби ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида 2000 йил 14 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2682-сон Фармонга мувофиқ 2001 йил 1 январдан мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ташкил қилиниб, уларнинг тузилиши ва штат бирликлари тасдиқланди. Шу билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлари — суд раиси, раис ўринбосари, судьялардан иборатлиги, ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиши;

туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари — суд раиси ва судьялардан иборатлиги, қонун билан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган фуқаролик ишларини кўриб чиқиши;

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари — суд раиси, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборатлиги, ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиши;

туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари — суд раиси, судьялар ва халқ маслаҳатчилардан иборатлиги, қонун билан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши белгиланди.

Шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнади. Натижада судьялар корпусини шакллантириш ваколатлари Адлия вазирлигидан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига берилди, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юклатилди.

Адлия ва Ички ишлар вазирликларининг “Судьяларнинг ҳамда суд процесслари қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма қарори (16.04.2001 й.)да судьялар, уларнинг оила аъзолари ва суд процесси қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар идоралари зиммасига юклатилиб, унда ҳимояланувчи шахс ҳақидаги маълумотларга эга бўлишни чеклаш, муайян шахсларни суд залидан чиқариб юбориш, ёпиқ суд мажлиси ўтказиш, шахсий, уй-жой ва мулкни кўриқлаш, қурол ёки шахсий ҳимояловчи махсус воситаларни бериш, суд биноларини кўриқлаш каби хавфсизлик чоралари белгиланди.

2001 йил 29 августда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, 2002 йил 1 январдан амалга киритилди. Мазкур қонунга кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти зиммасига юклатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сон қарори билан вилоят судлари малака ҳайъатлари зиммасига судья кадрлар захирасини шакллантириш, Президент ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тавсия этилган номзодлар юзасидан таклифлар тақдим этиш, халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловларини ўтказиш вазифаси юклатилиб, малака ҳайъати котиби лавозими жорий қилинди. Шунингдек, мазкур қарор билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Суд қарорларини ижро этиш, судлар

фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди.

2001 йил 12 ноябрда Ф-1471-сонли Президент фармойиши асосида Давлат-ҳуқуқий, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича Кенгаш тузилиб, унинг таркиби суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ижро ҳокимияти органларидан жами йигирма тўрт нафар кишидан иборат этиб белгиланди. Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири этиб суд ходимларининг фаолиятини, уларнинг олиб борилаётган ислохотларни тушунишлари ва унга муносабатларини, ушбу жараёнга ўзларининг ҳиссаларини қўша олишлари каби ҳолатларни танқидий таҳлил қилиш белгиланди. Бироқ, ушбу вазифалар суд ҳокимияти мустақиллиги тамойилига зид эди, чунки суд фаолиятининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ижро ҳокимияти органлари томонидан текширилиши бутун суд ҳокимияти мустақиллигига раҳна солса, судьялар фаолиятини уларнинг ислохотларга муносабати ва унга ҳисса қўшиш мезонларига кўра баҳолаш судьялар мустақиллиги тамойилига зид ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам 2004 йил 13 мартдаги Ф-1924-сон Президент фармойишига кўра ушбу вазифалар Кенгаш ваколатидан чиқариб ташланди.

2003 йил 18 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 147-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Судлари ва адлия муассасаларини, Хўжалик судларини ривожлантириш, Ижро ишини ривожлантириш жамғармалари негизида ягона Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тузилиб, унинг фаолиятини бошқариш Адлия вазири бошқарадиган Кузатувчи кенгаш зиммасига юклатилди. Жамғарманинг асосий вазифаси этиб умумий юрисдикция судлари биноларини куриш ва таъмирлаш, уларни зарур ташкилий-техника воситалари билан таъминлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 20 февралдаги “Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–3400-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоятининг Тўқимачи ва Файзулла Хўжаев туман судлари, Самарқанд вилоятининг Боғишамол, Сиёб ва Темир йўл туман судлари тугатилиб, уларнинг негизида жиноят ишлари бўйича Бухоро ва Самарқанд шаҳар судлари ташкил қилинди, жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Навоий туман суди, Наманган вилояти Давлатобод туман суди, Фарғона вилояти Қирғули туман суди тугатилди, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоятининг Файзулла Хўжаев туманлараро суди, Навоий вилоятининг Навоий туманлараро суди, Самарқанд вилоятининг Темир йўл туманлараро суди тугатилиб, уларнинг негизида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро, Самарқанд шаҳар судлари ва Роми-

тан, Кармана туманлараро судлари ташкил қилиниб, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг тузилмаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмасини такомиллаштириш ва суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги ПФ–3605-сонли фармони қабул қилиниб, унга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмасига Олий суд раисининг ўринбосари лавозими киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармонга асосан, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судларнинг ажримига асосан амалга ошириладиган бўлди.

2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси ҳамда мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Жиноий жазо тизимининг либераллаштирилиши ва шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайгани натижасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилган шахслар салмоғи 2007 йилда 2000 йилга нисбатан икки баробардан

*Ўз қадрингни бил. Яхши
кунингда ҳалдан, ёмон
кунингда дурман бўла-
диган риёкор билан эмас,
балки савобнинг қадрига
етадиган, нафс бандаси
бўлмаган, оқир
кунда ҳам дўстини
ўйлайдиган инсон
билан дўст бўл.*

**Умар ибн
АБДУЛАЗИЗ.**



кўпроқ қисқарди. Ярашув институтининг киритилиши эса кейинги етти йил ичида салкам етмиш минг кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон берди. Ҳимоячининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштирилиб, адвокатнинг ишда иштирок этиш тартиби енгиллаштирилди ва унинг ваколат доираси кенгайтирилиб, далиллар тўплаш ҳуқуқига эга бўлди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари қамоқда сақлаш муддатини узайтириш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ёхуд айбланувчининг тиббий муассасасида бўлиши муддатини узайтириш, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиши белгиланди.

Ушбу босқичнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, судьяларнинг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар кучайтирилди. Жумладан, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари оширилди, судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш, шунингдек турар жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсациясини тўлаш жорий қилинди.

2008 йилда ўлим жазосининг бекор қилиниши, шунингдек жиноий жазолар тизимининг либераллаштирилишига доир чора-тадбирлар натижасида жиноятлар таркибининг 75 фоизига яқини оғир, ўта оғир тоифалардан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган тоифаларга ўтказилганлиги катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Жиноят судлов ишлари амалиётига яраштирув институти жорий этилди, судларнинг иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш ўрнига жарималар тарзидаги жазоларни қўллаш имкониятлари кенгайтирилди. Судлов ишларини юритиш тизимида адолат, жазонинг муқаррарлиги тамойили ва ўзгача демократик тамойиллар мустаҳкамланишини таъминловчи бошқа қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Судларнинг ваколатлари изчил кенгайтириб берилди, одил судловни амалга оширишда улар ҳолислиги ва мустақиллигининг кафолатлари мустаҳкамланди.

Суд тизими бутунлай ижро этувчи ҳокимият органларининг назорати ва таъсири остидан чиқарилди. Суд фаолияти устидан прокуратура органларининг назорат қилиш функциялари бекор қилинди. Суд қарорларининг ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатларидан чиқариб ташланди.

Ишни судга қадар юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Миллий қонунчилигимизга “хабеас корпус” институти жорий этилди — қамоққа олишга санкция бериш, шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш

ҳуқуқи прокурорлардан судларга ўтказилди. Суд мажлиси жараёнида айблов ҳулосаси суд эмас, прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши белгиланди.

Прокурор ва адвокатнинг жиноят ҳамда фуқаролик жараёнларининг барча босқичларидаги тортишувлари тенглиги, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида адвокатура мустақиллигини мустаҳкамлашга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг янги — мажбурлов турлари, шунингдек низоларни кўриб чиқишнинг бошқа соддалаштирилган кўринишлари жорий этилди. Бу эса ҳимоя қилиш жараёнини бирмунча тезлаштириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш кафолатларини кучайтириш имконини берди.

Мухтасар айтганда, мазкур даврда мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш йўлида амалга оширилган ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, энг муҳими, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилди.

Умид САЙДАХМЕДОВ,

Тошкент вилоят судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2682-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/214945>
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сон қарори. <https://lex.uz/docs/369568>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 12 ноябрдаги “Давлат-ҳуқуқий, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича кенгаш тузиш тўғрисида”ги Ф-1471-сон фармойиши. <https://lex.uz/docs/1294626>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарори. <https://lex.uz/docs/244179>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.06.2008 йилдаги “Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-896-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1364321>
6. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-335-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/2053999>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сон Фармони <https://lex.uz/docs/2037985>
8. “Судлар тўғрисида”ги Қонун. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг “Судьяларнинг ҳамда суд процесслари қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма қарори. <https://lex.uz/docs/800688>
10. Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. <https://www.lex.uz/docs/26477>

БУТУНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ САВДО АСПЕКТЛАРИ БЎЙИЧА БИТИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бошқа халқаро ташкилотлар каби Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) ҳам муаллифлик ҳуқуқи объектларининг халқаро савдо тизимида улушини кенгайтириш, бу турдаги объектларни яратиш ва улардан фойдаланишда ўзига хос ҳимоя тизимини яратишни мақсад қилиб олган.

БСТнинг бош мақсади - жаҳон савдосини эркинлаштириш ҳисобланса, Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти бўйича битими (ТРИПС)нинг мақсади халқаро савдо ва хизмат кўрсатишлар вақтида интеллектуал мулк ҳуқуқи қоидаларига риоя этишдан иборат. БСТга аъзо бўлгандан сўнг давлатлар бу ташкилотнинг “кўп томонлама савдо битимлари деб юритилган” қатор Битимларини бажариш мажбуриятини олади.

Ушбу Битимга кўра интеллектуал мулк ҳуқуқи миллий қонунчилик асосида намоиш этилади ва миллийликка хизмат қилади. Ҳуқуқшунос олим О.Оқюловнинг фикрича, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг муаллифлик ҳуқуқига оид шартномаси объектларни кенг маънода муҳофаза қилса, ТРИПС фақат мулк ҳуқуқларни ва тижорат соҳасида уларни қўллаш хусусиятларини белгилайди. БСТ ўз фаолиятини 1995 йил 1 январдан бошлаган бўлиб унинг асосий вазифаси хизмат кўрсатиш бозори ва интеллектуал мулкни назорат қилишдан иборат. Шунга кўра, ТРИПС ГААТ ва бошқа халқаро актларга ҳар жиҳатдан боғлиқ.

БСТга аъзо давлатлар ТРИПСни имзолаши ва унга қатъий риоя этишларига тўғри келади. ТРИПС ўз навбатида 1886 йилги Берн конвенцияси, 1961 йилги Рим конвенцияси ва интеллектуал мулк ҳуқуқининг бошқа объектларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган бошқа универсал шартномалар ҳамда конвенцияларнинг энг муҳим нормаларидан ташкил топган халқаро шартнома ҳисобланади.

ТРИПС универсал халқаро акт, ҳаракат доирасига кўра бошқа турдош халқаро актларсиз ҳаракатда бўла олмайдиган, вазифасига кўра аниқ белгилаб кўйилган объектларга ҳуқуқий муҳофаза тақдим этиши билан ажралиб туради. ТРИПСнинг ҳуқуқий мақоми у таркиб топган бошқа халқаро актларнинг ҳуқуқий мақомига бевосита боғлиқ.

ТРИПС БСТ ташкил топган пайтгача амалда бўлган бошқа халқаро актларга ҳам боғлиқ. ТРИПС 7 бўлим 63 моддадан иборат бўлиб унда интеллектуал мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, саноат мулки намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топган. Хусусан, ТРИПСнинг 1-8-моддаларида унга аъзо бўлган мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан қўлланилган тамойиллар, 9-14-моддаларида

эса муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган шартномаларга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топган.

ТРИПСга кўра интеллектуал мулк объектлари, жумладан, асарлар ҳам халқаро савдони амалга ошириш жараёнида моддий товар сифатида алоҳида қийматга эга бўлади. БСТ бу объектлар айирбошла-наётган вақтда ТРИПС нормаларига таяниб халқаро савдо қоидалари орқали халқаро мажбуриятлар олиш ва уни бажариш вазифасини ўртага кўяди. Ҳуқуқшунос олимлар Р.Каримов ва Т.Каримовалар республикамызда ҳам интеллектуал мулкка оид савдо ва хизматларнинг бозорини ташкил этишда тегишли соҳалар орқали мўътадил тизим шакллантирилишининг муҳимлигини илгари сурадилар. Жумладан улар ўз изланишларида адабиёт, санъат ва фан намуналарининг айирбошланишида биржалар ташкил этиш, бу соҳага ҳам замонавий бозор иқтисодиёти қонуниятларини жорий этишни таҳлил қилиб берганлар.

О.Оқюлов ТРИПСни муаллифлик ҳуқуқига оид қатор конвенциялар билан солиштириб, ўзининг хулосаларини баён қилган. У ТРИПС интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солмайди, унда интеллектуал мулк объектларининг савдо-тижоратга оид муносабатлари тартибга солинади, битимда мутлақ ҳуқуқларни амал қилиши ва объектлардан қонунсиз фойдаланишда қўлланиладиган санкцияларга катта эътибор қаратилган, деб уқтиради. О.Оқюловнинг бу фикрига қўшилиш мумкин, чунки ТРИПСда муаллифлар ҳуқуқларидан кўра, муаллифлик ҳуқуқи объектларига катта ўрин ажратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳам катта даромад келтириш манбаи ҳисобланади. Шу туфайли бу турдаги объектларнинг халқаро савдосини ташкил этишда миллий қонунчилик, ҳамда халқаро универсал нормалар муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифани бажаришда эса ТРИПС Битими халқаро-ҳуқуқий акт сифатида, халқаро-ҳуқуқий восита ролини ҳам бажариши мумкин.

ТРИПСнинг 9-моддаси умумлаштирилган модда сифатида Берн конвенциясининг 1-21-моддаларида кўзда тутилган қоидаларга суяниш кераклигини кўр-

сатади. Яъни, бу моддада Бернь конвенциясига аъзо давлатлар конвенциянинг қайси моддаларига риоя этишлари ва қайси моддаларига бевосита ва тўғридан-тўғри риоя этишлари кўрсатилган. Шунинг учун ҳам БСТ ўз мақсадларига эришиши учун муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясини мустаҳкамлаш ва ТРИПСнинг барқарор ишлаши учун 1994 йилда БИМТ билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзолади. Ушбу Шартномага кўра интеллектуал мулк ҳуқуқи миллий қонунчилик асосида намойиш этилади ва миллийликка хизмат қилади.

ТРИПС бошқа турдош халқаро актлар меъёрларидан ташкил топган бўлиб унда муаллифлик ҳуқуқининг энг муҳим объектларини муҳофаза қилишга оид қоидалар бир тизимда жойлаштирилган. Хусусан, ТРИПС Битимининг 10-моддаси бевосита компьютер дастурлари ва маълумотларни жамлаш тартибларига бағишланган. Ушбу моддага кўра маълумотлар базасининг белгилари, уларни жамлаш тартиблари ва тўпланган базанинг муаллифлик ҳуқуқи объектга айлантирилиши ҳамда ундан келгусида фойдаланиш тартиблари кўрсатилган. ТРИПСнинг бу талаби 2006 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунида ўз аксини топди.

ТРИПСнинг 11-моддаси муаллифлик ҳуқуқида кенг қўлланадиган ижарага бериш ҳуқуқини амалда қўллаш тартибларига бағишланган. Ушбу нормага кўра ижарага бериш ҳуқуқи деганда - асарнинг асли ёки нусхаларини оммага пуллик (тижорат) мақсадларда вақтинча фойдаланиб туришга рухсат бериш ҳуқуқи тушунилади.

ТРИПСнинг 12-моддасига кўра БСТнинг аъзо-давлатлари ўз ҳудудларида Бернь конвенцияси талабларини қўллаган ҳолда, муаллифларга улар вафот этгандан сўнг яна камида 50 йил мобайнида уларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тавсия этади. Айтиш керакки, ушбу қонуннинг миллий қонунчилигимизда ҳам шундай муддатда бўлиши ўз аксини топган.

ТРИПСнинг 14-моддаси турдош ҳуқуқларга бағишланган бўлиб, унга кўра ижрочилар, теле-радио ташкилотлари, фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқлари кўлами ва қўлланиш тартиблари кўрсатилган.

Умуман олганда, миллий қонунчиликни юқоридаги халқаро нормалар асосида такомиллаштириш учун ТРИПСнинг ўрни муҳим. Т.Д.Матвеева бундай турдаги халқаро актларни таҳлил этар экан, бу халқаро актлар Россия ҳуқуқ тизимида ҳам ўз аксини топиб бораётгани ва улар халқаро-ҳуқуқий доктринани намойиш этиши билан ажралиб туришини таъкидлайди.

ТРИПС ҳам муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган бошқа халқаро конвенция ва битимларга ўхшаб ўзининг “Миллий тартиб”, “Узлуксиз ҳимоя қилиш” ва “Ҳимоя қилишнинг эркинлиги” каби тамойилларига

эга. Бу тамойиллар ТРИПС амалда қўлланаётган миллий қонунчилик билан нисбатни белгилаб беради.

Миллий тартиб тамойилига кўра аъзо давлат ўзининг муаллифи ёки бошқа ҳуқуқ эгаларига қандай имтиёз ва имкониятлар яратса, ушбу битимнинг аъзоси бўлган бошқа давлатларга ҳам худди шундай ҳуқуқ ва имкониятлар беради. Шунга кўра мазкур битимнинг бу тамойили аъзо давлатларнинг бир-бирлари олдида тенглигини таъминлайди ва аъзо давлатнинг бошқа бир давлат устидан ҳукмронлик ёки устуворлик қилишига йўл қўймайди.

Узлуксиз ҳимоя тамойили битимнинг аъзоси бўлган давлатда унинг аъзоси бўлган бошқа давлатларнинг муаллифлари вафот этган кундан бошлаб ҳуқуқлари узилмасдан, яъни бирор-бир расмиётчиликка риоя этмасдан, ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида давом этишини таъминлайди. Бунда битим аъзоси бўлган давлатнинг бошқа аъзо давлатлар тегишли идора ва ташкилотларига муаллифлари ёки уларнинг меросхўрлари ҳақида хабар юбориши узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун кифоя қилади.

Ҳимоя қилишнинг эркинлиги тамойилига кўра унинг аъзоси бўлган давлатда битимнинг аъзоси бўлган бошқа давлат муаллифлари ёки ҳуқуқ эгаларининг тегишли ҳуқуқлари ҳеч бир тўсиқларсиз муҳофазага олинади, яъни муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш эркин амалга оширилиши лозим бўлади.

ТРИПСда ўрнатилган миллий тартиб тамойили орқали бир вақтнинг ўзида бошқа универсал шартнома қондаси ҳам амалда қўлланади. Бу муаллифларга ҳам, улар томонидан яратилган асарларга ҳам, халқаро савдога чиқарилган барча объектларга нисбатан ҳам қўлланади. Бернь конвенциясида кўзда тутилган миллий тартиб тамойили ТРИПСдаги тамойилдан қўлланиш худуди, қўлланиш тартиблари ва режими билан фарқланади. Агарда, Бернь конвенциясига кўра унга аъзо давлатлар ўз ва хорижий муаллифларига бир хилдаги режимни қўлласа, ТРИПСда муаллифлик ҳуқуқининг объектларига устуворлик берилади.

ТРИПСнинг асосий хусусиятларидан яна бири - бу ҳуқуқларни ўрнатиш бўлса, иккинчидан, ҳуқуқлар амалга оширилаётганда уни нотўғри қўллашни таъқиқлашдир. Масалан, ТРИПСнинг 14-моддасида аъзо давлатлар ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотларга уларга тегишли бўлган асарлардан учинчи шахслар фойдаланганда “таъқиқлаш ҳуқуқи”ни таъминлаш лозимлиги таъкидланади. Айтиш керакки, бу қоида республикамизнинг янги қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Қонунчиликнинг қатор моддаларида “оммавий ижрочилик” жумласи учрайди. ТРИПСнинг 14 1, 2, 3-моддалари талабига кўра, “оммавий ижрочилик” жумласи “такрорлаш” сўзи билан алмаштирилди. Умуман олганда, республикамизда миллий қонунчиликни ТРИПС ва бошқа универсал шартномалар талабларига яқинлаштириш жараёни давом этмоқда. Бу жараённинг ҳуқуқий мустаҳкамланиши давлати-

миз қатнашаётган халқаро конвенция ва шартнома-лардаги мажбуриятларини тўлиқ бажаришида янада кенг имкониятлар беради.

Хулоса қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Соҳага оид халқаро актлар бир томондан халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан халқаро ташкилотнинг юридик табиатини ҳам кўрсатади. Халқаро ташкилотнинг юридик табиати учун асосий нарса шундаки, унинг мақсадлари, фаолияти тамойиллари, ваколатлари, тузилиши ва бошқалар келишилган шартномага асосланган бўлади. БСТ 3 та Кенгаш - Товарлар савдоси бўйича кенгаш, Хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича кенгаш ва Интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича кенгаш фаолиятини амалга оширади.

ТРИПСга аъзолик миллий қонунларни ўзгартиришни талаб этади, лекин юқорида айтилганидай ушбу битим бошқа мустақил халқаро актларнинг муҳим нормаларидан ташкил топган ва у актларга қўшилмагунча ушбу Битимга ҳам қўшилишининг имкони бўлмайди. Шунга кўра, республикамизнинг халқаро шартномаларга ратификация орқали аъзо бўлиши Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида атрофлича тушунтирилди, халқаро шартномаларнинг мақоми белгилаб берилди.

ТРИПСга таянган ҳолда аъзо-давлат муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг тегишли ҳуқуқларини тан олиши, уни қонунчиликда акс эттириши, асарлар дахлсизлигини таъминлаши ва муаллифнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини яратиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларидаги қоидалар бажарилиши ва тамойилларига риоя этиши учун қуйидаги қатор муаммоларнинг ечимини топиш лозим:

биринчидан, республикамизда муаллифлик ҳуқуқига оид миллий қонунчилик ва халқаро актлар, хусусан, ТРИПСга оғишмай амал қилиш учун соҳа қонунларига тегишли ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи янги меъёрлар киритилиши лозим;

иккинчидан, ТРИПСда белгиланганидек солиқ, божхона органларининг ички меъёрий ҳужжатларида муаллифлик ҳуқуқи объектларини олиб чиқиш ва олиб кириш тартиблари белгиланиши, бу турдаги объектларнинг республикага олиб кирилиши ёки олиб чиқиб кетилиши учун "махсус рўйхатга олиш тартиби" белгиланмоғи керак;

учинчидан, жойларда муаллифлик ҳуқуқи объектларидан учинчи шахслар қандай фойдаланаётганлигини назорат қилиб туриш тизими яратилиши, назорат олиб борувчи шахслар таркиби (ишончли вакиллар) белгиланмоғи лозим;

тўртинчидан, ТРИПСга кўра муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланишда лицензия-шартномавий муносабатларга ўтиш керак.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ечими топилса, республикамизнинг муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятлари, хусусан ТРИПСга аъзолик даврида унинг бажарилиши таъминланади. ТРИПС Битимида ва миллий қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларни муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий бошқарувчи ташкилотлар орқали ҳам ҳимоя қилиш мумкин. ТРИПСда унинг тартиблари ва шартлари кўрсатилган. Шунга кўра, мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий бошқарувчи ташкилотлар тузилиши ва улар бошқарилиши ушбу Битим манфаатларига мос келади. Умуман олганда, мазкур Битим муаллифларнинг мулкӣ-иқтисодий муаммоларига ҳам катта эътибор билан қарайди.

ТРИПС билан боғлиқ юқорида кўрсатилган ҳуқуқий ва ташкилий муаммоларнинг ҳал этилиши Республикаимизнинг муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятларини бажаришда, БСТга аъзолиги даврида янги муаммоларнинг олдини олишда ва асар яратувчилар ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланиши, олинаётган фойда ва даромадлар улушидан давлат бюджети янада кўпайишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Бозор иқтисодиётига асосланган давлатлар миллий қонунчилигининг ТРИПС талабларига мувофиқлаштирилиши муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда давлат масъулиятининг оширилиши асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Гулнора Худайбердиева,

*Ўзбекистон Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси доценти,
юридик фанлар номзоди,*

Зафар Тошев,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Р.К., Каримова Т.А. Миллий модел муаммолари. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Document WOGA /XV/ 3, paragraph 74.-Geneva.: WIPO, 1994.
3. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. Уругвайский раунд. -Марракеш, 1994.
4. Интеллектуальная собственность и свободное движение товаров. // Государство и право, 1998. -№ 1.
5. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001.
6. Каримов Р. Ўзбекистон на пути к новой экономике. //Правда Востока, 10 июля 2002 года. №132 (24820)
7. Оқюлов О.. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. Дарслик. -Т.: ТДҲОИ, 2003.
8. Умаров Т.А. Халқаро хусусий ҳуқуқ: жисмоний шахснинг ҳуқуқий ҳолати. -Т.: Ижод дунёси, 2003.
9. Международные отношения: теории, конфликты, организации (Под ред. П.А.Цыганкова).-Москва.: Альфа-М, 2004.
10. Матвеева Т.Д. Международное право: курс лекций.-Москва.: РАГС, 2006.
11. Худайбердиева Г.А. Турдош ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари. -Т.: ТДҲОИ, 2006.
12. Шумилов В.М. Всемирная торговая организация. Право и система. -Москва.: ТК "Велби", 2006.
13. Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш муаммолари. Юрид.фан. номзод.диссер...авторефати.-Т.: ТДҲОИ, 2008.
14. Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуни. <https://lex.uz/acts/1022944>

БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ИМКОНИЯТ ЯРАТАЁТГАН ОМИЛЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Глобаллашув ва халқаро савдо муносабатларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида божхона соҳасига оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг содир этилишига имконият бераётган омилларни бартараф этиш соҳа ривожига муҳим ўрин тутади.

Ҳуқуқбузарлик феномени давлат ва ҳуқуқ институтлари пайдо бўлган вақтдаёқ вужудга келган ва ҳар доим улар билан биргаликда мавжуд бўлиб қолади, десак янглишмаган бўламиз. Фақатгина ҳуқуқбузарлик кўлами муайян макон ва замонда ўзи учун яратилган “шарт-шароитларга” боғлиқ равишда юқори ёки паст даражада намоён бўлади. Шу сабабли жиноятчиликка қарши курашиш жамият ва давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига биноан божхона органларига божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, фуқароларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби вазифалар юклатилган.

Божхона соҳасига оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имконият яратадиган ва уларнинг олдини олишда ҳисобга олиниши лозим бўлган омилларни ажратиш мақсадга мувофиқ. Булар: маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-бошқарув, ҳуқуқий тусдаги омиллардир.

Ҳуқуқбузарликлар содир этилишини белгиловчи маънавий-ахлоқий омиллар тизими турлича. Биринчидан, айрим ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) субъектларининг божхона соҳасида етарли билимларга эга эмаслиги, бундай шароитда қонунга хилоф йўллар билан даромад кўриш мақсадида ҳуқуқбузарликлар содир этиши. Иккинчидан, айрим ТИФ субъектлари орасида ҳуқуқий негелизмнинг мавжудлиги ҳам ҳуқуқбузарликлар содир этилишидаги омиллардан бири саналади.

Ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири ижтимоий омиллардир. Хусусан, иқтисодиёт соҳа-

сидаги ҳуқуқбузарликларнинг ўсишига аҳоли даромадларининг миқдори ҳам таъсир ўтказмоқда.

Аксарият ҳолатларда даромадлари паст бўлган аҳоли томонидан савдо, воситачилик ҳамда фаолият билан лицензиясиз қонунга хилоф равишда шуғулланиш натижасида қонуний тартибда ишлаётган тадбиркорлик субъектларига жиддий зиён етади. Чунки, ноқонуний тартибда маҳсулот олиб кираётган фуқаролар ҳеч қандай божхона тўловлари ва солиқларни тўламасдан товарнинг паст нархларда сотилишига ҳамда сифати кафолатланмаган товарлар кириб келишига замин яратади.

Божхона қонунчилигини бузиш ва божхона тўловларидан бўйин товлаш ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларни содир этиш имкониятини берувчи ташкилий-бошқарув соҳасидаги омиллар орасида божхона маъмуриятчилигидаги тартиб-таомиллар муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсиялари миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнида божхона бошқарувида бир қатор ижобий ўзгаришлар ва илғор хорижий тажрибалар миллий қонунчиликка жорий этилди.

Шу билан бирга контрабанда, контрафакт маҳсулотларни олиб ўтиш, ноқонуний валюта операциялари ва божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш борасида самарали усуллар қўлланилмоқда.

Божхона тўловлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда, таҳлил қилинган давр мобайнида имтиёзларнинг нотўғри қўлланилиши билан боғлиқ ҳолатлар улуши юқори эканлиги кўзга ташланди.

№	Келиб чиқиш сабаблари (йўналишлари)	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1	Божхона қиймати нотўғри қўлланилиши бўйича	16,4	25,0	42,1
2	Имтиёзлар нотўғри қўлланилиши бўйича	63,3	45,4	38,7
3	ТИФ ТН кодини нотўғри қўллаш бўйича	5,2	8,0	7,2
4	Келиб чиқиш сертификати бўйича	7,6	15,5	4,8
5	Бошқа ҳолатлар бўйича	7,5	6,0	7,2
	Жами:	100,0	100,0	100,0

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар муайян даврда турлича кўринишларда намоён бўлмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муҳим ўрин тутати. Бунда асосий эътиборни жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш лозим бўлади. Шунингдек, турли давлатларда ушбу жараёни ташкил этиш кўлаmidан келиб чиққан ҳолда мазкур вазибалар янада кенгайтирилган.

Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат кенг қамровли фаолият йўналиши сифатида ташкил этилган тақдирдагина яхши самара бериши мумкин. Бу эса, мазкур жараёнда барча даражадаги давлат ва нодавлат тузилмалари ҳамда фуқароларнинг кенг кўламдаги иштирокини талаб этади. Айни пайтда ушбу заруратни тушуниб етган ҳолда мазкур давлатлар аҳолиси ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда онгли равишда иштирок этадилар.

Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда уни турли йўналиш ва ҳудудлар бўйича махсус дастурлар орқали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда ички ишлар идораларининг иштироки минимал даражада бўлиб, амалга оширилаётган дастурларнинг ижроси, асосан аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятига асосланади. Шунингдек, ушбу дастурлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг классик усуллари – полиция патрули, тарғибот ва тушунтириш ишларига нисбатан анча амалий ва самарали эканлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия, Австралия каби давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда “Кўшнилар назорати” (neighborhood watch), “Синдирилган ойналар” (broken windows), “Жиноятчиликни тўхтатувчилар”

(crime stoppers) каби дастурлар, шунингдек муайян тоифадаги шахслар, масалан болалар ва ўсмирларга мўлжалланган ёки жиноятчилик даражаси нисбатан юқори минтақаларга татбиқ этиладиган (“Weed&Seed”, “Safety City”) дастурлар самарали татбиқ этилмоқда.

Ушбу дастурлар орасида АҚШда қабул қилинган “Синдирилган ойналар” дастури бошқа бир неча давлатларда ҳам жорий этилган. Мазкур концепциянинг асосчилари Ж.Вильсон ва Г.Келлинг бўлиб, улар ўз ғоялари мазмунини қуйидагича ифодалядилар: “Агар бинонинг битта ойнаси синган бўлса ва уни ҳеч ким таъмирламаса, қисқа вақт ичида бинонинг барча ойналари ҳам синдирилади, бинонинг ўзи тўлиқ харобага айланади ва бу жой жиноятчилар маконига айланади”.

Мазкур гипотезага асосланган ҳолда, ушбу дастурда аҳоли пунктларида тозалик ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, қаровсиз автомашиналар, бино ва иншоотлар пайдо бўлишига, чиқиндиларнинг тўпланиб қолинишига йўл қўймаслик чоралари белгиланади. Бунда дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари доимий равишда аҳоли пунктларидаги ҳолатни ўрганиб борадилар, аста-секинлик билан аҳолининг ўзи ушбу дастурнинг ҳам ижросисини, ҳам назоратчисига айланади. Дастурнинг ўзи эса аҳолининг кундалик турмуш тарзига сингиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар про-



филаккаси тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида давлат божхона хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилаккаси соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган. Божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг асосий субъектларидан бири бўлган божхона органлари соҳага оид ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади. У ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги қонунига мувофиқ амалга оширади.

Божхона соҳасига оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш, соҳага оид тартиб-таомилларини соддалаштириш ва тизимли чора-тадбирларни қўллаш муҳим ўрин тутди.

Божхона соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар миқдорининг кўпайишига имконият яратувчи ҳуқуқий омиллардан бири амалдаги божхонага оид қонунчиликнинг кенглиги ва қонунчиликка доимий равишда киритилувчи ўзгартиришлардир. Божхона қонунчилиги жуда кенг қамровли муносабатларни тартибга солиши ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Солиқ ва божхона соҳасига доир норматив-ҳуқуқий база юздан ортиқ қонунлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, солиқ ва божхона идораларининг йўриқномалари ва қарорларини ўз ичига олади. Шу билан бирга амалдаги божхона қонунчилигига доимий равишда киритилаётган ўзгартиришларни мунтазам ўқиб-ўрганиб бориш талаб этилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, божхона билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари мажмуи куйидаги ўзаро боғланган вазифаларга асосланади: ҳуқуқбузарликларнинг динамикаси, тузилиши ва сабабларига билвосита профилакка таъсир кўрсатиш; ушбу ҳуқуқбузарликларнинг сабаблар мажмуига таъсир кўрсатиш бўйича махсус чоралар; ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда ҳуқуқий воситаларни қўллаш кабилар асосий ўрин тутди.

Иқтисодий муносабатлар глобаллашуви шароитида божхона соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари етарли даражада ташкил этилмаслиги нафақат ташқи иқтисодий фаолиятга, балки Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигига ҳам таҳдид ҳисобланади.

Шу ўринда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2-моддасида келтирилган меъёрни қайд этиб ўтиш ўринли бўлади. Яъни, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий

муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди”.

Аҳоли жамиятда юз бераётган ҳар бир ҳодисага нисбатан ўзининг фаол муносабатини билдириши, хусусан, божхона назоратидан яшириб олиб ўтилган товарлар, божхона тўловларидан бўйин товлаш ёки содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига дарҳол хабар бериши ҳамда қонуний фаолият юритишлари орқали ўз ҳиссасини қўшишлари мумкин.

Шу ўринда ҳуқуқбузарликлар профилаккасини амалга оширишда жамоатчилик назорати бўйича ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, халқимиз азалдан “Бир болага – етти маҳалла ота-она”, “Касалликни даволагандан унинг олдини олган афзал” каби нақлларга амал қилиб яшайди. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, ён атрофдаги одамларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш, номақбул иш қилишдан уялиш ҳисси оилада фарзанд тарбиясининг асосини ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилаккасини амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки шу жамият ҳар бир аъзосининг вазифасидир. Энг аввало, ўзимиз, оила аъзоларимиз ва жамият олдидаги масъулиятни доимо ҳис қилиб яшаш, атрофдаги ҳодисаларга бепарво бўлмаслик, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш барчамизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши ва бу борада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди, деб ҳисоблаймиз.

Азамат АДIZОВ,

*Божхона институти
Ўқув-услугий бўлими ходими.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-720-сонли Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти”.

МАЪМУРИЙ АКТНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ: ГЕРМАНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА

Маъмурий актлар давлат бошқаруви фаолиятининг асосий шакли ҳисобланади. Норматив бўлмаган характердаги маъмурий актлар фуқаролар ва ташкилотлар учун жамият ҳаётининг барча соҳаларида субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлишини ва келгусида амалга оширилишини таъминлайди, фуқаролар ва ташкилотларнинг қонуний равишда маълум бир ҳаракатларни амалга оширишига ҳуқуқ беради ёки тўсқинлик қилади. Маълум бир ҳуқуқий оқибатни юзага келтиради.

Умуман юридик фанда ҳам маъмурий ҳуқуқда ҳам энг мураккаб назарий ва амалий муаммолардан бири – бу вақт ўтиши билан маъмурий актларнинг ҳақиқийлиги муаммоси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Маъмурий қонунчилигимизга назар ташласак асосий эътибор актларнинг таъсирига қаратилиб келинмоқда. Қонунларнинг вақт ўтиши билан амал қилинишига оид асосий ҳуқуқий қоидалар кўп жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият органлари актларининг ҳаракатларига тааллуқли бўлса-да, маъмурий актларнинг бўйсунуш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг вақт ўтиши билан таъсири муайян ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши табиий. Шунга кўра ижро ҳокимияти фаолиятининг ҳуқуқий шакллари ўрганиш предмети бўлган маъмурий ҳуқуқ фанининг долзарб вазибаларидан ҳамда энг марказий институтларидан бири ҳисобланган маъмурий актларнинг амал қилиш, ўзгартириш ва бекор қилиш хусусиятларини махсус ўрганиш ва аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан суд назоратининг аҳамиятини ошириш шароитида маъмурий актлар амал қилишининг назарий масалаларини ишлаб чиқиш жуда долзарб. Маъмурий актларнинг қонунга хилофлиги ва суд тартибида бекор қилиниши масалаларига тааллуқли мазкур назорат турининг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда маъмурий ҳуқуқ соҳасида маъмурий органлар билан муносабатларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда қуйидагилар долзарб аҳамият касб этади:

маъмурий акт тушунчаси, хусусиятлари ва тузилиши, унинг элементлари;

маъмурий актларнинг юридик кучи ва ҳаракати тушунчалари, уларнинг амал қилиш муддатлари чегаралари, хусусан, уларнинг кучга кириши ва орқага қайтиш таъсири масалалари;

маъмурий актларнинг амал қилишини тугатиш тушунчаси ва турлари;

маъмурий актни бекор қилиш асослари ва ноқонуний хатти-ҳаракатларининг турлари;

маъмурий актларни маъмурий тартибда бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий режимлари;

судда маъмурий актларни бекор қилиш билан боғлиқ қонунчилигимизнинг долзарб назарий ва амалий муаммолари.

Маъмурий актларнинг кўплаб турлари мавжуд. Шунинг учун маъмурий акт турлари ҳақида қисқача тўхталамиз.

Маъмурий акт қонунчилигимизда маъмурий ҳужжат шаклида келади. Лекин, ҳорижий давлатлар тажрибаси ва илмий изланишлар натижасидаги ҳулосалардан келиб чиқиб ҳозирги кунда маъмурий акт термини қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг 4 ва 52-моддаларида маъмурий ҳужжат тушунчаси келтирилган бўлиб, маъмурий ҳужжат — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси ҳисобланади. Маъмурий ҳужжат ёзма шаклда қабул қилинади. Қонунчиликда маъмурий ҳужжат бошқа шаклда, шу жумладан бошқа тегишли ҳужжатни бериш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Биз аввалги илмий изланишларимизда маъмурий ҳужжат фақатгина ёзма бўлмаслиги, маълум бир белги, сигнал, ҳаракат ёки бирон-бир ҳужжат орқали қабул қилинишини ҳамда ушбу тушунча кўплаб давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқида маъмурий акт сифатида келишини таҳлил қилиб чиққан эдик.

Жумладан маъмурий ҳужжат Франция, Австрия ва Швейцария каби бошқа ҳуқуқий тизимларда ҳам маъмурий ҳуқуқнинг энг муҳим марказий элементи ҳисобланиб ушбу давлатлар қонунчилигида “қарор, буйруқ” (Верфўгунг) атамаси қўлланилади. Германия қонунчилигида эса маъмурий акт (Вервалтунгсакт) деб юритилади.

Маъмурий акт кучга киргандан сўнг амал қилиш муддати тугагунча ёки маъмурий акт бекор қилингунча ҳақиқий ҳисобланади. Ҳақиқий ҳисобланган маъмурий акт маълум бир ҳуқуқий оқибат ҳамда маълум бир мажбуриятни юзага келтиради. Амалдаги қонунчилигимизга биноан маъмурий акт қонунда белгиланган тартибда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Қонунчиликда маъмурий акт уни қабул қилган ёки юқори турувчи маъмурий орган томонидан бекор қилиниши келтирилган, лекин маъмурий актни маъмурий орган томонидан ҳақиқий эмас

деб топишнинг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилмаган. Бу борада Германия ҳуқуқшунослари ва олимлари томонидан маъмурий акт юридик нормада кўрсатилган ҳақиқий эмаслик сабабларидан бири мавжуд бўлгандагина ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши ўрганилган. Жумладан, Германия Федерал Республикасининг “Федерал маъмурий тартиб қоидалар тўғрисида”ги (BwVfG) Қонуннинг 44-моддасига биноан Маъмурий ҳужжат (акт), агар у ўта жиддий хатога йўл қўйилган бўлса, ҳақиқий эмас деб топилади ва бу кўриб чиқилаётган барча ҳолатларнинг оқилона баҳоланишидан кўринади. Сўнгги маълумотларга биноан Германия Федерал Республикасининг “Федерал маъмурий тартиб қоидалар тўғрисида”ги (BwVfG) Қонунининг 44-моддасига биноан ҳақиқий эмаслик талаблари билан боғлиқ 2489 та кўриб чиқилган қарор келтирилади. Германия қонунчилигида маъмурий актни ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий асослари махсус қонунчилик билан тартибга солинади. Қуйида бу борадаги немис қонунчилигининг хусусиятларини таҳлил қилиб чиқамиз.

Биринчидан, Германия Федерал Республикасининг “Федерал маъмурий тартиб қоидалар тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддаси 2-бандида ҳақиқий эмасликнинг асослари кўрсатилган: унга кўра, маъмурий акт ёзма ёки электрон шаклда чиқарилган бўлса-да, лекин уни чиқарган (қабул қилган) орган келтирилмаган бўлса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. “Федерал маъмурий тартиб қоидалар тўғрисида”ги (BwVfG) қонуннинг 37-моддаси 3-бандига мувофиқ маъмурий акт маълум талабларга жавоб бериши керак, яъни маъмурий актни берган (қабул қилган) органнинг идентификатори ва ваколатли органи раҳбари, унинг вакили ёки вакилининг имзоси ёки исм фамилиясини ўз ичига олиши лозим. Шундан келиб чиқиб маъмурий актни қабул қилган орган 37-модданинг 3-қисми талабларига жавоб бермаса ва ҳужжатни қабул қилган орган номаълум бўлса бундай маъмурий ҳужжат ҳақиқий ҳисобланмайди. Масалан, қурилиш учун рухсат берилган ҳужжатни қабул қилган орган номаълум бўлса.

Иккинчидан, агар маъмурий акт фақат ҳужжат бериш йўли билан чиқарилиши (қабул қилиниши) лозим бўлса ва бу шаклга риоя қилинмаса Германия Федерал Республикасининг “Федерал маъмурий тартиб қоидалар тўғрисида” (BwVfG) Қонуннинг 44-моддаси 2-қисми 2-бандига биноан ҳақиқий ҳисобланмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг 52-моддасига биноан маъмурий ҳужжат ёзма шаклда қабул қилинади. Қонунчиликда маъмурий ҳужжатнинг бошқа шаклда, шу жумладан бошқа тегишли ҳужжатни бериш ёки муайян ҳаракатларни

ОРТГА СУРМАНГ!

Солиҳ саляфлардан бири ортга суритдан оғоҳлантириб шундай деган экан: “Мен сизларни “кейин” деган сўздан оғоҳлантирарман. Чунки ушбу сўз қанчадан-қанча яхшиликлардан мажрум қилган ва кўнлаб эзгу ишларни ортга сурдиргандир”.

**“ҲИКМАТЛАР
ЧАШМАСИ”ДАН.**



амалга ошириш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилиши келтирилган.

Учинчидан, Германия Федерал Республикасининг "Федерал маъмурий тартиб қоидалар тўғрисида"(BwVfГ) Қонуннинг 44-моддаси 2-қисми 3-бандига биноан маъмурий акт қабул қилиш ваколатига эга бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса, ёки ўз ваколат юрисдикциясидан чиқиб қабул қилинган бўлса.

Тўртинчидан, Германия Федерал Республикасининг "Федерал маъмурий тартиб қоидалар тўғрисида"(BwVfГ) Қонуннинг 44-моддаси 2-қисми 4-бандига биноан агар маъмурий акт мазмуни ҳақиқий сабабларга кўра амалга оширилмаса ёки уларга риоя қилиш ноқонуний хатти-ҳаракатларга ёки ахлоқий меъёрларнинг бузилишига олиб келадиган бўлса, бундай маъмурий акт ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди. Шунингдек, маъмурий актни қабул қилишда ўта жиддий хатога йўл қўйилган бўлса ёки ҳуқуқ тизимига шунчалик зид бўлса бундай акт ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, суд амалиётида жиноий қимор ўйинларига берилган рухсатнинг ҳақиқий эмас деб топилиши бунга мисол бўлади.

Қонунчилигимизда маъмурий актнинг ҳақиқий эмаслиги фақатгина суд томонидан аниқланади. Лекин, шундай маъмурий актлар борки уларни бекор қилиш маъмурий актни амалда тан олишга олиб келади, шу сабабдан ҳам қонунчилигимизга маъмурий актнинг ҳақиқий эмаслик асосларини ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган маъмурий актнинг ҳуқуқий асосларини киритиш лозим.

Таҳлилдан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, биринчидан, маъмурий акт тушунчаси маъмурий органнинг ижро ва маъмурий фаолияти жараёнида ифодаланган тарзда белгиланади.

Иккинчидан, маъмурий актларнинг ғайриқонунийлиги учун асослар таснифи белгиланиши ва қонуний кучга эга бўлмаган ноқонуний маъмурий актларни турларга ажратиш мезонлари белгиланиши, уларнинг ҳуқуқий режимларидаги фарқлар ёритилиши лозим.

Учинчидан, қонунчиликка ҳақиқий бўлмаган ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган маъмурий актларга оид моддани киритиш лозим. Сабаби, нуқсонлари яққол кўриниб турган маъмурий актлар ҳуқуқий тизимда мавжуд деб тан олиниши мумкин эмас. Уларни бекор қилиб бўлмайди, чунки бу уларнинг ҳақиқийлигини тан олиш деб тушунилади. Бундай ҳолатларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги аниқ кўриниб турган яроқсиз маъмурий актларни ҳеч бир тартиб-таомилсиз бекор қилишга имкон берилади. Шубҳа туғилган тақдирда манфаатдор шахс маъмурий органдан

маъмурий актнинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини тасдиқлашни талаб қилишга ҳақли.

Тўртинчидан, ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда қабул қилинган маъмурий актлар ҳам ҳақиқий ҳисобланмаслиги керак. Ваколатлилик масаласи мураккаблигини инобатга олган ҳолда бу каби ҳужжатларни фақатгина манфаатдор шахсларнинг аризасига кўра ҳақиқий эмас деб топиш таклиф қилинмоқда.

Бешинчидан, Маъмурий актни бекор қилишнинг фарқли жиҳати шундаки, маъмурий актни ҳақиқий эмас деб топиш учун унинг юридик жиҳатдан мавжуд эмаслигини исботлаш керак бўлади. Агар маъмурий акт ваколат доирасидан четга чиқиб қабул қилинган бўлса, уни бекор қилиш мумкин эмас, чунки у юридик жиҳатдан ўз-ўзидан мавжуд бўлмаган деб ҳисобланади. Бу эса шу каби маъмурий актларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида йўқ қилишнинг энг тўғри усули ҳисобланади.

Юсуф САИДАЗИМОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бархар С.М., Хазанов С.Д. Форми и методи деятельности государственной администрации Екатеринбург, 1997, с. 7. 9 Бархар С.М. Хазанов С.Д. Формс анд метҳодс оф ативитив оф тхе стате административн. Йекатернбург, 1997, п. 7.0.
2. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право: Учебник. 3-е изд. – М., 2007. – С.32.(Баххрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков И.Н. Административне Лав: Зрд Тхтбоок. М, 2007. – П.32)
3. Маурер Н. Аллгемиенес Вервалтунгсречт. Верлаг С.Х. Беск, Мүнчен, 2009. С. 193, 194.; Кристине Коре-Перконе. Признаки административного акта: в понимании Административно-процессуального закона Латвии и практики судов // Ежегодник публичного права 2016: Административный акт. Москва: Инфотропик Медиа, 2015. С. 49
4. Ж. Нематов. Импровемент оф Административе Проседурес ин тхе Републис оф Узбекистан: Административе анд Легал Фрамеворк: Сомпаративе-Легал Анализис: Тхтбоок-Т.; 2015.П.86.
5. Нематов Ж. Трансформативн оф Совет административе лав: Узбекистанъс сасе студий ин жудисиал ревиев овер административе асц // Административе лав анд просесс. – 2020. – № 1 (28). – П. 105-125. – DOI хттпс://doi. орг/10.17721/2227-796X.2020.1.08.
6. Саидазимов Юсуф (2020). Теоретический и правовой анализ административных документов. ревиев оф лав ссиенсес, 3 (спецвыпуск),19-24. doi: 10.24412/2181-919X-2020-3-19-24 (саидазимов юсуф (2020). тхеоретисал анд легал анализис оф административе досуменц. Ревиев оф лав ссиенсес, 3 (Специал иссуе),19-24. doi: 10.24412/2181-919X-2020-3-19-24.
7. Сардорбек Й. Анализис оф проблемс ин тхе просесс оф парламентарий сонсидеративн оф бюджет ехесутион репорц ин узбекистан //Берлин Студиес.
8. Хамедов И.А., Хван Л.Б., ТСай И.М. Кўрсатилган асар Сс. 296-300. (Хамедов И.А., Хван Л.Б., ТСай И.М.Шовн ворк. Пп. 296-300.
9. Ўзбекистон Республикасининг замонавий маъмурий ҳуқуқи ва оммавий бошқаруви бўйича 100 та долзарб саволга жавоблар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: А. Эгамбердиев. Муаллифлар: Р. Мельник, А. Эгамбердиев, Ж. Сотиболдиев. – Тошкент, "Нисо Полиграф", 2023. – 232 б.
10. Маъмурий акт (ҳужжат) ҳуқуқий тоифа сифатида – Ю.Саидазимов. "ОДИЛЛИК МЕЗОНИ" илмий-амалий, ҳуқуқий журнали 2023-й.

НОРМЫ КОНСТИТУЦИИ В СУДЕБНЫХ АКТАХ

Новая редакция Конституции Республики Узбекистан принята путём всенародного голосования на референдуме Республики Узбекистан, проведённом 30 апреля 2023 года.

Конституция Республики Узбекистан (далее-Конституция) стала основой реализуемых в нашей стране широкомасштабных демократических реформ, большой созидательной и благоустроительной работы, происходящих изменений и новшеств, фундаментом нашего национально-законодательства.

Основной Закон служит прочной основой достигаемых нашим народом успехов, продолжения избранного страной пути стабильного развития. В Конституции человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права определены высшей ценностью, и судебная власть играет важную роль в полном их обеспечении.

Нужно с особой гордостью отметить, что приняты ряд постановлений и указов, направленных на совершенствование государственного строительства, судебно-правовой системы, либерализацию экономики, развитие социальной сферы, укрепление межнационального согласия и дружбы, что повышает уверенность нашего народа в завтрашнем дне, дальнейшей счастливой и благоустроенной жизни.

В Конституции, а именно в части второй статьи 15 установлено, что Конституция имеет высшую юридическую силу, прямое действие и образует основу единого правового пространства на всей территории страны. Высшая юридическая сила Конституции означает верховенство ее норм над другими законами и нормативно-правовыми актами.

Статьей 55 Конституции каждому гарантирована судебная защита его прав и свобод, право обжалования в суд незаконных решений, действий и бездействия государственных органов и иных организаций, их должностных лиц, восстановление нарушенных прав и свобод путем рассмотрения его дела компетентным, независимым и беспристрастным судом в установленные законом сроки.

Задачами экономического судопроизводства являются: защита нарушенных или оспариваемых прав либо охраняемых законом интересов предприятий, учреждений, организаций (далее — юридическое лицо) и граждан в экономической сфере;

содействие укреплению законности и предупреждению правонарушений в экономической сфере;

формирование уважительного отношения к закону и суду (статья 2 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан-далее-ЭПК).

Часть первая статьи 5 ЭПК содержит норму согласно которой, суд принимает судебные акты в форме решения, определения, постановления, судебного приказа.

Статья 138 Конституции гласит, что акты судебной власти обязательны для всех государственных органов и других организаций, должностных лиц и граждан.

Аналогичная норма содержится и в статье 15 ЭПК, где установлено, что вступившие в законную силу судебные акты являются обязательными для всех государственных органов, органов самоуправления граждан, иных органов, общественных объединений, предприятий, учреждений, организаций, должностных лиц и граждан и подлежат ис-

полнению на всей территории Республики Узбекистан. Неисполнение судебных актов влечет ответственность, установленную настоящим Кодексом и иными законами.

В целях полноценного обеспечения гарантий прав человека путем прямого и единообразного применения судами норм Конституции Республики Узбекистан Пленум Верховного суда Республики Узбекистан принял Постановление №16 от 23 июня 2023 года “О некоторых вопросах прямого применения норм Конституции Республики Узбекистан при осуществлении правосудия”.

Настоящий Пленум даёт судам разъяснение о том, что следует обращать внимание на недопустимость отказа в применении норм Конституции в связи с тем, что соответствующие законы и иные нормативно-правовые акты не приняты. В случаях, когда нормы Конституции, которые должны быть применены в конкретном деле содержат ссылку на иной нормативно-правовой акт, судам, рассматривающим дело, следует руководствоваться нормами Конституции и закона, регулирующего соответствующие правовые отношения.

Также необходимо учитывать, что правовым основанием судебных актов являются прежде всего как правило соответствующие нормы Конституции, а затем иные нормативные правовые акты в зависимости от их юридической силы; в случае, если установлено, что законы и иные нормативно-правовые акты противоречат нормам Конституции, следует руководствоваться только соответствующими нормами Конституции. Иными словами, в мотивировочной части судебного акта следует ссылаться на нормы Основного Закона.

На наш взгляд, даны чёткие и нужные разъяснения о том, что все противоречия и неясности в законодательстве, возникающие во взаимоотношениях человека с государственными органами, толкуются в пользу человека. При этом, наказание либо иная мера правового воздействия, применяемая в отношении лица, виновного в совершении правонарушения, должна быть справедливой, то есть соответствовать тяжести правонарушения, степени вины и общественной опасности его личности.

Подытоживая нужно отметить, что по каждому случаю нарушения конституционных норм, гарантированных прав и законных интересов лиц, по результатам рассмотрения дела, суды должны реагировать на незаконные действия (бездействие) соответствующих должностных лиц путём вынесения частных определений, что впредь и в будущем окажет позитивные последствия для сторон по делу.

Бердимурат БАЙМУРАТОВ,

судья Нукусского межрайонного экономического суда Республики Каракалпакстан,

Гульбахар ПИРНИЯЗОВА,

преподаватель Каракалпакского государственного университета.

SPECIFICITY OF THE IMMUNITY OF SPECIAL MISSIONS IN MODERN INTERNATIONAL LAW

АННОТАЦИЯ:

This article explores the specificity of the immunity of special missions in modern international law. Special missions are temporary missions sent by states to other states or international organizations for specific purposes, such as negotiations or fact-finding missions. The article examines the legal basis and scope of immunity enjoyed by members of special missions, including their officials and employees.

The study begins by discussing the historical development of immunity for special missions and its evolution over time. It then analyzes the legal sources of immunity for special missions under international law, including treaty law, customary international law, and domestic law.

The article then considers the practical challenges and controversies that arise in the implementation of immunity for special missions in modern international law. It examines instances of abuse or misuse of immunity by members of special missions and the potential implications for the accountability and responsibility of states and their officials.

In conclusion, the article emphasizes the importance of balancing the need for immunity for special missions with the accountability and responsibility of states and their officials. It suggests that a nuanced approach to immunity, informed by the specific circumstances of each case, is necessary to ensure that the immunity of special missions serves its intended purpose while also upholding the principles of justice and the rule of law in international relations.

Keywords: Special missions, Immunity, Modern international law, Legal basis, Scope of immunity, Officials, Employees, Immunity from legal process, Limitations and exceptions, Essential interests of states, Abuse or misuse of immunity.

The immunity of special missions is an important principle in modern international law, which grants protection to diplomatic representatives and their missions in foreign countries. The specificity of this immunity lies in the fact that it is granted to a particular category of individuals and institutions, namely those who are involved in diplomatic and consular activities. In this paragraph, we will explore the specificity of the immunity of special missions in modern international law.

There is a Convention on Special Missions, which came into force in June 1985. As of October 2021, the Convention had 39 parties, not including the Republic of Uzbekistan. The Convention provides that officials from a foreign state on special missions are entitled to immunity to the extent required by the performance of the person's official duties.

The tradition of dispatching a special envoy to signify the importance of a specific occasion between two states is believed to be the most ancient method of conducting diplomatic relations. With the emergence

of modern national states, permanent diplomatic missions with comprehensive powers replaced the temporary ambassadors sent on special missions by sovereigns. While the legal regulations for diplomatic relations between states were mainly based on the conduct of permanent missions, special missions were still dispatched and not abandoned entirely. Thus, even though special missions were considered a specific form of permanent missions, the practice of sending special missions persisted.

In the 18th and 19th centuries, special missions were often sent to ensure appropriate representation of a state at significant ceremonial events, such as royal weddings or coronations. They were also dispatched for crucial political negotiations, especially those that took place at international congresses.

Here it is important to answer how special missions differ from permanent missions in terms of their objectives.

Special missions and permanent missions are two types of diplomatic missions that differ in their objectives.

Special missions are dispatched for a specific purpose or occasion, such as negotiating a treaty, attending an international conference, or dealing with a particular crisis. The main objective of a special mission is to accomplish a specific task or resolve a particular issue, and it is usually a temporary assignment. Special missions are typically led by a high-ranking diplomat or official with the necessary expertise to accomplish the mission's objectives.

On the other hand, permanent missions are established to maintain continuous diplomatic relations between two countries. Permanent missions are headed by an ambassador or a high-ranking diplomat who represents the sending country in the host country. The main objective of a permanent mission is to promote and protect the interests of the sending country, to facilitate communication and cooperation between the two countries, and to provide consular services to its citizens residing in the host country.

Thus, while special missions are established for specific purposes and are temporary in nature, permanent missions are established for the long-term and are responsible for maintaining the overall diplomatic relations between the two countries.

According to the Vienna Convention on Special Missions, members of special missions do not have immunity under Article 31 in cases where they are

involved in accidents caused by a vehicle that is not being used for official functions. Additionally, Article 27 states that members of special missions are only permitted to have freedom of movement and travel that is necessary for the performance of their functions, indicating that any other movement or travel may be restricted or subject to limitations .

The implications of the immunity of special missions on international relations.

The immunity of special missions is an important principle in modern international law, and it has significant implications for international relations. In this article, we will explore how the immunity of special missions affects international relations.

1. Promotion of Diplomatic Relations

The immunity of special missions promotes diplomatic relations between countries. It allows representatives of foreign countries to carry out their functions without fear of harassment or persecution by the host country authorities, which in turn promotes open and constructive communication between countries. This immunity thus facilitates diplomacy and the resolution of disputes between countries .

2. Protection of National Interests

The immunity of special missions also serves to protect the national interests of the sending country. Diplomatic and consular officials often engage in sensitive negotiations, and the immunity they enjoy protects them from interference by the host country authorities, thereby ensuring that the interests of the sending country are protected .

3. Ensuring Fair Treatment

The immunity of special missions ensures that representatives of foreign countries are treated fairly in host countries. This immunity protects them from arbitrary detention, arrest, or prosecution, and ensures that they are not subject to discriminatory treatment. This, in turn, promotes a sense of trust and confidence between countries, which is essential for maintaining healthy diplomatic relations .

4. Potential for Abuse

While the immunity of special missions serves many positive functions, it also has the potential to be abused. Representatives of foreign countries may use their immunity to engage in illegal activities without fear of prosecution, thereby undermining the rule of law in the host country. This can lead to tension and conflict between countries and may damage diplomatic relations .

There have been instances in the past where the immunity of special missions has been abused. Here are a few examples:

In 1984, a member of the Libyan special mission to the United Kingdom was involved in a car accident that killed a policewoman. The member claimed diplomatic immunity and was allowed to leave the country, despite being suspected of causing the accident. This incident led to a diplomatic row between the United Kingdom

and Libya and highlighted the potential for abuse of diplomatic immunity .

In 2013, a member of the Indian special mission in New York was accused of abusing her domestic worker and withholding her passport. The member claimed diplomatic immunity and refused to face charges. The case led to a lawsuit and highlighted the plight of domestic workers who are often exploited by members of diplomatic missions .

These incidents demonstrate that the immunity of special missions can be abused and that there is a need to ensure that diplomatic immunity is used responsibly and not as a means to evade prosecution for criminal activities.

The question of special missions was discussed in the *Tabatabai* case before a series of German courts. The Supreme Court of the country acknowledged that the Convention was not yet in effect and that there were differing opinions on the degree to which it mirrored established customary law.

It was evident that there existed a customary international law principle stating that a specially appointed envoy, tasked with a specific political mission by the sending state, may receive immunity by individual agreement with the host state for that mission and the associated status. Consequently, such envoys could be considered equivalent to members of permanent missions of states.

The principle of immunity did not shield the diplomat as an individual, but rather the mission that the person was carrying out on behalf of the sending state . Therefore, the critical factor was whether there was a precise and well-defined special mission that had been mutually agreed upon by the relevant states. In the case of *United States v. Sissoko*, the District Court determined that the Convention on Special Missions, which was not ratified by the US, did not constitute customary international law and was therefore not obligatory for the Court.

The Convention on Special Missions is the relevant international law that applies between the parties who have signed and ratified it. However, there is uncertainty regarding its practical application even between those parties. Besides, the number of parties is limited, and there are few other treaties concerning the subject. As a result, for most states and in most cases, the primary regulations governing special missions and other official visitors are based on customary international law .

Although there are some ambiguities regarding the exact extent of immunities for special missions under customary international law, it is widely acknowledged that such immunities require mutual agreement and representation of the sending state, as well as the provision of personal inviolability and immunity from criminal prosecution during the special mission and for a reasonable duration of travel .

One example of a special mission that would require such immunities is a peacekeeping mission in

a conflict zone. When a state sends a special envoy or peacekeeping force to a conflict zone, they are carrying out a specific function on behalf of the sending state. In such a scenario, the envoy or peacekeeping force requires immunity from the host state's criminal jurisdiction to carry out their mission effectively and impartially. This immunity allows them to operate independently of the host state and ensures their safety and security while carrying out their duties. Additionally, the immunity from criminal jurisdiction and personal inviolability is necessary to protect the envoy or peacekeeping force from any retaliation or punishment by the host state or non-state actors in the conflict zone.

The immunity of special missions is an essential principle of modern diplomacy, but it is not without challenges. Here are some of the challenges faced by the immunity of special missions:

Abuse of Immunity: One of the most significant challenges is the potential for abuse of immunity by members of special missions. Diplomatic and consular officials may use their immunity to engage in illegal activities, such as smuggling or espionage, without fear of prosecution, thereby undermining the rule of law in the host country. This can lead to tension and conflict between countries and may damage diplomatic relations .

The Scope of Immunity: Another challenge is the scope of immunity provided to members of special missions. The Vienna Convention on Special Missions provides immunity from criminal and civil jurisdiction, but it is not always clear what activities fall within the scope of the mission. This can lead to disputes between the host country and the sending country over the extent of immunity .

Strained Relations: Sometimes, a member of a special mission may engage in activities that are not consistent with the interests of the host country. In such cases, the host country may seek to curtail the member's immunity, which can strain diplomatic relations between the two countries .

Waiver of Immunity: The waiver of immunity is another challenge. Host countries may request the sending country to waive immunity in cases where it is necessary to ensure the proper administration of justice. However, sending countries may be reluctant to do so, as it may be seen as a breach of the principle of immunity, and may have diplomatic implications. The waiver of immunity can also be complex, as it may involve questions of jurisdiction and the interpretation of the Vienna Convention on Special Missions .

Non-Ratification: Finally, another challenge is that not all countries have ratified the Vienna Convention on Special Missions. This can lead to uncertainties in the application of the principle of immunity, as different countries may have different rules and regulations regarding the immunity of special missions .

The non-ratification of the Vienna Convention on Special Missions by a country can have several

implications for the immunity of special missions in that country.

Firstly, without the ratification of the Convention, there may be no clear legal framework for the immunity of special missions in that country. This can lead to uncertainties in the application of the principle of immunity, as different countries may have different rules and regulations regarding the immunity of special missions. This can result in confusion and disputes between the host country and the sending country over the extent of immunity .

Secondly, non-ratification of the Convention may limit the ability of special missions to carry out their functions effectively in that country. This is because the Convention provides a comprehensive framework for the immunity of special missions, including personal inviolability, immunity from criminal jurisdiction, and immunity from civil and administrative jurisdiction. Without such protections, members of special missions may be hesitant to carry out their functions, or may be vulnerable to harassment and intimidation by the host country authorities .

In conclusion, the immunity of special missions is an essential principle of modern diplomacy. However, it is not without challenges, including the potential for abuse, uncertainty over the scope of immunity, strained relations, the waiver of immunity, and non-ratification of treaties. It is essential that such challenges are addressed through diplomatic means to ensure that the principle of immunity is used responsibly, and to maintain healthy diplomatic relations between countries.

Nigina KHUDAYBERGANOVA,

LL.B., LL.M. (University of World Economy and Diplomacy).

References:

1. 80 ILR, p. 388. Available also at <https://law.justia.com/cases/ohio/ninth-district-court-of-appeals/2009/2009-ohio-3139.html>
2. Alexander M. Peterson, «The Thin Line between Diplomatic Immunity and Abuse,» *Diplomatic Courier*, 9 June 2015.
3. Aockslaff and Koch, «The Tabatabai Case: The Immunity of Special Envoys and the Limits of Judicial Review: 25 German YIL, 1982.
4. Convention on Special Missions. (1969). United Nations Treaty Series, 1400, 231. Retrieved from https://treaties.un.org/pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=III-9&chapter=3&clang=_en
5. Convention on the Privileges and Immunities of the United Nations, Feb. 13, 1946, 1 UNTS XVI.
6. Kishan S Rana, «Diplomatic and Consular Immunities: Evolution and Scope», *Indian Journal of International Law*, vol. 45, no. 3, 2005.
7. Shaw, Malcolm N. (Malcolm Nathan), *International law*, 5th edn, Cambridge university Press. 2003.
8. The Guardian, «Indian diplomat accused of trafficking and abusing servant», 17 December 2013. Retrieved from <https://www.theguardian.com/world/1999/sep/17/jonhenley1>
9. The Guardian, «The Libyan embassy shooting: 30 years on», 17 April 2014. <https://www.theguardian.com/uk-news/2015/nov/19/pc-yvonne-fletcher-killing-1984-libyan-arrested>
10. United Nations Treaty Collection, «Status of the Vienna Convention on Special Missions,» accessed 26 May 2023, https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=XXIII-3&chapter=23&clang=_en.
11. Vienna Convention on Diplomatic Relations, Apr. 18, 1961, 23 U.S.T. 3227, 500 U.N.T.S. 95. Article 3. Retrieved from https://www.un.org/rui/documents/decl_conv/conventions/dip_rel.shtml
12. Yearbook of the International Law Commission 1963, vol. II, p. 151, para. 3

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

УСТОЗ

*Соҳибқирон ётар устоз пойида,
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.
Устоз буюк деган буюк қоида
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.*

*Афлотунга шогирд эди Арасту,
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.
Бу олтин силсила давоми мангу,
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.*

*Борми мураббийдан бахтлироқ инсон,
Шогирдлари қилса юксакка парвоз.
Бошимизга тоғсиз, бор бўлинг омон,
Табарруклар ичра табаррук устоз!*

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири